

R 560

ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЊАВИЙ-МАЊРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4/2010




90



АСКАД МУХТОР

*Худо инсонни бир умр баҳт излами
азоби билан жазолаган.*

BIR XIL,
BIR XIL,
BIR XIL...



Бир таваллуд тантанасида "айбдор"нинг ўзи ўртакашлик қилди. Асса-лига бу ҳол кўпчиликка эриш ҳам туюлди. Тўғри-да, давра тўрида қўр тўкиб сипогина ўтириш ўрнига, ликеплаб ўзи ўртага чиқса, ўзи сўз улашса! "Қани, фалончи дўстим мен ҳақимда қандай фикрда экан, эшиштайлик-чи!" ёки "Мен бугун — түғилган кунимда фалончи дўстимдан сўз эшишмоқчиман, нима дейисизлар?" Нима деймиз, тантана сизники, микрофон қўлингизда, кимдан сўз сўрасангиз — ихтиёрингиз!

Ажабки, ўша маросимда бир оғиз ҳам носамиий гап бўлмади. Одатдаги баландпарвозлигу кўпиртиришлар, пахтабанд бардор-бардорлар йўқ. Айтилган тилаклар бари чин кўнгилдан, табиий, ҳақоний. У киши ростдан ҳам ҳурматга лойиқ, дўстга қадрдан, меҳр-оқибатли, хуллас, рисоладаги инсон эди. Албатта, шундай дамларда оз-моз мақтөв, иликроқ сўз бирорга малол келмаган. Аммо эс-хуши жойида бўлган, ўзининг кимлигию қадр-қийматини яхши билган одамга ғараз аралаш таърифлару омонат қўпиклар чикора?

Ортиқча сўз берилмаган, яккаш яллаю тапир-тупур ўйиндан иборат тўй-томошаларни ҳам кўрганмиз. Чунки кимлар алёр айтишини ҳам, нима дейишини ҳам олдиндан биласиз. Ҳаммаси ҳаммага маълум гаплар. Такрорланавериб қулоққа ёпишмайдиган бўлиб қолган бир қолипдаги, самимиятдан йироқ таъриф-тавсифлар. Керакми ўзи шулар? Керак. Видеога муҳрлаб қўймоқ учун керак. Тамом-вассалом!

Хўш, биз ўзгача бир тартибни таклиф қилмоқчимизми? Ёки катта-кичик барча йиғинларимиз, ҳали айтилганидек, "яккахонлик" йўсинида ўтмоғи лозим демоқчимизми? Йўқ, йўқ, ҳаддимизни билганимиз маъқул. Бу ишнинг ҳадис-ҳавосини олган кайвонию мутасаддилари бисёр, ўшалар бош қотирсан, ўшаларга тан. Билиб-билмай бирор тақлиф айтиб, маълум қоидани бузуб қўйишингиз мумкин!

Ким чиқарган ўзи шу қоидани? Қанчалаб сарф-харажат, ташвиш-тараффуд ёвазига элни тўплаган одам маъракасини ўзи хоҳлагандек қилиб ўтказолмайдими? Нега? Негаки, анъанага айланган таомилни бузуб, кулгига қолмоқдан қўрқади. Таомил эса, буюк Чўлпон куйиблар кетганидек — "бир хил, бир хил, бир хил". Зерикарли, туссиз, беҳуда.

Фақат тўй-томошаларимиз шундай бўлганида, азза-базза қоғоз қораламоққа ҳожат қолмасмиди денг...

Иса м. Фарзуд



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАҲНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Бош мұхаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят:

Дамин ЖУМАҚҰЛ
(масъуд котиб)
Муҳиддин РАХИМ
(бўлим муддири)
ШОҲСАНАМ
(бўлим муддири)
Одъия ЖОЛДАСОВА
(бўлим муддири)
Наргиза УСМОНОВА
(саҳифаловчи)
Машраб НУРИНБОВ
(фотомуҳбиги)
Журнални бозаша рассом Бобур
ИСМОИЛОВ асарларидан фойдаланинди.

Жамоат кечигити:

Дилорам АДИМОВА
Абдулла АЪЗАМ
Хуршид ДАВРОН
Нурилдин ЗАЙНІЛЕВ
Баходир ЗОКИР
Нажмиидин КОМИЛ
Султонмурад ОЛИМ
Хайридин СҮЛТОН
Нурилслом ТЎХЛИЕВ
Абдураҳим ЭРКАЕВ

Тўледиберген КАЙИЛБЕРГЕНОВ

Муртазо ҚАРШИБОЙ
Фарход ҲАМРОЕВ
ИброГим ҲАҚҚУЛ

Муассис — Республика Маънавийат маърифат кенгаси

Узбекистон Республикаси Матбуот ва яхборот агентлигига 0219-рекам билан рўйисетга олинган.
Матнларда фойдаланингдан мисол кўчирма ва маъзумотлар аниқлиги учун музллифлар жебугардир.

Журналдан кўчирниб босилганда маъба кайд этилиши шарт.

Шеърий асарлар журнагининг ўз ташаббуси билан кўп этилади.

Манзигимиз: 100047, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6-уб.

233-10-66
239-66-18
239-05-19

Журнал андоzаси таҳририятнинг компьютёр бўlimida tayёрланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаба акциядорлик компанияси босмахонаси: 100029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-үй.

2010 йил 7 октябрь куни босмахонага топширилди. Кўргоз бичими 70x100 V, 6 бомма тобор.

1139-буюртма. Нашр ёвдиди 2332 нусха.

ISSN 2010-648

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Ўқтам ва ўлмас тилимиз. Профессор Низомиддин МАҲМУДОВ билан сўхбат 4

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Сирожиддин БЕРДИҚУЛОВ. Демократик янгиланиш ва сиёсий партиялар 12

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Қўчкор ХОНАЗАРОВ. Умидли дунё 16

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Шаҳноза ҚАҲҲОРОВА. Фалсафа — ҳикматдир 20

ХАЗИНА

Асқад МУХТОР. Инсон мангуликка келади асли 32

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи. Кўланка. (Ҳикоя) 38

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Гулбаҳор САЙДҒАНИ. Кўнглимни гул баргига шарҳ этай 52




“O’zbek”

• Муковаларда:

1. “Бозбон”
3. “Шум бола”
4. “Масҳарабоз”

SAHIFALARIDA

саҳифадаридা



"Озодлик"

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

- Ҳамма гап — қандай ёзишда.
Драматург Шароф БОШБЕКОВ билан
сұхбат 54

БҮЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

- Иброхим ҲАҚҚҰЛ. Ҳаёт санъаткори 60



Иброхим Ҳаққұл
Шароф Босбеков

МОХИЯТ ЖИЛОПАРИ

- Зиёда ГАФФОРОВА. "...Яратти чунки Ҳақ
айни мұхабbatдин" 67

ХАЗИНА

- Мұхаммад АЗИЗОВ. Пайғамбар оролидаги
обида 72

ТАФАККУР ТАБАССУМИ

- Ҳазиломуз ҳикматлар 74

ЖАВОНДАГИ ЖАВОХИР

- Йүлдош СОЛИЖНОВ мутолаа қиласы 76

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Феруза ҚҮЛДОШЕВА. Медиация нима? 82
Васила АСРАҚҰЛОВА. Маданий тафаккур
хусусиятлари 83 ✓
Дилбар ҲОЖИМУХАММЕДОВА. Муруват —
барқамол авлодға фазилат 84
Бахтиёрхұja ШОДМОНОВ. Глобаллашув
ва ёшпар 85 ✓
Дилшода НАЗАРОВА. Миқдордан сифатта 86
Отабек ОРТИҚОВ. "Ҳар бир киши —
файласуф" 87 ✓
Анвар МУХИДДИНОВ. Бебаҳо қадрият 88
Умид НАРЗУЛЛАЕВ. Истиқболли одимлар 89
Зафар ҲАЙИТОВ. Тарихий хотира —
үзлиken англаш асоси 91
Муяссар КАРИМОВА. Шаҳарлашув ва
хунармандчilik ривожи 92 ✓
Нилуфар АЗИЗОВА. Комилликка
орифона даъват 93
"Тафаккур"га мактублар 94
Журналнинг инглизча мұхтасар
мазмуни 95




O'ktam va o'lmas tilimiz

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори,
профессор Низомиддин МАҲМУДОВ
билингвистик

— Одатда, қайси дир соҳада раҳбар ўзгарса, жамоатчилик ундан каттатта каттатта янгиликлар кутади, маёжуд вазиятда ижобий томонга силжии бўлади, деб умид қиласди. Шу маънода, Сизнинг Тил ва адабиёт институтига директор бўлишингиз мазкур илмий даргоҳининг ҳозирги фаолияти ва келгуси режаларида бирор ўзгариш ясайдими?

— Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бениҳоя мўътабар муассасаси, унинг етмиш беш йилдан ортиқ залворли тарихи бор. Мавқеи “туркӣ тиллар орасида юксак, юқори, олий ўлған”, “шарқ тилларининг биринчиси” бўлган тилимиз ва “олдидан ўтканда бу кунги Оврўла адабиёти ҳам шапкасини олиб салом берадиган” (Фитрат таърифлари) адабиётимизнинг сиру синоатини, ибтидосидан бугунигача кечган тарихий тараққиёти тамойилларини, қадимий қонуниятларию бадиият бобидаги имкониятларини илмий инкишоф қилишининг илк замонавий асослари аввало шу даргоҳда қўйилган, десак муболага бўлмас. Ер юзидағи энг кўхна фанлардан бири бўлмиш филологиянинг Ўзбекистондаги даргалари айнан ана шу масканда самарали фаолият кўрсатган, қон рангидағи қуюшқонга имкон қадар чап бериб, рост сўзни айтмоқнинг уддасидан чиқсан, жаҳон бадиият хазинаси тўрида қўр тўкиб турган ўзбек сўзидан асрлар чангини қоқиб, унинг тилсимотига заррабин тутмоқдай заҳматга йўғрилган шарафга мұяссар бўлган. Ана шундай улуғлар номи билан боғлиқ институтга бош бўлишдек фоят шарафли, шунинг баробарида ўта масъулиятли вазифа бугун менинг зим-

мамга юклатилди. Айтиш лозимки, ўзбек тили ва адабиётининг ягона ватани — Ўзбекистон, уларни илмий тадқиқ қиласидиган дунёдаги ягона илмий марказ ҳам шу Тил ва адабиёт институти. Ер юзининг турли мамлакатларида математика, физика, кимё каби фанларни ўрганадиган юзлаб илмий тадқиқот институтлари мавжуд, аммо ўзбек тили ва адабиёти институти бошқа йўқ. Тўғри, ўзбек тили ва адабиёти нуфузининг ўзига хос эътирофи ўлароқ дунёнинг катта-кичик давлатларида, асосан, амалий ўрганишга қаратилган марказлар, ўкув юртларида эса баъзи бўлимлар бор, албатта, бундан фаҳрланмоқ жоиз... Шундай бўлгач, Тил ва адабиёт институти илмий жамоаси ҳам, унинг директори ҳам ўзбек тили ва адабиётининг мавжуд илмий муаммоларини жиддий тадқиқ этишга, тегишли қонуниятларини очиб беришга бурчлидир. “Ноумид — шайтон” дейдилар, мен директор сифатида ана шу йўналишларда илмий жамоамиз ишини оқилона ташкил этиб, жиддий самараларга эришамиз деб умид қиласаман.



— Истиқтол ўилларида барча жабҳалардаги каби тилшуносликнинг ҳам ривожлангани маълум. Сиз айни соҳанинг бу даврдаги қайси ютуқларини алоҳида эътироф этган бўлардингиз? Қандай янги назария, янги гоялар олиб кирслди?

— Албатта, мустақиллик шарофати билан ҳаётимизнинг, ҳеч бир истисносиз, барча соҳаларида улкан ўзгаришлар, янгиланишлар юз берди. Жумладан, бу ўилларда ўзбек тили ҳам, тилшунослиги ҳам жиддий тараққиёт йўлига тушиб олди. Маълумки, тилнинг луғат бойлиги жамиятдаги ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади. Халқимизнинг кўп асрлик орзуси бўлмиш истиқтол жамиятнинг негизини янгилади, янги-янги қадриятларни яратди, унут бўлган тушунчаларни тиклади, халқинг руҳи ва тафаккурини тирилтириди. Ана шу боис тилимизнинг луғат бойлиги янада зангинлашди, ҳар жиҳатдан рангинлашди. Худди шу бебаҳо бойликнинг таркибини жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига тушунарли тарзда таърифлаш ва тавсифлашга улкан эҳтиёж туғилгани учун ҳукуматимиз қабул қилган дастурга мувофиқ Тил ва адабиёт институти олимлари беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни (2006–2008) яратди. Бу луғат минг йиллик ўзбек луғатчилиги анъаналари ва дунё луғатчилиги тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда тузилган фундаментал нашрdir, шунинг учун ҳам унинг яратилиши нафақат ўзбек тилшунослиги ютуғи, балки республикамиз маданий-маърифий ҳаётидаги жиддий воқеа сифатида баҳоланишга лойиқ. Яна шуни ҳам эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида бир қанча таржима ва терминологик луғатлар ҳам яратилди, уларнинг нафақат амалий, балки назарий қийматга ҳам молик эканини таъкидламоқ керак.

— Сур эмас, она тилимизнинг ички қонуниятларини ўрганишда яқин-яқингacha бошқа тилларга оид илмий тадқиқотларга тақлид қилинар, улар ўзбек тилшунослигу учун гўёки маёқ вазифасини бажарар эди. Бугун биз шу иллатдан қанчалик қутулдиқ? Янги тамоийллар асосида қандай янги тадқиқотлар қилинди?

— Тўғри айтасиз, истибод даврида она тилимизнинг ички қонуниятларини ўрганишда бошқа тиллар тадқиқига бағишланган ишларга тақлид қилинган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ўзбек тилшунослигида ана шундай тақлидлар натижасида юзага келган назарий чалкашликлар тафсилотига ўтмайлик-да, мутахассис бўлмаган журналхон ҳам bemalol тасаввур қила оладиган биргина мисол келтирайлик. Рус тилидаги “здесь” сўзи рус тили грамматикасида ўринравиши деб тавсифланади. Мазкур сўзниңг ўзбекча таржимаси “бу ерда” бўлиб, у иккита мустақил сўздан таркиб топган эркин сўз бирикмасидир. Ана шу сўз бирикмаси рус тилига тақлидан бир сўз деб, яъни битта ўринравиши деб талқин этиб келинди.

Бир тилдаги муайян қоида ёки қонуниятни бошқасига тўғридан-тўғри татбиқ қилиш билан шу тилнинг мутлақо ўзига хос табиатини очиб бўлмаслигини исботлаш учун катта калла керак эмас. Ҳар бир тилнинг ўз мантифи ва руҳи бор, бу эса тиллар тадқиқидаги ҳар қандай тақлидчилик самарасиз эканини тасдиқлайди. Дунёнинг манаман деган тилшунослари, масалан, олмон алломаси Вильгельм фон Гумбольдт ер юзида тилларнинг хилма-хиллиги ва ўзаро фарқлилиги фақат товушларнинг эмас, балки тил эгаларининг оламни қандай кўришидаги хилма-хиллик ва фарқлиликдан иборатлигини қайта-қайта таъкидлайди. Америка тилшуноси Бенжамин Уорф эса “Агар Ньютон инглиз тилида ўйлаб, инглиз тилида тафаккур қилмаганида эди, у яратган машҳур қонун бир оз бўлса-да, бошқачароқ бўларди”, деган гапни айтган. Демакки, тафаккур тарзи ҳам тилга бевосита боғлиқ. Шу боис тилшунослик илмидаги тақлидчилик нафақат бефойда, ҳатто зарарли ҳамдир, бу борада тақлидчилик этикнинг қолипи билан туфли тиккандек нодуруст юмушдир. Албатта, тақлидчилик бошқа нарса, аммо хорижда, дунё тилшунослигида яратилган турли тиллардаги илмий тадқиқотлардан ижодий фойдаланиш бошқа нарса, улардаги хилма-хил янги ғоя ва талқинлар ўзбек тилидаги муайян ҳодиса ва қонуниятларга чуқурроқ ёндашувлар учун туртки бериши мумкин. Зотан, фаннинг тараққиёти ҳозиргача айнан шу йўлдан борган.

Яна бир гап шуки, шўро замонида ўзбек тилининг хориждаги мутахассисларига керагидан ортиқ қуллук этиш, зарур-нозарур улардан ўрганишга ружу қўйиш урфга кирган эди. Ўзбек тилига кўрсатган ҳурмату эътиборлари учун, тилимизни тарғибу ташвиқ қилганлари учун уларга беадоқ тасаннолар айтиш бурчимиз, албатта. Аммо ўзбек тилида bemalol сўзлашолмаган, бу тilda эркин тафаккур қилолмаган, унинг руҳини қалбидан ўтказолмаган, ўз тилининг қолипи ва мантифи билан бу тилга тўн бичиб берадиган мутахассисдан даҳо ясаш ҳамиятсизлик эди. Аммо...

Бугун, шукрларким, тақлидчилик, қуллуқчилик каби қусурлардан кутулдик. Ўзбек тилининг табиати, қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари бевосита шу тил руҳидан келиб чиқиб ўрганилмоқда. Масалан, ўзбек тилшуносликлардагидаги жиддий тадқиқотлар натижасида бугун рус ва бошқа тилшуносликлардагидан фарқли ўлароқ янги синтактик назария юзага келди. Унга кўра, ўзбек тилида гапнинг грамматик-мантиқий асосини рус тилидагидек эга ва кесим эмас, балки фақат кесим ташкил этади. Бу назария тегишли тарзда таълим тизимлари дастуридан ҳам ўрин олди. Шуни ҳам мамнуният билан таъкидламоқ жоизки, илгари “эгасидан ажратиб олиб” ўрганилган тил бугун “эгаси билан бирга”, яъни прагматик асосда ўрганилмоқда. Тилшунослик тадқиқотларида ўзбек тили “сўзловчи/тингловчи — тил — объектив олам” учлиги тўлиқ этиborga олинган ҳолда текширилмоқда,

айни шу прагматик тамойил устуворлик қилмоқда. Албатта, бу тамойил ўзбек тили қонуниятларини холис ва илмий асосли белгилаш имкониятини беради. Ўзбек тилининг янги назарий грамматикалари, систем тилшунослик, прагмалингвистика каби йўналишларда бир қатор жиддий тадқиқотлар яратилди.

— Бугунги тилшуносликнинг аҳволи қандай? Унинг олдида турган муаммоларни нималарда кўрасиз?

— Ўзбек тилшунослиги бугун мустақил ва мунтазам тараққиёт йўлидан бормоқда. Унинг олдида турган муаммолар кўп, албатта. Айниқса, ўзбек тилининг мустақиллик давридаги ривожланиш жараёнларини, унинг барча сатҳларидағи тараққиёт тамойилларини жиддий тадқиқ этиш бениҳоя долзарб вазифалардан-дир. Тил ва адабиёт институти олимлари ҳозир “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари” мавзусидаги катта лойиха устида иш олиб бормоқда. Олдинроқ айтиб ўтганимдек, янгиланган жамиятимиздаги барча ўзгаришларнинг лисоний ойнаси лексика, яъни луғат бойлиги бўлгани учун, аввали, тилимизнинг ана шу сатҳини тадқиқ этиш мўлжалланган, бошқа сатҳлар устидаги тадқиқотлар, албатта, галдаги вазифадир. Ўзбек тили тарихи муаммоларни ўрганиш ҳам муҳим юмушлардандир, зотан, илгариги мустабид даврда унинг бир қатор масалаларини холис тадқиқ этиш имкони йўқ эди. Ҳозир бу йўналишда анча-мунча ишлар қилинди, аммо қилинадиганлари янада кўп. Ўзбек тили ва жамиятимиз масаласи ҳам чуқурроқ ва қўламлироқ ўрганилиши лозим. Адабий тилимизнинг тирик, туганмас ва тароватли манбаи бўлмиш ҳалқ шеваларини илмий ўрганишни жадаллаштириш ҳам олдимиизда турган вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, ўзбек матни лингвистикаси, лингвопоэтикаси муаммолари тадқиқи бизда энди-энди бошланди, бу йўналишда ҳам қилинадиган ишлар бисёр.

— Бугун юртимизда алифбонинг қўлланиши борасида қизиқ бир ҳолат юзага келиб қолди. На тўлиқ лотин графикасига ўтилди, на кирилл графикасида қолинди. Белгиланган муддатлар ҳам бир неча бор ўзгартирилмоқда. Алифбомизнинг тақдиди кўпчиликни қизиқтиради. Афсуски, биз журналистлар ҳам ҳалқнинг шу тўғридаги мурожаатларига елка қисиб қўя қоламиз. Сиз-чи?

— Тоталитар тузум давридаги тарихимиздан маълумки, ёзувлар ўзгарганда, ўтиш даври учун тайинли муддат берилмаган, аҳоли араб ёзувидан лотин ёзувига, кейинроқ лотин ёзувидан кирилл ёзувига айтиларни бирданига мажбурана ўтказилган. Бу муайян жиддий мушкулотларни келтириб чиқаргани маълум. Бирон бир ёзувни билиш учун қайси ҳарф қайси товушни ифодалашини билишгина етарли эмас. Ёзувни билишнинг моҳияти сўзни ҳарфлаб эмас, балки бутунича, яхлитлигича ўқий олиш малакасига эга бўлишдан иборат, бу, шубҳасизки, муайян вақт ва ҳаракатни талаб этади. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига таълим босқичларида ўтиб бўлинди. Лекин, яшириб нима қилдик, катта ёшдагиларда ҳали-ҳамон янги алифбода эркин ўқиш малакаси шаклланниб бўлганича йўқ, улар жуда зарур бўлганда, ўзларини зўриқтириб бўлса-да, янги алифбодаги матнни ўқий олишларига қарамай, айтайлик, шу алифбодаги бадиий адабиётни ўқиб, хузурулана олмайди... Менимча, янги алифбога ўтиш муддатининг узайганидан муаммо ясамаган маъқул...

— Мени кўпдан буён бир савол ўйлантириб келади: ўзбек халқи ва ўзбек адабий тилининг шаклланиши даври орасида уч-тўрт асрлик бўшилиқ бор. Тарихчилар халқимиз иккинчи минг йиллик бошларидаёқ шаклланиб улгурганини таъкидласа, аксарият тилшунослар адабий тилимизнинг шаклланиши даврини иккинчи минг йиллик ўрталаридан белгилашган. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

— Бу, албатта, эски тузум истагига кўра шаклланган ёки шакллантирилган хато қараш. Ўзбек номи ва тили XIV — XV асрларда пайдо бўлган қабилидаги ёндашув ўша тузум сиёсати тегирмонига сув қўйгани аниқ. Аслида, бундай хуносанинг таги бўш. Атоқли тарихчи Бўрибой Аҳмедов халқларнинг тарихи уларнинг номидан олдин юришини айтади. Умуман, халқнинг шаклланишини унинг тилисиз тасаввур этиб бўладими? Тилсиз оломон халқ ё қавм сифатида қандай бирлашиши мумкин?! Бунинг устига, минг йиллик муҳташам маданиятга эга бўлган ўзбек халқининг тили қандай қилиб ундан кейин пайдо бўлар экан?! Совет сиёсатини ҳазм қилолмасдан хорижга чиқиб кетган Пётр Бициллининг “Индустрисиз, мусиқасиз, ҳатто давлатсиз маданиятлар (ва миллатлар) мавжуд, аммо тилсиз маданият йўқ” деган гапи ҳам айни ҳақиқат. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг 10-жилдида шундай қайд этилган: “Қораҳонийлар даврида (XI–XII асрлар) Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий суолаларга ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якуний босқичи бошланди. Фарбий Қораҳонийлар давлати доирасида ҳозирги ўзбекларга хос туркий этнос қарор топди ва мазкур даврда ўзбек халқига элатни белгиловчи ҳудуд, тил, маданият, тарихий қисматнинг умумийлиги, этник ўзликни англаш, этноснинг уюшқоғлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, дин умумийлиги ва бир қанча шу каби бошқа этник аломатлар шаклланган. Бу даврда ўзбекларнинг умум элат тили қарор топди”. Демак, ўзбек халқи ва тили бир даврда, яъни XI — XII асрларда шаклланган.

— Она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши чўнг маданийтарихий воеа бўлганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ана шундан буён ўтган салкам чорак асрлик даврни мушоҳада этганда тилимиз мавқеи нақадар юксалганидан фахр-иiftixor ҳисси туямиз, албатта. Бироқ она тилимизнинг ушбу мақомини кафолатлаган қонун ижросидан кўнглимиз тўлмаётгани ҳам бор гап...

— Энг аввало, бунга эришиш осонликча бўлмаганини очиқ айтиш керак. Биламизки, ўзбек тилига давлат тили мақомини берган ҳужжат — “Давлат тили ҳақида”ги қонун 1989 йил, яъни ҳали “марказ”нинг ғирром чизигидан чиқиш таҳхикали бўлган вақтда қабул қилинган. Ўзбекистоннинг ўша даврдаги пешволари ўзбек ва рус тилларига баб-баравар давлат тили мақомини беришдек тўр ғоясини зўр бериб тарғиб этган. Ҳатто ана шу ғоя асосидаги қонун лойиҳаси ҳам эълон қилинган. Шукрларким, 1989 йил июнида муҳтарам Ислом Каримов республиканинг биринчи раҳбари сифатида иш бошлади. У кишининг ташаббуси ва жасорати билан мазкур икки тиллилик ғояси бутунлай барҳам топди, ўзбек тилининг табиий ҳуқуқи қонунлаштирилди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “бу Ватанимиз тарихида том

маънодаги буюк воқеа эди". Айни чоқда Юртбошимиз ифтихор билан бундай ёзади: "1992 йил 7 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳукуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустаҳкамлаб кўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди". Ифтихор билан айтиш лозимки, ўзбек тили ўтган йигирма бир йиллик муддатда бирор бир нарсасини йўқотмади, балки неча ўн йиллар давомида йўқотгандарини қайта топди. Ўзбек тили, энг аввало, қисиниб-қимтениб яшамайдиган бўлди, у ҳаётимизнинг барча соҳаларида, расмий-норасмий ҳолатларда эркин қўлланадиган бўлди, юртдошларимизнинг, миллатидан қатъи назар, барчаси учун Ватандек суюкли ва эҳтиромли тилга айланди. Бу унинг жадал ривожи учун барча эшикларни очиб берди. Демак, бу борада давлат томонидан қилинадиган ишлар амалга оширилган, тегишли шароит яратилган. Камчилик эса жамиятимиздаги, айрим кишиларимиздаги ҳафсаласизлик, эътиборсизлик, масъулиятысизликдадир.

— Асқад Мухтор "Матбуот — тилнинг қибласи", деб ёзган эди. Сиз бир вақтлар Миллий телерадиокомпанияда масъул лавозимда ишлаган раҳбар, малакали тилшунос ва борингки, оддий бир ўқувчи (тингловчи, томошабин) сифатида оммавий аҳборот воситалари тилидан қониқасизми? Бу борада Сизни кўпроқ қандай муаммолар қийнайди?

— Газета бўладими, журнал бўладими, радио-телевидениеми, ҳар қандай оммавий аҳборот воситасининг асосий қуроли — тил, сўз экани кундай равшан. Уларда ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллиги, таъсир кучи етарли даражада акс этмоғи лозим. Нутқнинг маданийлигини таъминлайдиган аниқлик, софлик, мантиқийлик, жўялилик каби энг зарурий сифатларнинг бирортаси мазкур воситалarda чала бўлмаслиги, оқсамаслиги шарт, акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шуни ҳам айтиш ўринлики, оммавий аҳборот воситалари тили жамиятнинг адабий тили учун этalon вазифасини бажармоғи, кишиларда адабий тил кўнилмаларини мустаҳкамлашга, айни чоқда, уларнинг нутқ маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоғи керак. Матбуот ёки радио-телевидение тилидаги, каттадир-кичиқидир, ҳар қандай хато ёки нуқсон жамиятнинг нутқий маданиятига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Бугунги кунда матбуот тили, саноқли нашрларни ҳисобга олмаганда, жуда қашшоқ ва чучмал бўлиб қолган, услугубий ва имловий хатоларнинг бот-бот кўзга ташланиши таассуфланарлидир. Радио-телевидение тилидаги шевачилик ҳам кўп кишиларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Бадиий асарда шева унсурларидан муайян ният асосида фойдаланиш бошқа нарса, аммо ҳеч бир мақсадсиз, ким қайси шева вакили бўлса, ўша шевада бемалол кўрсатув ёки эшиттириш олиб бориши тамоман бошқа нарса, албатта.

— Бир вақтлар она тилимизнинг расман тан олиншиидан ҳалқимиз қанчалик қувонган эди. Бугун эса кўча-кўйда ҳам, илмий-адабий доираларда ҳам яна рус тилига қайтилаётгандек туюлмайдими Сизга? Нима деб ўйлайсиз, жамият "иккинч она тили"сиз яшай олмайдими?

— Маълум бир доирада русча гапириш масаласи ҳам мулоҳаза қилинадиган муаммо. Зарурият бўлмаганда бундай қилиш ўзбек тилига нописандлик, албатта. Бу ҳам шахснинг маданий-маънавий савияси ва миллий ҳамиятининг сустлиги билан боғлиқ. Ўзбек тили давлат мақомида турган бугунги кунда рус тилига қайтилишига мен мутлақо ишонмайман. “Иккинчи она тили” тушунчаси эса мантиғи носоғлом ва палағда сиёsatнинг маҳсулидир, чунки она тили фақат ва фақат битта бўлади.

— *Маҳаллий аҳоли орасида фарзандларига рус (ёки инглиз) тилида таълим беришга интилиш кучайгандек. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Ўзбек тили ҳали-ҳануз қонуний ҳуқуқига эришолмагани биланми ёки бу ҳам бир тараққиёт тақозосими? Ёхуд она тилимизнинг жаҳонда тутган ўрни шунчалар... пастми?*

— Она тилимизнинг, ўзбек тилининг жаҳонда тутган ўрни паст эмас, дунёнинг жуда кўп мамлакатлари, жумладан, Япония, Корея, Туркия, Америка, Хитойда ўзбек тили ростакам иштиёқ билан ўрганилмоқда, тегишли таржима луғатлари нашр қилинмоқда. Дангал айтиш лозимки, юртимиздаги хорижий тил таълими ва хорижий тилдаги таълимда она тили бирламчи восита бўлмоғи лозим. Ҳатто Юртбошимиз хорижий тиллар она тилини унтиш ҳисобига ўрганилмаслиги зарурлигини алоҳида уқтирган. Фарзандларимиз рус, инглиз ёки бошқа хорижий тилларни ўрганиши, ота-оналар ҳам шунга интилиши мутлақо ижобий ҳол. Аммо боланинг она тилидаги тафаккур кўникмалари шаклланиб бўлгачгина, маънавий дунёси ўзбек тилида тиклангачгина бошқа тил таълимини бошлаган маъқул. Рус педагогикасининг йирик намояндаларидан бири Константин Ушинскийнинг қуидаги фикри диққатга сазовор: “Хорижий тилларни ўрганиш ҳеч қачон жуда эрта, яъни она тили боланинг маънавий дунёсига чуқур илдиз отмасидан туриб бошланмаслиги керак”. Шундай экан, боғчаларнинг қуий гуруҳлари, мактабларнинг илк синфларидан бошлабоқ биз рус тилида таълим олаётган болаларда миллий ўзлик ҳисси завол топмаслиги, миллий маънавият ажнабийлашмаслиги учун жиддий қайғуришимиз даркор.

— Бугун ўзини маданиятли санаган кимса борки, русча қўшиб гапиришига одатланган. Тилда акс этаётган маданий хуруж асорати эмасми бу? Сиз мазкур муаммо ҳақида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ҳам куюнчаклик билан ёзган эдингиз...

— Ўзбекчага русча қўшиб гапириш, айниқса, ёшлар орасида кўпроқ учраб туриди. Бундай ҳолат, табиийки, мақбул одат эмас. Бу она тилига ҳам, ўша бошқа тилга ҳам ҳурматни билдирамайди. Она тилига қанчалик нописандлик бўлса, рус тилига ҳам шунчалик нописандлик белгисидир. Ўз тилини мукаммал билган, бошқа тилнинг ҳам чинакам соҳиби бўлган одам нутқини бундай “бўтқа” қилмайди. Маданиятсизликнинг қўпол намунаси бўлган мазкур ҳолат, таъбир жоиз бўлса, маънавиятнинг муаллақлигидан келиб чиқади. Бундай салбий одатнинг илдизи русча ёки ғарбча маданиятга ғарибона маҳлиёлик оқибати, бу маҳлиёлик эса ғарбча маданий хуружлар асоратидан бошқа нарса эмас, албатта. Араб маърифатчиси Сата ал-Хусрий илфор ғарб мамлакатларининг ютуқларини маънавий

маданиятга кўр-кўёна жорий қилмаслик лозимлигини таъкидлайди, у шу тариқа мазкур хуружларнинг олдини олиш мумкин деб ҳисоблайди.

— Кейинги йилларда хусусий фирмада, корхона ва ташкилотлар сони кўпайгани юртимизда кечеётган улкан янгиланишлар, ривожланишлар самараси, албаттада. Аммо уларнинг номларига келганда ҳайратдан ёқа ушлайди одам: дафъатан Россия ёки Америкада юрибсизми — билолмай қоласиз... Бир вақтлар Самарқанд вилоятидан мен ишлаётган газетага мақола келган эди. Унда “Оқсоқ Темур” фермер хўжалиги фаолияти хусусида сўз борарди. Раҳбар ўз хўжалигига қайси калла билан шундай ном кўйгану журналист қайси ақл билан у ҳақда мақола ёзяпти? Назаримда, хусусий ташкилотларнинг номини ҳам бир қур тартибга солиш, бу жабҳада ҳам “Давлат тили ҳақидаги” Қонун ижросини таъминлаш олдимида турган долзарб вазифалардан бўлса керак...

— Гапингизда жон бор. Хусусий фирма, корхона ва ташкилотларга берилган ва берилаётган баъзи номларни кўриб, ҳайратдан ёқа ушламасликнинг иложи йўқ. Тилга олганингиз ўша хўжалик раҳбарининг ҳам, шу номни рўйхатдан ўтказган мутасадди ташкилот бошлигининг ҳам миясини қизил ёки яна қайси рангдагидир шўра босгани аниқ, бўлмаса, улар шу ном билан кимнинг тешасини чопаётганига фаҳмлари етган бўларди. “Империал”, “Наполеон”, “Царь” каби муҳташам бўлиб туюладиган номларнинг миллийлигимизга сира ҳам уйғун эмаслигини ким билмайди? Ҳамма билади, фақат ном танловчилар ва уларни рўйхатдан ўтказувчиларгина билмас, дангалроғи, билишни истамас...

— Сиз она тилимиз билан боғлиқ бир неча масъул лавозимларда фаолият юритгансиз, аммо тилнинг обрўсини тикилаш масаласини неча йиллардан бери ҳал қилолмаяпмиз, балки бу баҳт биздан кейинги авлодларга насиб қиласар, деган ўй хаёлингиздан кечганим?

— Жуда жиддий ва юкли савол бердингиз... Қадимдан тилшунослик ва адабиётшунослик яхлит бир филология фани сифатида шаклланган ва яшаган. Айни фанлар муаммоларини чуқурроқ тадқиқ этиш нияти билан бўлса керак, бу икки соҳа алоҳида-алоҳида фан сифатида ривож топган. Адабиёт тилнинг яшаш майдони, бутун бўй-бастини, зебу зийнатини кўрсата биладиган бир саройдир. Таассуфки, бугун бу икки фанни баравар биладиган мутахассис йўқ ҳисоби, бундай мутахассисларни тайёрлашга ҳам киришилмаган. Умид қиласанки, кейинги авлодлар ана шундай филологларни тайёрлашда иштирок этар ёки ўзлари шундай мутахассис бўлиб етишар...

Фарруҳ ЖАББОРОВ
суҳбатлашиди.

Сирожиддин БЕРДИҚУЛОВ

DEMOKRATIK YANGILANISH VA SIYOSIY PARTIYALAR

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳукуқий давлат қуриш шароитида сиёсий партияларнинг асосий мақсади, Президент Ислом Каримов таъқидлаганидек, "манасб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш бўлмоғи даркор" (Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т., 1996, 351-бет). Бу мақсадга эришиш учун эса оқипона ташкилий механизми йўлга кўйиш ва партиялар фаолиятини қайта куриш талаб этилади. Ўзбекистон сиёсий партиялари қаршисида ҳозир шу муносабат билан ўз дастурларини янада такомиллаштириш, бутун аҳоли ва айниқса электорат олдида ўзлигини топишдек ниҳоятда мухим вазифа турибди. Шак-шубҳасиз, бунда партиялар бир-биридан фарқ этувчи мақсад-вазифалар билан бирга халқ ва миллатни жисплаштирувчи умумий ғояларга ҳам эга бўлмоғи даркор. Ушбу мақсад йўлида уларнинг фаолиятини ҳукуқий жиҳатдан кўллаб-кувватловчи асосий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунидир. Мазкур қонун лойиҳаси 2006 йил ноябрида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айrim моддаларига (89-модда; 93-модданинг 14-банди;

102-модданинг 2-қисми) ўзгартришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан бирга давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлисга ҳавола этилди. Президентнинг ушбу қонунчилик ташаббуси 2004 йилдан бошланган Парламент ислоҳотининг узвий давоми ва мантиқий ривожи, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат курилишидаги ролини оширишга қаратилган муҳим сайд-ҳаракат бўлди. Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва 2007 йил 11 апрелда қабул қилинди. 2008 йил 1 январдан кучга кирган бу қонун сиёсий партиялар тараққиёти учун ҳукуқий кафолатдир.

Марказий Осиё давлатларининг сиёсий партиялар фаолиятига доир қонунчилиги таққослаб боқилса, Ўзбекистон бу борада бирмунча илгарилаб кетгани кўзга ташланади. Кўшни давлатларда сиёсий партияларнинг турли бўғиндаги ҳокимият органлари таркибиға кириши ва уларда қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатиши йўлида нафақат институционал ва қонунчилик чекловлари мавжуд, балки айни чоқда уларнинг Парламентдаги ўрни ҳам худди шундай чеклангандир. Масалан, Қозоғистон Республикасида 77 депутатдан 10 нафаригина партия рўйхати асосида сайланади. Сенатда эса сиёсий партиялар учун ўрин мутлақо кўзда тутилмаган. Тоҷикистонда бир мандатли округлардан 41 нафар депутат сайланса, шундан нафақат 22 нафари партия депутати ҳисобланади.

Қирғизистонда депутатларнан күрсатылган номзодларнинг партияйи мансублиги уларга ҳеч қандай имтиёз бермайди, аксинча, айрим тұсікелерни көлтириб чиқаради. Ўзбекистонда эса сиёсий партияларга барча соҳаларда, чунончы, Парламент сайловларида ҳам кенг ва тенг имкониятлар яратылған. Бу имкониятлар, әңг аввало, асосий қонунимиз бўлган Конституция, қолаверса, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида" каби қонулар, шунингдек, сайловлар билан боғлиқ бошқа юридик хужжатлар асосида таъминлаб берилади.

Конституцияйи қонун кучга кириши билан сиёсий партиялар нафақат давлат ҳокимиютининг қонунчилик-вакиллик тармоғи фаолиятига ўз таъсирини кучтаириш, балки айни чоқда ижро ҳокимиютига бўғингларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилишда бевосита қатнашиш имкониятига ҳам эга бўлди. Мазкур қонун, шунингдек, марказий ва маҳаллий ҳокимиюти органларида ўз вакилларига эга сиёсий партиялар ҳалол амалий рақобатни янада авж олдиришига шарт-шароит ва хоҳиш-истакни юзага келтирди. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, рақобатчи куч сифатида майдонга тушаётган Парламент мухолифати ўз мақомига кўра давлат ҳокимиютига қарши чиқадиган сиёсий куч ҳисобланмайди. Аксинча, у ҳокимиютнинг қонун чиқарувчи-вакиллик тармоғида ҳукуматнинг фаолият дастурларини ва бу дастурлар ижросини холис танқид қилиш вазифасини бажарувчи узвий бўғинга айланади.

Хуллас, энди жамият ва давлат қурилишида барча ижтимоий қатламлар манфаатини тўлиқроқ ҳисобга олиш учун янги шарт-шароит вужудга келди, деб айтишга асос бор. Зоро, "Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасида рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партияниң ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади" (Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барло этиш — устувор мақсадимиздир. Т., 2010, 23-бет). Социал-иктисодий, сиёсий-хуқуқий

соҳаларга доир қарорлар қабул қилинишига партияларнинг таъсир ўтказиш имконияти кенгайиши сиёсий уюшмаларга ўз электорати манфаатини ҳисобга олган ҳолда дастурий мақсадини рўёбга чиқариши учун кенг йўл очиб беради.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Партиялар ўртасидаги баҳс-муно заралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иктисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўриша бутун диққат-эътиборини қаратиши керак" (ўша манба, 23-24 бетлар). Электорат ишончи ва ҳурмати учун курашиш, сайловчилар хоҳиш-иродасини ифодаловчи дастурий мақсадларни илгари сурис, Парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партияга қарши туриш, жамиятнинг юксалиши ва янгиланиши йўлидаги ҳаракат дастурларига муқобил янгича ечимларни таклиф этиш рақобатга қодир бўлган мухолифатнинг сиёсий фаолияти мазмунига айланади.

Шундай қилиб, том маънодаги амалий мухолифат партиялараро сиёсий курашнинг табиий натижаси сифатида майдонга келади. Дунё тажрибасига мурожаат этилса, масалан, АҚШда Республикачилар ва Демократлар партияси ана шундай ўзаро мухолиф сиёсий кучлардир. Уммонорти мамлакатида гарчи бошқа бир неча партия фаолият юритса-да, бироқ уларнинг сиёсий ҳаётдаги роли ниҳоятда чекланган. Айтайлик, Экологлар партияси ўтган асрнинг 90-йилларига келиб бирмунча фаоллашганига қарамай ҳали-ҳануз сайлов кампаниялари даврида катта партиялар билан тенгма-тенг рақобатлаша олмайди. Шунингдек, Социалистлар партияси, Мехнат партияси, Янги Иттифоқ партияси каби сиёсий уюшмаларнинг сайлов жараённада тўплайдиган ово-



зи биргаликда қўшиб ҳисоблаганда ҳам 0,2 фоиздан ошмайди. Шу жиҳатдан олганда, Республикачилар ва Демократлар партияси икки етакчи сиёсий куч ўлароқ АҚШда сиёсий мувозанатни яратади (Қаранг: Жўраев Қ. Кўллартиявийлик — демократик тараққиётнинг муҳим омили. Т., 1999, 21-бет). Энди бу фикрни Ўзбекистон мисолида давом эттирайлик. Сиёсий амалиётдан маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини ўзининг асосий рақиби деб ҳисоблади. У O'zLiDeRning бозор иқтисодиётини ривожлантириш, ишсизликни бартараф этиш, шахс эркинлигининг устуворлиги каби масалалардаги баъзи қарашларини ғоявий келишмовчилик асоси деб билади. Бизнингча, бу икки йирик партия Ватанимиз сиёсий ҳаётидаги рақобатчи кучлар сифатида асосий масъулиятни зиммага олиши даркор.

Умуман олганда, Ўзбекистон сиёсий партиялари ўртасида ўзаро ҳалол рақобат учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратилган, буни партиялар фаолиятига доир таҳлиллар хулосаси ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, 2009 йили бўлиб ўтган Парламент сайловларида ҳар бир партия ўзининг истиқболли ғояларини илгари суриб, шу ғоялар ғалабаси учун кураш олиб боришида ҳеч қандай қаршиликларга дуч келмади.

Конституциявий қонун, шунингдек, сиёсий партияларда марказ ва жойлардаги давлат ҳокимиюти органларини шакллантириш ҳамда улар фаолияти устидан жамоат назоратини йўлга қўйиш бўйича янги кўнікмалар ҳам яратади. Мазкур қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Президенти Буш вазир номзодини тасдиқка қўйишдан аввал Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияларининг ҳар бири билан маслаҳатлашиб олиши белгилаб қўйилган. 6-моддада эса Ўзбекистон раҳбари ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидағи партия гурухларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хуносалар тақдим этиш ташаббус ҳуқуқи берилади. Бундай ташаббус етакчи партия гурухлари томонидан кўллаб-қувватланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг ҳалқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қиласи" дейилган. Бундан кўринадики, сиёсий партиялар ижорий ҳокимиётнинг барча бўғинларида бир хил ҳуқуқ ва таъсирга эга бўлади. Бу эса улар Буш вазир ва ҳокимлар фаолиятини назорат этиш орқали бутун мамлакат ҳамда муайян худудларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва

танқидий фикр билдириши учун имконият вужудга келади. Шуниси эътиборга лойиқки, Буш вазир ва ҳоким лавозимига номзодни партия фракциялари ва депутатлик гурухлари билан маслаҳатлашув институти қонунчилик ва амалиётга яна айнан Президент ташаббуси билан татбиқ этди. Ўзида донишмандлик ва pragmatikkun мужассам этган ушбу сиёсий институт ўзбекона менталитетга ҳам тўлиқ мос келади. Сир эмаски, ҳалқимизда қадим-қадимдан муҳим масалаларни ҳал этишда аввал кўпни кўрган оқсоқолларга маслаҳат солинган, улар билан кенгашилган, шундан сўнгина барчага мақбул қарорлар қабул қилинган. Улуғ ҳукмдор бобомиз Амир Темур "Ишимнинг барчасида аввал кенгаш-маслаҳат кўлладим", деб айтган фикр замирида ҳам миллат руҳидан ўсиб чиқсан шу қадриятни кўриш мумкин.

Мамлакат ва худудларнинг стратегик йўлини белгиловчи Буш вазир ва ҳокимни лавозимига тайинлаш ёки лавозимидан бўшатишда иштирок этиш билан сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқе ва масъулияти ортади. Зоро, сиёсий партиялар демократия механизмининг марказий институти ҳисобланиб, марказ ва минтақаларда ҳалқ ҳокимиюти айнан улар воситасида қарор топади. Конституциявий қонунда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, 7-моддада "Назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида ҳалқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидағи партия гурухларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хуносалар тақдим этиш ташаббус ҳуқуқи берилади. Бундай ташаббус етакчи партия гурухлари томонидан кўллаб-қувватланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг ҳалқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қиласи" дейилган. Бундан кўринадики, сиёсий партиялар ижорий ҳокимиётнинг барча бўғинларида бир хил ҳуқуқ ва таъсирга эга бўлади. Бу эса улар Буш вазир ва ҳокимлар фаолиятини назорат этиш орқали бутун мамлакат ҳамда муайян худудларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва

маданий ривожлантиришда ташаббускор ва таъсирчан кучга айланади демакдир.

Бироқ сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари фаолияти баъзи ҳолларда декларатив моҳиятгагина эга бўлиб қолаётгани ҳам сир эмас. Мамлакат ва ҳудудлар манфаатини ифодаловчи қонун лойиҳалари ташаббуси билан чиқишида фракциялараро жонли ва соғлом баҳслашув, сиёсий ғоя ва ёндашувлар рақобати, афсуски, яққол кўзга ташланмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишида ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётгани жиддий камчилик ҳисобланади. Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган" (Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиши ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. Т., 2010, 13-бет). Дарҳақиқат, Қонунчилик палатасининг беш йиллик фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу даврда қонун ташаббускорлиги депутат ва фракциялар эмас, балки қонун ижодкорлигига алоқадор бошқа субъектлар томонида бўлган. Депутатлар эса аксар ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан кифояланиб келган. Шундай экан, "Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар гурухлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иктисодий тараққиётiga доир амалий вазифаларни ҳал этишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор" (ӯша манба, 28-бет).

Юқорида зикр этилган вазифалар амалга оширилиши билан ҳокимиятнинг қонун чиқарувчига ижроэтувчигармоқлари ўртасида мувозанат ва мутаносиблик таъминланади. Бизнингча, шу мақсадда, Ўзбекистоннинг сиёсий ва давлат тузуми барқарор ривожланиб боришига йўналтирилган қонун ижодкорлиги ҳамда ташкилий ишлар ялпи дастурини тузиб чиқиш юзасидан кўйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, сиёсий партиялар дастурларини янада аниқлаштириш, бир-биридан

фарқ қилиши учун уларга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш даркор. Бу ўзгартириш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясида ҳалқ демократик ғоялари, Адолат социал-демократик партиясида социал-демократик ғоялар, Миллӣ тикланиш демократик партиясида маънавий испоҳот ғоялари, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида либерал-демократик ғоялар негизида рўй бериши лозим.

Иккинчидан, сиёсий партиялар ҳимоя қилиб чиқаётган ғоялар юзасидан улар ўртасида ҳалол рақобатни янада кучайтириш зарур. Бунда сиёсий муҳолифат конституциявий меъёрлар доирасида ҳаракат қилиши, ҳар жиҳатдан пухта ишланган дастурий ҳужжатларга эга бўлиши ҳамда испоҳот ва янгиланишнинг ўзи таклиф этаётган йўли ҳозирги шароитда энг тўғри ва мақбул йўл эканига жамиятни ишонтира билиши лозим.

Учинчидан, Парламентдаги партия фракциялари қонунчилик ташаббусидан тўлиқ фойдаланишига эришиш учун уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш зарур. Бу вазифани партияларнинг сиёсий ўқув марказлари зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, ҳукумат тузилмалари ҳамда давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органлари Олий Мажлисдаги партия фракциялари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухлари олдида ҳисоб бериши юзасидан ҳуқуқий механизмни яратиш зарур.

Бугун ўзбек ҳалқи бутун орзулари рўёбини эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат билан боғламоқда. Бу янги жамият ва давлатни барпо этишда сиёсий партиялар роли ва таъсири муттасил ортиб бориши шарт, албатта. Ҳар бир сиёсий партия Ватан ва миллат тақдирига масъул тузилма сифатида ҳуқуқий ваколатларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш малақасини эгаллаб олиши зарур. Улар ҳалол сиёсий рақобат муҳитини шакллантириб, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётни кафолатловчи қонунлар яратища ташаббускорликни кўлга олиши даркор. Партия фракциялари ва депутатлик гурухлари орқали ижро этувчи ҳокимиятнинг барча бўғини фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам аввало ана шу сиёсий уюшмалар масъулдир.

Қўчқор ХОНАЗАРОВ



UMIDLI DUNYO

ХХ аср якунланиб, XXI аср бошланганига ҳам ўн йил бўлди. Янги умидбахш асрга тобора чуқур кириб борар эканмиз, ўтган суронли асрни пухта таҳлил этиб, шу асосда келажак режаларини белгилаш файласуфлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бундай таҳлилу режалар ўтган асрдаги илмнамо сафсаталардан кескин фарқ қилиши бегумон. Чунки файласуфлар ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигига келиб истибод мафкураси тазиик ўтиклини тақиқларидан қутулди ва эркин фикр-мушоҳада юритишига ўтди.

Маълумки, ҳар бир аср ўзича бетакрор, у башариятни янги хулосалар билан бойитади. Аммо биз тарихга кузатиб қўйган ХХ аср олдинги юзийилликлардан фарқли ўлароқ, оламшумул жараён, воқеа ва ҳодисаларга фавқулодда бой бўлди.

Асрлар силсиласида, айниқса, хатарли талотумларда ўзлигини йўқотмаган миллатимиз тарихини пухта ўрганишимиз жуда ҳам муҳимдир. Тарихни билиш масаласига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жиддий эътибор қаратиб келади. “Модомики, — деб ёзади давлатимиз раҳбари “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида, — ўз тарихини биладиган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиг бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур”.

Шу жиҳатдан, ХХ аср бутун инсоният, барча халқлар умумсайёравий бирлик сифатида оёққа туришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Фикримиз исботи учун оддий бир фактни эслайлик: Инсоният Ер думалоқ эканини атиги беш аср муқаддам, яъни XVI асрдагина тан олди, ваҳоланки, бунга қадар ушбу ҳақиқатни ҳимоя қилгани учун буюк олим Жордано Бруно гулханда ёндирилди. Шундан кейинги беш аср Ер курраси ва Инсон қалбини билишга, одамзот шу сайёрани макон тутган ҳар хил тил ва қиёфага эга халқларнинг бирлиғи эканини англашга, уларнинг бугуни ва келажаги қурол-аслаҳа эмас, аксинча ақп, тафаккур ва мантиқ воситасида ҳал этилиши зарурлигини тушунишга сарфланди.



Тарихий-фалсафий нүктаи назардан олиб қаралса, инсоният тамаддуни беш минг йил давомида такомиллашиб, сүнгги XX асрда бешта оғир имтиҳондан ўтди ва чиндан-да вояга етганини намоён қилди. Оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бу беш имтиҳон күйидагилардан иборат: биринчидан, инсоният фашизмни тор-мор келтирди; иккинчидан, мустамлакачиликка барҳам берди; учинчидан, милитаризм васвасасини бостириди; тўртинчидан, мустабид социализмдан воз кечди; бешинчидан, термоядро куроли сақланиб қолгани ҳолда жаҳон урушига ва давлатлараро йирик ҳарбий тўқнашувларга йўл кўймаслик чораларини топди.

Фалсафий ибора билан айтганда, инсоният XVI — XX асрлар оралиғида бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтди. Бунинг учун у 1516 йил чоп этилган "Утопия" асари тимсолида болалик ҳаёллари ўзини қандай афсонавий маъволарга етаклаб кетиши мумкинлигини билди, ундан сўнг француз маърифатпарварларининг бекам-кўст жамиятни барпо этиш ҳақидаги режаларини илҳомланиб қабул қилди, XIX аср ўрталаридан бошлаб XX асрнинг иккинчи ярмигача коммунизм ва фашизм ғоялари билан курашиб, ҳаётнинг аччиқ сабогини оғди ва ҳозирги кунда, ажаб эмаски, ҳар бир қадамини ақл чиририғидан ўтказиб босиш даражасига кўтарилиди. Инсоният тадрижидаги бу сифат ўзгаришини ўзида мужассам этувчи умумжаҳон маҳкамаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 1945 йили асос солинди.

Биз мазкур сифатий ўзгариш кундалик ҳаётимизда қандай намоён бўлаётганини бугун яққол кўриб, кузатиб турибмиз. Масалан, Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг ўтган олтмиш беш йил мобайнида биронта ҳам давлатлараро йирик уруш бўлгани йўқ, Афғонистон, Косово, Яқин Шарқ ва бошқа ҳудудлардаги жузъий ҳарбий тўқнашувлар кенг дунё жамоатчилиги томонидан қораланди ва қораланяпти. Эсга олиб кўринг-а, олтмиш беш йил йирик урушлар бўлмаган давр жаҳон тарихида бормикан ўзи?! Яна бир фактга эътиборни қаратайлик: Биринчи Жаҳон урушидан Иккинчи Жаҳон урушигача ўтган ўттиз йил ичida ҳарбий ҳаракатлар ҳақида хабар ёритиш оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосини ташкил қилган. Ваҳоланки, ҳозирги вақтда бунинг акси ўлароқ, асосан бунёдкорлик ишлари тўғрисида ахборот тарқатилмоқда. Ер юзининг gox у, gox бу нүкласида рўй бераётган табиий оғатлар бундан мустасно, албатта.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги олтмиш беш йил давомида, биринчидан, бутун дунё мустақил давлатлар оиласига айланди, яъни мустамлака ва қарам мамлакатлар қолмади, иккинчидан, ўсиш, юксалишга интилаётган бу давлатлар орасида кўплаб шартномалар имзоланмоқда, иттифоқлар, бирлашмалар тузилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Шуниси дикқатга сазоворки, бу халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг биронтаси ҳам ўз олдига босқинчилик қилиш, чегараларни ўзгаририш, мақсадларга ҳарбий йўл



билин эришиш каби вазифаларни қўймайди. XX аср охири ва XXI аср аввалида одамзот том маънода инсонга муносаб тараққиёт йўлига чиқмоқда, уруш ва вайро-нагарчиллик йўлидан воз кечмоқда.

XX ва XXI асрларнинг ўзаро боғлиқлигини ёритар эканмиз, биринчи хулоса шундан иборатки, XX асрдаги мисли кўрилмаган қонли муҳорабаларда инсоният буюк ҳаёт ва тарбия мактабини ўтади. Бу эса XXI аср жаҳон урушларисиз, йирик давлатларнинг қонли тўқнашувларисиз, турли ҳарбий блоклар тушиб, зиддиятларни қурол билан ҳал этишга интилишлариз аср бўлиши имкониятини очди.

Бундай фикр-мулоҳаза назарий ва амалий асосга эга. Кишилик жамияти, мана беш минг йилдирки, муттасил олий ижтимоий такомил сари бораётгани ҳақиқат. Шундай экан, ҳозир одамзот ҳар қандай мураккаб ва чигал муаммони ақл ва тафаккур кучи билан ҳал этмоғи умуминсоний талаб ва қоидага айланмоқда.

Бу ёндашув XXI асрда инсоният олдида янги истиқболлар очиши ўз-ўзидан аён. Яъни инсоният илк дафъя ўзини ёввойилик оламидан узил-кесил ажратиб олмоқда, тириклик оламида танҳо ва бекиёс ҳодиса эканини англаб етмоқда. Айни чоқда у мазкур вазият унинг қаршисига янги талаблар, зиммасига эса янги мажбуриятлар юкласини ҳам теран ҳис этмоқда. Бу борада қийинчилик туддирувчи жиҳат шундаки, мазкур талаб ва мажбуриятлар айнан нималардан иборат, деган саволга ҳали аниқ жавоб топилган эмас. Агар одамзот бу саволга оқилона жавоб топа олса, у мазкур асрда Ер сайдераси ва ҳатто яқин коинотга ижобий таъсир кўрсатувчи кучга айланади, турли экологик оғатларнинг, наркобизнес, террорчилик каби мудҳиш иллатларнинг олдини олиш чорасини топади. Булар XX аср ҳозирлаган пойдевор узра янги дунё ва янги муносабатлар биносини тиклаш имкониятлариdir.

Мазкур фикр-мулоҳазалар нотўғри ва чалкаш хулосаларга сабаб бўлиши эҳтимоли ҳам мавжуд. Яъни уруш-низолардан холи боқий тинчлик даври бошланади, деб лоқайдликка, беғамликка, бепарволикка берилувчилар кўпайиши мумкин. Ҳолбуки, курол-яроқлар жаранг-журунги, танк ва самолётлар гулдуроси ўрнини энди давлатлараро, минтақалараро, ҳалқлараро миёғдаги саммит, конференция, учрашувлардаги мубоҳаса ва муборизалар эгаллаб боради. Вазиятнинг ана шу тахлит шаклан ва мазмунан ўзгаришига муқаррар зарурат деб қараш тўғри бўлади. Чунки бу ўзгариш ҳозирги давр руҳига ҳамнафас ва умуминсоний тараққиёт йўлига монанддир.

Шу ҳақда фикр юритар эканмиз, беихтиёр Ислом Каримовнинг куйидаги сўзлари ёдга тушади "...бугунги замонда мағкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга". Табиийки, бу сўзлар дикқат-эътиборимизни ана шу "мағкура полигон"лари томон тортади. Бу полигонларда ғалаба қозонишнинг асосий қурол ва воситаси тафаккур ва мубоҳаса кўникмалари эканини ҳеч қачон унумаслик лозим.

Шу нуқтаи назардан, XXI асрда инсониятнинг ўзига хос тарзда "қайта қуролланиши"га шоҳид ва иштирокчи бўламиз, деб айтишга етарли асос бор. Яъни ҳалқлараро, минтақалараро, давлатлараро зиддиятларни бартараф этишда энди рақибни сўз, фикр, мантиқ, далил кучи билан танг қолдириш етакчи ва самарали усулуга айланадики, XXI асрда ҳар бир миллат бу борада жиддий бош қотиришга мажбур. Ана шу ҳолат Ўзбекистон ҳалқи олдига ҳам зуллisonайнлик кўникмаси, баҳс маданияти, нотиқлик санъати борасида жиддий вазифалар қўяди. Биз ҳалқаро мулоқот тилларини, хусусан, инглиз тилини пухта эгаллашимиз зарур. Дарҳақиқат, инглиз тили энг кенг тарқалган ва энг қулай ҳалқаро мулоқот воситасидир. Иккинчи тил сифатида истифода этувчилар ҳам қўшиб ҳисобланганда ҳозир Ер юзи аҳолисининг қарийб 1 миллиарди инглиз тилида сўзлашади. Ҳалқаро аҳамиятга

молик анжуманлар ҳам аксар шу тилда ўтказилади. Инглиз тили билан бирга рус, хитой, испан, араб, француз каби бошқа нуфузли тилларни пухта эгаллаш лозимлиги ҳам ўз-ўзидан аён.

Глобаллашув ва интеграция муносабати билан дунё тобора катта ва кичик халқларнинг ягона оиласига айланиб бормоқда. Бундай шароитда дунёдаги барча тиллар инсониятнинг умумий тафаккури ва маънавияти мулкига айланмоқда. Бу эса шуни англатадики, улардан хоҳлаганингизни ўрганинг ва истифода этинг. Хуллас, тил эгаллаш биринчи даражали масалалардан бўлиб қолган ҳозирги даврда Ўзбекистонда маҳсус луғатлар нашриёти ташкил қилинса, айни кўнгилдаги иш бўлар эди.

Янги минг йиллик ҳисобини бошлаган инсоният бугун ўзи учун кашф этган ҳақиқатлардан яна бири шуки, глобал муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали ўйли фан, техника ва технологияни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Ҳозирда Ер юзи аҳолисининг тахминан учдан бир қисми очлик, қашшоқлик ва етишмовчилик шароитида яшамоқда. Айни вақтда бошқа учдан бир қисми меъёрдан ортиқча семизлик ва тана ёғ босишидан азоб чекаётир. Чунончи, АҚШ аҳолисининг 57 фоизи семизлиқдан қийналаётгани ОАВ ҳамда Интернет хабарларидан маълум. Бир-бирига мутлақо зид бундай муаммоларни муҳтоҷларга хайр-эҳсон қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ўйли билангина ҳал этиш қийин кечмоқда. Ваҳоланки, шунга ўхшаш муаммоларни фан, техника ва технология ютуқлари асосида тез суръат билан бартараф этиш мумкинлигини шарқий ва шарқи-жанубий Осиёning ўтмишда мустамлака бўлган давлатлари кўрсатиб берди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидаёқ бу давлатларни “Шарқ аждаҳолари”, “Шарқ йўлбарслари” деб атай бошладилар.

Инсоният илмий, техник ва технологик салоҳиятини бир оила бўлиб жамласа, бу муаммолар XXI аср ичида тўлиқ ҳал этилиши аён. Бундай яқдилликни эса янги умуминсоний маънавият негизида вужудга келтириш мумкин, холос. Агар Ер юзи аҳолиси бир-бирига хайриҳоҳлик асосида бирлашса, унинг ақли ёрдамида биргина Исландияда рўй берган мўъжиза бутун сайёрада ҳам содир бўлса ажаб эмас. Исландияда табиат бино этган иссиқ ва қайнок сувли гейзерлардан оқилона фойдаланиш туфайли одамлар бу оролни XX аср иккинчи ярмида гўё субтропик ҳудудга айлантирган, мамлакат аҳолиси субтропик неъматлар билан таъминланган эди.

Фаннинг янги соҳалари, айниқса, нанотехнология тармоғи инсоният олдида мислсиз имкониятлар очмоқда. Одамзот ана шу имкониятдан қўл силтаб, яроқсиз эски тушунча ва одатлар қули бўлиб қолавермасдан, ундан унумли фойдаланмоғи лозим. Умид қиласизки, XXI аср инсоният учун айни балогат палласи ва ижтимоий тараққиётнинг авжи юксалиш даври бўлади. Бу жараёнга мустақил Ўзбекистон ҳалқи ҳам муносиб ҳиссасини кўшиши шубҳасиз, албатта.

ШАҲНОЗА ҚАХҲОРОВА



FALSAFA — НИКМАТДИР

"Фалсафа ўзи нима?" деган савол фақат бугунгина қўйилаётгани йўқ. Фалсафа ижтимоий онг соҳасида ҳикмат, донишмандлик ўлароқ пайдо бўлгандан ҳозирга қадар бу савол қайта ва қайта қўйиб келинган. Тарих яна шундан ҳам далолат берадики, жамиятда инқирозлар авж олган паллаларда бу савол бекиёс долзарблик касб этган. Бироқ дунё файласуфлари яқдил тан олишича, мазкур масала ҳеч қачон XX аср охири — XXI аср бошидагичалик кенг миёсда ва кескин ҳолда кўндаланг бўлмаган. Чунки шу даврга келиб глобал экологик, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва бошқа инқирозлар ўта хавфли

тус олди. Икки қутбли дунё "устун"ларидан бўлган собиқ шўролар тузумининг чокчоидан сўклиши ҳам аслида ҳозирги давр тамаддуни бошдан кечираётган чуқур глобал инқирознинг бир қиррасидир. Цивилизация буҳрони эса энг аввало инсоният маънавий, хусусан, фалсафий дунёқарashi таназзулининг оқибати, десак айни ҳақиқат бўлади. Демак, цивилизация буҳронининг туб сабабини, бизнингча, фалсафа инқирозидан қидирмоқ жоиз. Фалсафани қайта идрок этиш жараёни Хуршид Йўлдошев тўғри қайд этганидек, собиқ Иттифоқда XX асрнинг 80-йиллари, Ўзбекистонда эса 90-йиллар қизғин тус оп-

ЎзМУ магистранти Хуршид Йўлдошовнинг "Фалсафа фанми?" сарлавҳали мақоласи (2010 йил 1-сон) "Тафаккур" муҳлислари, айниқса, файласуфлар даерасида қизғин муҳокама ва жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Муаллифнинг далил ва хулосаларига нисбатан хайриҳоҳ ёндашувлар билан бирга муҳолиф қарашлар ҳам кўплигидан қатъи назар, бизнингча, эндиғина шаклланиш босқичига қадам қўйган ёш файласуфнинг бу фикрий журъатига тан бермаслик инсофдан бўлмас. Баҳсу мунозаралар эса ҳар бир ижтимоий онг шакли ва, чунончи, фалсафанинг ҳам ўсиб юксалишида асосий өмилдир. Зотан, фалсафанинг буюк падари Сүкрут бу шимнинг ўзиға ҳам Афина кўчаларини пою пиёда кезиб ҳамюрлари билан баҳслар олиб бориш жараённида асос солмаганмиди?! Эки унинг беназир шогирди Афлотун ўз асарларини диалог шаклида ёзганида, айни шу фикрлар жангини бутун шиддати ва кескинлиги билан ифода этишини мақсад қиласа маганмиди?! Биз қўйида "Фалсафа фанми?" мақоласига файласуф олима Шаҳноза Қаҳҳорова муносабатини ёритар эканмиз, ҳақиқатни излаш, ҳақиқатга талпиниши инсонга раво кўрилган барча неъматлар ичida энг олийси эканини яна бир бор эътироф этамиз.

Таҳририят

ган, лекин, таассуфки, қониқарли жавоб топмай узилиб қолган эди. Бунинг сабаби, ҳали фалсафий онгимиз янгича ечимлар тақлиф этишга тайёр эмас эди.

Ўзбекистон суверен давлат деб эълон қилиниши билан, биринчидан, ҳалқимиз мустақил миллат сифатида ўзлигини қайта англаши ва унинг давлат билан узвий боғланиши учун зарурий асос сифатида миллий маданиятни қайта тиклаш талаб этилди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг кейинги мустақил ҳаёт йўлини тўғри белгилаб берадиган, глобаллашган жаҳон цивилизацияси билан тенг мулоқот юрита оладиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимиға мустаҳкам таянадиган янги дунёқараш — янги фалсафий маданиятни шакллантириш лозим эди.

Хозиргача Ўзбекистонда масаланинг биринчи шарти муваффақиятли ҳал этилди, дейишга асос бор. Аммо янги фалсафий маданиятни шакллантириш жуда мураккаб масала ва бу жараён кўп вақтни талаб этади. Бизнингча, айни масала уч жиҳат ёки сабабга кўра мураккабдир. Биринчиси, етмиш йил мобайнида сингдириб келинган марксча-ленинча фалсафа ғояларини кишилар онгидан тез ва осон чиқариб ташлаш мумкин эмас. Иккинчиси, бугун умумбашарий маънавият асосида ётган рационал дунёқараш ҳам чуқур инқирозга юз тутган. Учинчиси, Ўзбекистон нафақат янги жамиятни шакллантириш муаммоларига дуч келмоқда, балки бутун цивилизация миқёсида глобал инқироз ва ҳалокатлар шароитига рўбарў бўлмоқда.

Мазкур уч омилни ҳисобга олмай туриб, фалсафа аслида нима, у нега инқирозга учради, бундан бўён маънавият қандай дунёқарашга таяниши лозим каби саволларга жавоб топиб бўлмайди. Ана шу уч сабабий омилни ёритишга бағишилаган таҳтилимизни охирги, яъни, учинчисидан бошласак.

Цивилизациянинг ялпи инқирозини эътироф этган ва теран тадқиқ қилган олимлар — О.Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Фукуяма, С.Ҳантингтон, П.Сорокин, И.Пригожин, Н.Моисеев, В.Степин фикрларидан келиб чиқсан, бу салбий жарабёнлар асосида маънавий қадриятларга бўлган скептик муносабат ётади. Ваҳоланки, бу қадриятлар кейинги асрларда диний дунёқараш ўрнини ишғол этган фалсафий дунёқараш томо-

нидан шакллантирилган. Демак, бугун фалсафа нафақат анашу маънавий қадриятларни, балки айни чоқда ўз-ўзини ҳам танқидий қайта идрок этмоғи даркор.

Цивилизация глобал инқирози маънавият ва унинг негизи бўлган дунёқараш таназзулининг оқибати экани шунчаки тахмин эмас, балки илмий асосланган хулосадир (Қаранг: Степин В. Философия в эпоху перемен // Вестник Московского университета. Серия 7, Философия, 2006, №4). Бу хулосани тўғри англаш учун, аввало, жамият ўзига хос мураккаб организм эканини тасаввур этиш лозим. Ана шунда ҳар қандай табиий организм сингари бу ижтимоий организмда ҳам унинг барқарорлигини сақлайдиган, олам билан модда ва қувват алмашинувини таъминлайдиган ахборий тузилмалар нақадар зарур вазифа бажариши аён бўлади. Биз мазкур ижтимоий-ахборий тузилмаларни оддийгина қилиб "маънавият" деб атаемиз.

Рус олими В.Степин тизимлар назарияси ва ирсият фани ютуқларини жамиятга ҳам татбиқ этиш асосида биологик тизим ривожида генлар қандай роль йўнаса, ижтимоий тизим (айрим жамият ва бутун цивилизация) ривожида ҳам маънавият шундай роль йўнайди, деган хулосага келди. Аниқроғи, ижтимоий-ахборий тузилмалар (маънавият) жамиятнинг генетик коди ёки ДНКси сифатида унинг ҳаётини бевосита ташкилловчи, тартибловчи, йўналтирувчи куч ҳисобланади.

Ижтимоий-маънавий қадриятлар тизими эса муайян дунёқараш тури — дин, фалсафа, ёки кейинги асрларни олсан, фан томонидан шакллантирилган "моҳият", "борлик", "сабабият", "эркинлик", "адолат", "тақдир" каби умумий тушунча ва ғояларда гавдаланади. Фалсафа нуқтаи назаридан, айни шу категориялар оламнинг яхлит манзарасини чизиб беради, маънавиятнинг устун қадриятларини саралай-



ди: қайсилари янги авлодга етказилиб унинг шаклланишига фаол жалб этилиши, қайсилари эса бундай ижтимоий оқимдан четлаштирилиши зарурлигини ҳал этади. Улар, кенг маънода, жамиятнинг катта кўламдаги нобиологик, яъни ижтимоий фаолият соҳаларини — таълим йўналишлари, эътиқод шакллари, фаолият ва мумала меъёрлари ва ҳоказоларни йўналтириб туриш вазифасини адо этади.

Хуллас, ҳозир аниқ кўриниб қолган ялпи дунё инқирозининг бош сабаби маънавий соҳада рўй берган дастлабки йирик ажралишда — унинг бир-биридан кескин фарқ этувчи икки тармоққа бўлинниб кетиб, бу шаҳобчалар мустақил фаолият юрита бошлагани ва кейин бирининг бошқаси устидан ҳукмрон мавқени эгаллаб олганидадир. Зикр этилган тармоқлардан биринчиси, ҳозир чуқур инқироз ҳолатидаги техноген цивилизацияни келтириб чиқарган, илмий тафаккургагина таянадиган фан (саентизм) маданияти бўлса, иккинчиси санъат, адабиёт, инсон ҳис-туйғулари, ботаний кечинмаларига асосланган гуманитар (носаентизм) маданиятдир. Ана шу ажралиш натижасида юзага келган мувозанатсизлик ҳолати бугун Ер куррасида содир бўлаётган глобал инқироз ва алғов-далғовларни келтириб чиқарди ва инсоният цивилизациясини унинг тадрижидаги ғоят хатарли бурилиш нуқтасига етаклаб келди.

Юқоридаги таҳлил собиқ Иттифоқ мағкураси фалсафий асос сифатида қабул қилган “Ижтимоий борлиқ — бирламчи, ижтимоий онг (маънавият) — иккиламчи”, деган тезис нотўғри бўлиб чиққани ва бу хулоса социализм тузумининг ҳалокати билан ўз тасдиғини топганини кўрсатиш баробарида ҳозир ушбу шиорга буткул қарама-қарши бўлган “Юксак маънавият — енгилмас куч” тезиси жамият ривожининг асосига қўйилаёттани сабабларини ҳам аниқ тушунтириб беради. Янги тезис, биринчидан, ҳозирги давр фанининг энг илғор хулосаларига мувофиқ келса, иккинчидан, юонон файласуфи Афлотуннинг ғоялар бирламидир, деган нуқтаи назарига ҳамоҳангидир. Бинобарин, кейинги асрларда нафақат собиқ Иттифоқ, балки бутун дунё, айниқса, Farb жамиятларида ҳаёт яккаш фанга таянган фалсафий дунёқараш орқали белгилаб келингани боис ҳозирги давр умумбашарий инқирози афлотунча асл фал-

сафа эмас, балки илмий дунёқараш — “фалсафа фани” таназзули билан боғлиқлигини таъкидлаш зарур.

Энди ҳозирги даврда фалсафий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ иккинчи мураккаб жиҳат таҳлилига ўтамиз. Бунда биз фалсафанинг ўзи аслида нималигини аниклаб олишимиз ва унинг бугунгача босиб ўтган тарихий йўлини кўздан кечириб чиқишимиз зарур. Чунки ижтимоий организмда кечает-ган “хасталик”ни ҳам унинг намоён бўлган белгиларини йўқотиш орқали эмас, балки бу аломатларни юзага келтирган сабабларни излаб топиш ва шу асосда муолажа белгилаш орқали даволаш мантиқа мувофиқ. Акс ҳолда касаллик кўп ўтмай қайталаниши ва бедаво дардга айланиши муқаррар.

Антисциентизм оқими намояндалари фикрича, глобал цивилизация инқирози чин маънодаги фалсафанинг эмас, балки “фалсафа фани” номини олган ва кўпдан бўён фалсафа ўрнини эгаллаб, маънавиятда ҳукмронлик қилаётган умумий илмий назария — фангагина таянган илмий дунёқараш инқирозидир. Шунга кўра, бугунги кунда фалсафанинг ўзи нима, деган савол билан бирга у фанми ёки фан эмасми, деган савол ҳам туғилиши табиий.

XIX аср ўрталарида француз файласуфи О.Конт асос соглган позитивизм оқими “шарофати” билан “фалсафа” номи остида шаклланган бу дунёқараш мазмуни ва услубиятига кўра аслида ҳикмат илми бўлган фалсафа эмас, балки унинг фан соҳасидаги “проекция”, яъни сояси бўлмиш илмий назария, умумий фан ёки фалсафа фанидир. Позитивизм илғари сурган асосий ғояга кўра, фан ва “илмий” фалсафа нарса-ҳодисаларнинг туб сабаб ва моҳиятини эмас, улар қандай содир бўлишини, демак, алоҳида феноменларнигина ўрганиш билан шуғулланиши керак.

Бу тафаккур услуги аввалига табиатшунослик фанлари доирасида жадал ривожланиб, секин-аста янги мэрраларни ҳам забт эта борди, кундалик ҳаётда куляйликлар туғилишига олиб келган илмий-техника кашфиётлари содир бўлди. Тобора юксакроқ нуғузга эга бўлиб борган бу услуг охир-оқибат инсон ва жамият ҳақидаги фанларга ҳам татбиқ этилди. Farбда шу муносабат билан фалсафани ҳам

фан талабларига бўйсундириш, яъни фанга айлантириш тамойили юзага келди ва мазкур жараён XX аср охирига қадар тезкор ривожланиб борди. Ушбу ҳодиса билан баб-баравар уни тадқиқ қилиш ҳам давом этди. Бу борада, айниқса, XX аср ўрталарида феноменология оқими асосчиси сифатида танилган немис олими Э.Гуссерлнинг фаолияти диккатга сазовор. Асли математик бўлган Гуссерль фалсафани аниқ фанга айлантириш йўлида узок изланганига қарамай, бу ишни уддалай олмагани маълум. Ушбу жараёнда у фалсафа фан доирасига сигмайдиган буюк маънавий қадрият эканини кашф этди. Гуссерль ҳатто фалсафани фанга айлантириш йўлидаги уринишлар уни аслида инқизозга олиб келганини ҳам айтиб, асл ҳаётий фалсафа эҳтимол кела-жақда туғилажак янги афлотунча метафизика (неометафизика) бўлса ажаб эмас, деб башорат қилди.

Аввалига жамият иқтисодиёти жадал ривожланишига туртки берган, аммо кейин бартараф этиш мушкул глобал инқизозни юзага келтирган, энг ёмони, давлат ва жамиятдан инсондан, инсон эса давлат ва жамиятдан бегоналашувига сабаб бўлган, айниқса, инсон насли илик бешиги — табиатдан тамом ётлашиб, уни секин-аста ҳалок этишига туртки берган ҳамда коинотнинг бошқа пучмоқларига ҳам ҳалокатли таъсирини ёйишга интилаётган техноген илмий дунёқараш, афсуски, ҳамон ўз кучини сақлаб турипти.

XI аср бошида Ер юзи бўйлаб рўй берадётган алғов-далғовлар ҳукмрон маънавият бўлмиш илмий дунёқарашнинг ноқислиги, инсонпарварликка зид беаёв табиатга эгалиги ижтимоий, ахлоқий, иқтисодий ва ҳатто, интеллектуал соҳада ҳам хаос (талотум) қарор топтирганидан далолатдир. Шунга кўра, ҳозиргача шаклланган умумжаҳон цивилизация тури ўз тараққийпарвар ролини йўқотгани, у илгари сурган эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари каби юксак ғоя ва идеаллар пучга чиққани ва булар эришилган илмий-техника ютуқларини ҳам ниҳоятда қадрсизлантириб юборганини тушуниб етганлар сафи кенгаймоқда. Улар цивилизация инқизозини келтириб чиқарган илмий дунёқарашнинг энг катта иллати деб, инсон ҳаётининг маъномоҳияти ва қадр-қиммати ҳар қачонгидан

пасайиб кетганини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, “Инсон, ўзининг англа!” деган даъватга кўра, одам ўзининг, ҳаётининг маъносини билиши илк ва асл фалсафанинг асосий ғояси, бош тамойили эди. Айни шу ғоя ислом ва бошқа динларнинг ҳам бош ғояси экани маълум. Исломда бу ғоя “Ўзини билган — Раббини билади”, деган ҳадис тимсолида гавдаланади.

Илмий дунёқарашнинг бош қадрияти ва тамойилини эса “Табиатдан неъмат кутиб яшаш керак эмас, аксинча, бу неъматни ундан тортиб олиш лозим”, деган шиор ташкил этди. Шу боисдан, гарчи буржуача прагматизмни кескин танқид остига олганига, маълум бир муддат дунёдаги энг эзилган омма — пролетариат манфаатини ҳимоя қилиб чиққанига ва дунёнинг олтидан бир қисмida ҳукмронлик ўрнатганига қарамай “қизил империя”нинг марксча моддиянчи фалсафаси ҳам бу масалага тўғри ечим топа билмади ва оқибатда унинг ижтимоий-сиёсий тузуми кўп яшай олмади.

Фарб фалсафасида XIX аср охири — XX аср бошида шаклланган экзистенциализм, интуитивизм, “ҳаёт фалсафаси” каби оқимлар фаолиятида кучли намоён бўлган антиципантим тамойили фан-техника тараққиётагина асосланган маданиятнинг ноинсонпарвар моҳиятини, фойда кетидан кувишдан иборат манфаатпараст табиатини очиб ташлади. Лекин, таассуфки, бу уринишлар сиентизм қаршилигини барibir енгиги ўта олмади.

Гап шундаки, маънавият, айниқса, инсоний ўзликли, ҳаёт маъносини англаш ёлғиз тафаккурга асосланувчи фан доирасида ечиладиган муаммо эмас. Бироқ ҳозирги давр фанининг синергетика, онтопсихология каби пешқадам соҳаларида мантиқа таянган чизиқли тафаккур чеклангани тан олинди ва айни чоқда ночизиқли тафаккурга ўтиш зарур деган ғоя дадил илгари сурилди. Фан тадрижида неорационализм тамойили юзага келиши билан боғлиқ ушбу ғоялар маънавият такомилида катта роль ўйнаши ва муҳим аҳамият касб этиши аниқ. Аммо, бизнингча, ночизиқли тафаккур ҳам инсон ички дунёсини билиш мақсадидан ажralиб қолаверар экан, бирёқламалик иллатидан холос бўлиши даргумон.

Тафаккургагина асосланган фандан ўзининг беҳад теранлиги ва кўламдорлиги би-

лан ажралиб турадиган ҳикмат илми — асл фалсафа доирасида эса инсон ҳаётининг маъно-моҳияти унинг комил инсонга айланниши билан боғлиқ масала сифатида теран ечим топган. Гарчи қадимги давр ва ўрта аср файласуфларию авлиёлари бани башарга баркамоллик мақомига эришиш ва ҳаёт маъносини топиш йўлини мудом кўрсатиб келган бўлса-да, бу ўйтлар кейинги даврларда унтилди ва ҳатто илмий дунёқараш масалалари доирасига ҳам киритилмади. Зоро, чин маънода ўзликни билиш ва шу асно Ҳаққа етишиш илмий тафаккур йўли билан эмас, балки фалсафада борлиқ моҳиятига кириб бориш, диннинг мистик қатламида эса ваҳий, илҳом деб атапувчи алоҳида ғайришуурӣ ҳолатда ноил бўлинадиган энг юксак мартабадир. Шу маънода, қадим юонон донишманди Пифагор фалсафани “донишмандлик ва муҳабbat” деган сўзлар воситасида таърифлаган, Афлотун эса уни “моҳиятга етиш илми” дея тавсифлаб, фалсафанинг баҳс мавзуини борлиқ моҳиятини билиш ташкил этишини таъкидлаган. Эзотеризм (мистик онг) намояндлари, чунончи, суфийлар ушбу моҳиятни Ҳақ деб атаган, Ҳақни Худо деб билиб, Унга етишиш учун маърифат ва илоҳий ишқни узвий боғлаш лозимлигини кўрсатган. Шу маънода, фалсафанинг пифагорча илк талқини билан суфийларнинг ҳол илми ўзаро тенг қўйматлидир.

Юонон фалсафаси аслида нималигини ёритиш учун унинг цивилизация билан бирга қандай ўзгаришларга юз тутганини босқичмабосқич изчил ва чуқур кузатиб чиқиш зарур. Айтиб ўтилганидек, фалсафанинг баҳс мавзуини борлиқнинг туб моҳиятига етиш ташкил этган, бунда “моҳият” деганда, борлиқ ва ноборлиқнинг биринчи сабаби бўлган, унинг пойдевори хисобланган бирламчи асос тушунилган. Чунончи, Афлотун бу борадаги қарашларида борлиқни яратувчи тангри — Демиургдан олдин ҳам бор бўлган, Демиург ва бошқа руҳлар яралishi учун ғоявий намуналарни яратган Футургос — Худони, яъни Худолар Худосини назарда тутган.

Албатта, борлиқ ва ноборлиқнинг асоси бўлган ушбу моҳият — Худони билиш қарийб иложисиз иш, лекин негадир Афлотун фалсафанинг мақсади қилиб айни шу моҳиятни билиш масаласини олгани бежис

бўлмаса керак. Зоро, башар фарзандлари бўлмиш пайғамбарлар бунга мусассар бўлган, қолаверса, валий зотлар шу йўлдан боришни ҳаётининг бош маъноси қилиб танлаган.

Илмий дунёқараш вакилларига “моҳият” тушунчаси ўрнига Худонинг қўйилиши, одатда, мавҳум ва ноаниқ бўлиб кўринади. Ваҳоланки, ҳозирги илмдаги мавҳумият асл фалсафадагидан ортиқ бўлса ортиқи, асло кам эмас. Масалан, синергетикага “борлиқнинг ўз-ўзидан ташкиланиши” деган тушунча киритилган. Қадимги фалсафа ва динларга кўра эса, борлиқ Худо (Демиург) томонидан яратилади — йўқлиқдан борлиққа айлантирилади. Қадимги фалсафага (Афлотун) кўра, Мутлақ моҳият бўлмиш Футургоснинг фаол жиҳатини ташкил этган Демиург борлиқни вужудга келтиради. Демиург Футургоснинг фаол, иродавий жиҳати эканини ҳисобга олсан, у ҳолда “Борлиқ Худонинг биргина “бўл!”, деган иродаси маҳсул”, деган мазмундаги диний таълимотлар билан Афлотуннинг бу борадаги қарашлари орасида деярли фарқ йўқ, фарқ ушбу моҳият нима деб аталганида, холос.

Умуман олганда, нафақат юонон фалсафаси, балки эзотерик таълимотларда ҳам Худонинг борлиғи тан олиниади ҳамда уни билиш сари узлуксиз интилиш инсоният тадрижининг асосий мақсади ва йўли экани таъкидланади. Моҳият тушунчасини ёритища қадимги фалсафа ва эзотерик таълимотлар билан дин орасида деярли фарқ йўқ, фарқ ушбу моҳият нима деб аталганида, холос.

Дарҳақиқат, XX аср ҳинд эзотерик файласуфи Ауробиндо Ҳош бу борадаги ҳинд, юонон ва Европа истилоҳларини назарда тутар экан, “Уни нима деб аташларидан қатъи назар... барбири, барча мавжудотнинг манбаи ва асоси бўлган У бор... У мавжудот эмас, балки мавжудликнинг (соғ) ўзидир... У дейилгандা барча мавжудот учун биру бор бўлган зарурий борлиқ назарда тутилади”, деб ёзади.

Хуллас, моҳият ёки Худо ҳақидаги ушбу талқин фан тушунчаларидан мавҳумроқ эмас. Аммо борлиқ моҳиятини билишдек юксак мақомга эришиш, бунинг учун асл фалсафадек ниҳоятда мураккаб ҳикмат илмини эгаллаш жуда мушкул эканини-да тан олиш

зарур. Биз кичик бир мақола доирасида бу илмни бор маҳобати билан ёрита олмасак-да, бироқ юон фалсафаси моҳиятни билишда “ҳол илми”га таянганини исботловчи талай далиллар борлигини таъкидлай оламиз. Бу ўринда П.Адо, Ж.Маритен, Э.Доддс, Х.Кремер, К.Гайзер, В.Соловьев, С.Булгаков, П.Флоренский, Н.Бердяев, А.Лосев каби файлласуф ва тадқиқотчилар асрлари назарда тутилаётir.

Шу тариқа қадимги фалсафанинг баҳс мавзунини моҳиятни билиш, бу фалсафанинг билиш услубини эса “ҳол” ташкил этади, дейиш мумкин. Фақат Farb фалсафасида “ҳол” ва у билан боғлиқ жараёнлар юонча ёки лотинча “интуиция”, “экстаз”, “катарсис” каби атамалар воситасида ёритилган. Шунга асосланиб, қадимги фалсафа генетик манбаига кўра, эзотерик дунёқарашиб, чунончи, тасаввуф таълимомти билан эгиздир, чунки иккиси ҳам бир илдиздан ўсиб чиқкан, деган хуносага келамиз.

Қадимги юон фалсафасининг тузилиши ҳақида фикр юритар экан, Арасту айни шу экспатик илм, яъни ҳол илмини теология — Худо ёхуд Моҳиятни билиш илми деб атаган ва уни бутун фалсафанинг мағзи, асоси сифатида таърифлаган. Шу ўринда буюк аждодимиз Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида “Бу илм табиатдан юқори турган илм — метафизика ёки илоҳиёт илми деб юритилади. Бу илм барча илмларнинг ибтидоси ва интиҳосидир. Ундан сўнг бирон нарсани текширишнинг зарурати қолмайди, бу ҳар қандай тадқиқотнинг мақсадидирки, бундай тадқиқот натижасида изланувчи осойишталик ҳолатига келади”, деб айтганини ҳам ёдга олиш фойдаладан холи эмас.

Арасту метафизиканинг ўзини ҳам иккига — хусусий ва умумий метафизикага ажратган. Хусусий метафизиканинг баҳс мавзуни “ҳаракатсиз субстанция” ёки “ҳаракатсиз абадий ҳаракатлантирувчи” — Худони билиш ташкил этишини уқтирган. Умумий метафизика эса борлиқни ва ундаги нарса-ҳодисаларни энг умумий хусусиятлари ва шаклланиш олий тамойиллари асосида ёритади. Шунинг учун Арасту хусусий метафизикани теология, умумий метафизикани онтология деб номлайди.

XVII–XVIII асрлардан юон фалсафанинг теология маъносидаги асл ўзаги, яъни

фалсафанинг ўзи тобора назардан четда қолиб, бошқа таркибий қисмлари, аввало, табиат фалсафаси — физика мустақиллик касб этди ва олдинги ўринга чиқди. XX асрга келиб эса ҳатто “метафизика” тушунчаси ҳам, айтайлик, марксизмда теология маъносида эмас, балки диалектикага қарама-қарши билиш услуби маъносида англана бошлади. Таълимот билан услубни бундай ўзаро чалкаштириб юбориш қадимги фалсафанинг асл моҳиятни бузуб талқин этишдаги энг сўнгги чегара бўлди. Афсуски, ҳозирги фалсафий маданиятда ҳам бу чалкашлик сақланиб қолмоқда.

Фалсафанинг билиш усули масаласига келсак, Афлотун ва неоплатонизм, аввало, билим йўналишларини бир-биридан фарқлантирган ва билишга кўп сатҳли жараён сифатида ёндашган. Бу фалсафий таълимотга кўра, билиш икки йўл билан содир бўлади. Биринчиси, юқоридан (Худодан, ғоялар оламидан) қуиига қараб тушиб келадиган йўл бўлиб, бунда умумийликдан хусусийликка, но-моддийликдан моддийликка, нафис ва яхлит ҳолатдан зичлашган ва ажралган ҳолатга ўтиш шаклида босқичма-босқич юз бериб, сўнгги босқич — сезгилар воситасида айрим-айрим қабулланишга қадар давом этади. Иккинчиси, аксинча, қуидан юқорига (Худога, ғоялар оламига) қараб кўтарилиб борадиган йўл бўлиб, бунда билиш моддий оламдаги нарса-ҳодисалар хоссаларининг сезги органлари воситасида айрим-айрим қабулланишидан бошланиб, мантиқий (чизиқли) ва диалектик (ночизиқли) билиш сатҳлари бўйлаб юксалади ва энг юқори погонада ялпи умумийлик, туфма ғояларни эслашга қадар бориб етади. Афлотун тугма ғояларни эслашда олий ҳис-туйғулар, афлотунча (пок) муҳаббат — Эрос ролини алоҳида таъкидлаган. Шунинг учун юон фалсафасини “донишмандликка муҳаббат” деб эмас, “донишмандлик ва муҳаббат” деб талқин этиш ўринлидир.

Афлотун фалсафанинг билиш усулларини тавсифлар экан, аввало, синкетик кузатишни, сўнгра диалектикани ва ундан ҳам кейин математикани киритган. Унинг фикрича, борлиқнинг яхлит, бутун манзараси синкетик кузатиш ёки интуитив билиш воситасида намоён бўлади. Бунда “синкет”

бўлакларга бўлинмайдиган билим, "интуиция" эса диққат билан кузатиш маъносини ифодалайди. Борлиқни яхлит (синкетик) билишга мантикий, шуурий жараёнларни четлаб ўтиб, ғоялар оламига тўғридан-тўғри ғайришуурӣ кириш, бу оламга кўшилиб, унда эриб кетиш билан эришилади. Шу маънода, қадимги фалсафани тавҳид ёки айният фалсафаси дейиш мумкин. Ғоялар олами эса Моҳият, Ҳикмат ёки Ҳақ деб аталган бепоён уммондир. Шунга кўра, бизнингча, қадимги фалсафани ҳатто Гегель ибораси билан фанларнинг фани ёки суперфан деб атасак ҳам камлик қиласди. Гегель даврига келиб, фалсафа "фанларнинг фани" ёки "суперфан" даражасига тушиб қолган эди, десак балки тўғрироқ бўлар.

Афлотун диалектик услугба ҳам жиддий эътибор қаратган. У соғистлар асос соглган ва Суқрот ривож топтирган диалектикани билиш усули сифатида юқори баҳолаган ва уни диалогларида кенг ва ўринли қўллаган. Афлотун диалектикага зиддиятларни бартараф этиш услуби, деб таъриф берган. Бироқ у "синкетик билиш", яъни ҳол илмига эмас, балки ундан куйироққа, фикрий даражага тегишли услубдир. Аммо зиддиятларни бартараф этиш нуқтаи назаридан диалектика Афлотун учун бошқа барча чизиқли-мантикий услублардан юқори турган. Зоро, афлотунча талқинга кўра, ғоялар олами яхлит ва зиддиятсиздир. Афлотунда диалектикадан кейинги ўринда математика услуби туради. Математика — фалсафа оламига киришнинг энг кўйи, бироқ зарурий погонаси. Афлотун Академияси пештоқига битилган "Геометриячи бўлмаганларнинг бу ерга кириши таъқиқланади", деган ёзув ҳам шуни тасдиқлади.

Арасту талқинидаги теология мазмунини қисқача ёритиш билан қадимги фалсафада синкетикбилишвадиалектикусулнингўрнини янада аниқ белгилаш мумкин. Арастунинг уқтиришича, борлиқнинг моҳияти — қўзғалмас асос, ҳаракатсиз ҳаракатлантирувчидир. Бундан ўзгармаслик оламини билиш усули билан ўзгарувчан оламини билиш усули ўзаро фарқ этишини англаш зарурлиги аён бўлади. Шу маънода, интуитив усул диалектика, аналитика ва математикадан юқори туради. Фан XVII-XVIII асрлардан бошлаб дин ва теологияядан

ажралиб кетиши оқибатида фалсафанинг бутун эътибори диалектикага қаратилди, интуиция узоқ вақт назардан четда қолди.

Қадимги фалсафада ўзгарувчан оламини билиш усули бўлган ва Афлотун диалектика деб ном берган ақлий билиш йўли кейинги асрларда нафақат фалсафа, балки фанда ҳам тобора самарали қўлланиб, унинг асосий билиш усулига айланди. Бироқ ўзгармас оламини, бирламчи моҳиятни билиш усули бўлган ва кейинчалик метафизика номини олган интуитив билиш йўли диалектикага қарама-қарши усул сифатида узоқ вақт фалсафа ва фан намояндалари эътирофиға сазовор бўлмай келди. XIX аср иккичи ярмида А.Пуанкаре, Ж.Адамар, Б.Рассел каби йирик фан намояндалари интуициянинг кашфиётчилик ролини исботлаб мақола ва рисолалар биттанига қарамай, бу усул барибири илмий доираларда қайсаарлик билан қабул қилинмади. "Ақл ижодкор куч эмас, — деган эди хусусан Б.Рассел, — у асосан уйғунлаштирувчи, назорат қилувчи кучдир. Ҳатто мантикийлик соҳасида ҳам айнан инсайт (мантикий тафаккур доирасидан ташқарига чиқиш — Ш.Қ.) энг аввал янги билимни кашф этади" (Рассел Б. Почеку я не христианин. М., "Политиздат", 1987, стр. 45).

Шундай қилиб, илмий дунёқараш ривожланиб бориши билан фалсафа Арасту талқинидан мутлақо узоқлашиб кетди. Асл фалсафа таркибидаги хусусий ва умумий метафизика — теология ва онтология астасекин назардан қолди ва кейинги ўринда турган "табиат фалсафаси" — физика мустақил бўлиб, фалсафа таркибидан ажралиб чиқди. Арасту баҳс мавзузини ўзгармас моҳият түфайли мавжудлик топган ҳаракатдаги айримликларни билиш, деб белгилаган "табиат фалсафаси"дан эса XVIII асрдан бошлаб ҳозир бизга мавълум бўлган барча табиий фан соҳалари ажралиб чиқди ва бу ажралиш эндилиқда ҳам давом этмоқда.

Мазкур жараёнлар фалсафанинг баҳс мавзуи ҳам тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Биз билган ҳозирги фалсафа ҳикмат илми бўлмиш қадимги фалсафа эмас, балки унинг буткул ўзгариб кетган бир шакли ва ҳатто бир қолдиги, холос. Собиқ Иттифоқ даврида фалсафа табиат, жамият ва тафаккур

тарақиётининг энг умумий қонунларини ўрганувчи фан, яни фалсафа фани деб търифланди. Шунга мувофиқ, асл фалсафада анча юксак маънавий мавқе тутган кўпгина фан соҳалари прагматик моҳият касб этди. Масалан, Арастуниг замондоши Гиппократ “Табиб бу — файласуф; зотан ҳикмат билан тиббиёт орасида катта фарқ йўқ”, деган эди. Лекин тиббиёт ўзининг ана шу қиёфасини йўқотгани ва оддий фан соҳасига айланганига кўп бўлди.

Асл қиёфасини худди шундай бой берган руҳиятшунослик чет элда ҳикмат илми таркибида бўлганидаги каби инсон ботинида энг теран, соф туйғуларни кашф этиш ва тарбия қилиш мақсадига эмас, бошқаларни манипуляция қилиб, осон фойда топиш йўрикномасига, яни руҳиятнинг майда бир чайковчисига айланниб қолгани айни ҳақиқат.

Тўғри, Фарбда фалсафани илк ва асл ҳолида қайта тиклаш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Масалан, немис файласуфи М.Хайдеггернинг онтологияни қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Лекин, афсуски, фан бундай ташаббусларни ҳамон ўз соясида қолдириб келмоқда. Айни чоқда, постноклассик фаннинг ўзида қадимги фалсафанинг кўпгина ҳикматларини қайтадан кашф этиш тамоилири рўй бераётганини ҳам кузатиш мумкин.

Чунончи, ҳозирги фан борлиқни ташкилловчи номоддий ва онгли кувват мавжудлиги ҳақидаги фикрни илгари сурмоқда. Бу ўринда “қайно” космос ҳақидаги илмий қарашлари билан дунё олимлари назарига тушган физик ва астрофизик Ж.Гамовнинг космос онгли ташкиллангани ҳақидаги концепциясини ёдга олиш мумкин. Бу каби мисоллар ҳозирги давр илмий тафаккурида наинки фанни қадимги фалсафадан кескин ажратиб юборадиган, балки, аксинча, фанни бу фалсафага қайтарадиган туб сифат ўзгариши содир бўлаётгани ҳақидаги хуносага ҳам асос беради.

Фандаги бу сифатий ўзгариш, табиийки, ўз-ўзидан ва бемашақат содир бўлаётгани йўқ. Бунда, биринчидан, айrim фан намояндаларининг глобал инқирозлар илмий дунё-қарашдаги нуқсонлар билан боғлиқлигини пайқай бошлагани катта роль ўйнамоқда. Лекин улар, айни чоқда, ҳозирги технологиялар

билан глобал инқирозлар, чунончи, экологик бухронни бартараф этиб бўлмайди деган хуносага ҳам келмоқда (*Лесков Л. Философия нестабильности // Вестник Московского университета. Серия 7, Философия, 2001, №3, стр. 40-61*). Иккинчидан, бугун фаннинг ўзи ҳам инқирозга юз тутгани ва тараққиёти боши берк кўчага кириб қолгани аён бўлаётир. Ушбу инқироздан чиқиш учун фаннинг кейинги тараққиётини таъминлаб берувчи ва негизини келгусида яратилажак квант-вакуум технологиялари ташкил этувчи янги олтинчи технологик босқичга ўтишнинг назарий асосини вужудга келтириш зарур. Бунинг учун эса бугунги фан квант ҳодисаларининг ҳиссий но-реаллиги билан боғлиқ тажрибаларни йўлга кўйиши ва шу асосда янги умумилмий ёндашувни ишлаб чиқиши керак (*Қаранг: Джан Р., Данн Б. Границы реальности. М., 1995*). Агар фан квант ҳодисаларининг реаллигини тан олса, унда қўйидаги икки фараздан бирини танлаши шарт бўлиб қолади:

1. Онгга моддийликдан, янада аниқроғи, бош мия пўстлогидаги атом-молекуляр нейрофизиологик жараёнлардан ташкил топмайдиган автоном ҳодиса деб қараш.

2. Оламдаги ўзаро боғлиқ икки хил субстанция — моддият ва онгни юзага келтирадиган ва ўсиб, ривожланишини таъминлайдиган фундаментал протоструктура (бирламчи тузилма — Ш.Қ.) мавжудлигини тан олиш.

Биринчи фараз оламда қандай нарса-ашё бўлмасин, у атом-молекуляр жараёнлардан айрича мавжуд эмас, деган ўтроқ тасаввурга зид келади. Бу бизни реаллик икки хил қатлам — моддий ва номоддий (онг) ҳодисаларга ажралиши ҳақидаги Декартнинг дуалистик таълимитига қайтаради. Иккинчиси эса, борлиқнинг моддий сифатга эга бўлмаган, яни номоддий, ягона ва соф умумий асоси, моҳияти мавжудлиги ҳақидаги Афлотун таълимитига юз буришга даъват этади.

Кейинги фараз ҳозирги давр квант-вакуум физикаси кашfiётларига таяниб қиёсий тушуниш ва англаш имконияти мавжудлиги билан ҳам диққатга сазовор. Энг янги физика нуқтаи назарича, квант майдони ёки физик вакуум бу — энг майда зарралар ҳам мавжуд бўлмаган бўшлиқ, яни ноборлиқдир. Айни чоқда, қувват квантининг флюктуациялари

(флуктуация — гүёки ўз-ўзидан, тасодифан со-дир бўлаётандек туолувчи ўзгариб қолишлар, масалан, тартибсиз тўлқинланишлар — Ш.Қ.) туфайли вакуум виртуал заррачалар “туман” и билан тўла ҳисобланади. Ҳозирда кўплаб физик ҳодисалар реал физик заррачалар мажмуми билан ана шу виртуал квантлар “тумани” орасидаги ўзаро таъсир орқали изохланмоқда. Бундай хulosага келишда А.Гурвичнинг биомайдон мавжудлиги ва у физик майдон билан боғлиқлиги ҳақидаги хulosалари катта аҳамият касб этади. Боз устига, ҳозирги космология ва космос физикасида, хусусан, А.Фридман, Ж.Гамов каби таниқли олимлар назарияларида синергетика ютуқларига таяниб, коинот ҳам гигант квант вакуум қуввати флуктуациясининг Катта Портлаши натижасида келиб чиқсан қабилида фикрлар илгари сурилмоқда. Агар бу назариялар қабул қилинса, у ҳолда борлиқни вужудга келтирган бу гигант вакумнинг бутун коинот хоссаларини, эволюция қонулари ва барқарорлик мезонларини белгилаб берган муйян ахборот матрицаси (фоявий қолипи) ҳам мавжуд бўлиши керак, деган хulosага келиниши аниқ. Бошқача айтганда, ушбу вакумнинг номоддий (фоявий) шакллантирувчиси (Афлотун “ғоя”, Арасту “шакл-сабаб” деб атаган онгли манба) мавжудлигини тан олиш зарур бўлади.

Бизнингча, квант механикаси, биологик генетика каби замонавий фанлардан воқиғиши ҳар қандай ташкилланиш ўз-ўзидан, тасодифий содир бўлиши мантиқа зид, демак, уларни оқилона тизимловчи бош сабабчи, руҳий куч бор деган хulosага кепмаслиги мумкин эмас. Ахир, лой ўз-ўзидан гиштга айланиб қолмаганидек, майда заррачалар ҳам ўз-ўзидан мутаносиб тартибланимаса ва, айниқса, тирик ҳужайралар, инсон эмбриони ўз-ўзидан зарур дастурни амалга оширмаса керак!?

Нафсилемари, ҳозирги фанда юзага келган универсал эволюционизм концепцияси туфайли ғоя (руҳ) ва модда (материя) мунобатига ёндашишда ҳам туб ўзгариш содир бўлаётir. Натижада фаннинг материализмга энг мойил соҳаси — физикада ҳам материализм билан идеализм, фан билан дин, фан билан фалсафани бир-бирига қарама-қарши кўйиш бугун маъносини йўқотгани ҳақида

фикр баён этила бошлади. Масалан, шу соҳа вакили С.Хайтуннинг тан олишича, ҳозирги фанда “материалистик ва номатериалистик қарашлар орасидаги жарлик илгаригичалик чукур бўлмай қолди” (Хайтун С. Феномен человека на фоне универсальной эволюции. М., “КомКнига”, 2005, стр. 86-88).

Фанда содир бўлган бундай ўзгаришлар фалсафада ҳам ўз ифодасини топмоқда. “Ҳар иккенини ҳам ўзига қамраб олувчи майдон тушунчасида қувват ва материя бир бутунликни ташкил этувчи ҳодисага айланади... Майдон кучланиши (куват) — яккаю ягона физик реалликдир. Майдоннинг кичик бир жойида барча йўналишлар бўйлаб кучланиш орта бориб, энг юкори нуқтага етса, ўша ерда электрон, яъни моддий заррача вужудга келади. Демак, материя майдондаги сингуллярлик — ундағи зичлашишдан ҳосил бўладиган тугундир” (Философский энциклопедический словарь. М., “ИНФРА”, 2001, стр.353).

Агар биз квант физикаси обьекти — майда заррачаларни материя деб олган ҳолда майдон кучланишини мавхум қувватнинг тасодифий тўлқинланиши эмас, балки руҳий қувват деб қарасак, квант майдонлари соҳасида моддийлик билан руҳийлик орасида деярли фарқ йўклиги, улар муттасил бир-бирига ўтиб турадиган субстанциялар экани аён бўлади.

Бундан ташқари, мазкур хulosани борлиқни ташкилловчи онгли қувват ёки ирова мавжудлиги ҳақидаги Ж.Гамов концепцияси билан боғласак, у ҳолда нафақат квант физикаси обьекти — майда заррачалар, балки бутун оламни ҳам вужудлантирган, коинот сифатида ташкиллаштирган руҳий асос (худо) мавжудлигига доир диний ва эзотерик ғоялар илмий асосланишига ҳам жуда яқин келиб қоламиз. Бу эса фандаги атеизм ва материализм, аслида диндаги мутаассиблик каби, тафаккур фақат бир йўналиш бўйлаб ишлашга одатлашидан бошқа нарса эмаслигини кўрсатади.

Фандаги бир ёқламалик тобора чекина боришида квант вакуум семантикаси бўйича олиб борилаётган ишлар, чунончи, В.Налимов ва Н.Кобзеванинг “мэзон” концепциясига таяниб борлиқда психион (руҳий) вакуум мавжудлиги ҳақида илгари сурилган фаразлар диққатга сазовор (Батафсилоқ қаранг: Лесков Л. Фундаментальная консематическая

протоструктура Вселенной // Сознание и физический мир. М., 1997, стр. 84-128).

Ахборот квантининг микро ва макро сатҳлар бўйлаб узатилиш парадокслари Б.Кадомцев томонидан таҳлил этилиши эса интуиция ҳодисасини ҳам шу концепция асосида тушуниш ва тушунтириш имконини бермоқда (Қаранг: Кадомцев Б.Б. Динамика и информация. М., 1996).

Ушбу мисоллар бугун фанда содир бўлаётган сифат ўзгариши жуда кенг кўламли экани ва бу ўзгариш фаннинг кейинги ривожига ҳам кучли таъсир кўрсатишидан дарак беради. Лекин ҳозирча бу борада ортодоксал ва ноортодоксал, фалсафий ва илмий, материалистик ва идеалистик, рационалистик ва интуитивистик нуқтаи назарлар орасида муросасиз кураш бормоқда.

Қисқаси, фан инқироз ҳолатидан кутулиш учун икки йўлдан бирини танлаши керак. Биринчиси, эски илмий ёндашув бутун захиравий имкониятини сарфлаб бўлганини очиқ тан олиб, тафаккурга туртки берадиган янги илмий ёндашувни яратишдир. Бу борада фаннинг янгидан-янги соҳа ва соҳачаларга ажralиб боришини бартараф этиб, уни одам ва оламга доир бир бутун, яхлит билим қилиб жамловчи янги ёндашувни излаб тошига ҳаракат қилинмоқда. Иккинчиси, ортодоксал материализм "кора кўзнойнаги"дан халос бўлган, дунёга бошқача назар билан қараётган фан намояндалари йўлидир. Улар фанни инқирозга олиб келган эски йўл, яъни узлусксиз янги ёндашувни топишдан иборат таҳриба ва адашишлар йўлидан воз кечиб, фанга таянган мутлақо янги метафизикани — бир вақтлар Э.Гуссерль башорат қилган неометафизикани яратиш йўлини ёклимақда.

Бизнингча, янги метафизика — кўп асрлик фан тараққиётининг энг асосий ва энг умидбахш мевасидир. Қолган барча жараёнларни эса шу мева етилиши учун талаб этилган шарт-шароит десак ҳақиқатга зид бўлмайди.

Энди, юқоридаги таҳлил ва хуносаларга таяниб, фалсафанинг тарихий йўлини асосий босқичларга ажратиб кўрайли:

1. Айнийлик фалсафаси ёки ҳикмат илми (фалсафанинг олтин даври — Пифагор, Гераклит, Сукрот, Афлотун, Арасту ва бошқалар) Ушбу фалсафанинг баҳс мавзуи — моҳиятни

билиш. Инсон ҳаётининг мақсади — ўзлигини аглаш. Асосий билиш усули — Моҳият (Ҳақ) билан айнанлашиб (қўшилиб) кетиш, интуиция.

2. Мантиқий тафаккур ва фан юқори мавқени ишғол этган Ғарб мумтоз фалсафаси — рационалистик умумназарий таълимотлар (Бэрон, Декарт, Лейбниц, Кант, Гегель, позитивизм, марксизм). Баҳс мавзуи — моҳиятни эмас, мавжудотни (асосан, табиат ва жамиятни) билиш. Инсон ҳаётининг мақсади — табиатни ўзлаштириш, кулай яшаш шароити яратиш. Билиш усули — асосан диалектика.

3. XX аср ўрталарида юзага келиб, мантиқий тафаккур чекланганини танқид қилиб чиқсан иррационализм фалсафаси ("ҳаёт фалсафаси", экзистенциализм, Фрейддан кейинги руҳиятшунослик, модернизм). Баҳс мавзуи — инсоннинг мантиқ доирасидан четдаги билиш имкониятини ўрганиш. Усули — Ғарбда унтилиб кетган, бироқ Шарқда сақланиб қолган эзотерик мактаблар услугубиятига таянган ҳолда шаклланган интеллектуал интуиция.

4. XX аср охири — XXI аср бошларида шаклланган Ғарб постмодернизми ва неометафизикаси (постмодернизм пессимиристик фалсафаси, интеллектуал неометафизика). Усули — интеллектуал интуиция.

Сўнгги давр фалсафа ўз таназзулини аниқ англаб етган ва фан қадимги метафизика билимларини қайта кашф эта бошлаган босқичдир. Мазкур босқич қандай якун топишими ҳозирча аниқ айтиш қийин. Чунки кучлар нисбати қайси томон фойдасига оғишини олдиндан билиб бўлмайди. Бу босқичда фантехниканинг бежилов тараққиёти оқибатида ё цивилизация глобал ҳалокатга учрайди, ё олтин давр фалсафаси неометафизика қиёфасида қайта туғилиб, оламда ҳукм сурәтган хаосга барҳам беради.

Агар биз кейинги икки босқични бирлаштирасак ва улар тараққиёти ижобий якун топади, деб умид қилсак, у ҳолда, Гегель айтганидек, Мутлақ форя тадрижининг уч босқичи — Тезис (фоявий куртак ёки уруғ), Антitezis (Тезисни инкор этган, унинг зидди бўлган моддий борлик) ва Синтез (инсоният тараққиётини умумлаштирган мева, келажак учун янги уруғ) босиб ўтилиб, инсоният ялпи эволюциясининг бир цикли тугаб, янгидан олтин даври бошланади, дейиш мумкин.

Хуллас, оддий мантиқий мушоҳада ҳам борлиқни моҳиятнан билиш ва ҳар жиҳатдан баркамоллика эришишнинг икки асосий йўналиши ва имконияти борлигини кўрсатмоқда. Биринчиси — фалсафа тилида экзотерик (ташки) йўл деб аталадиган йўналиш. Бу усулда борлиқни билишга ташқаридан ёндашилади — нарса ва ҳодисалар ҳақида сезги органлари қабул қилган ахборот аста-секин мантиқий билиш сатҳлари бўйлаб ривожланиб, назарий умумлашмалар чиқариш ва қонунлар кашф этишгача, пировардида, борлиқнинг квант вакуум даражасидаги моҳияти сари — пастдан юқори, ташдан ичкари, айримлиқдан умумийликка қараб борилади. Бу — кундаплик кузатишлар, илмий тажрибалар ва мантиқий тафаккурга асосланган, сезидан ўсиб чиқадиган фан йўли.

Иккинчиси — эзотерик (ички — диққатни ўз ботиний дунёсига, қалбига қаратиш, уни поклаш орқали борлиқнинг моҳиятига етиш) йўли. Тасаввуф таълимотига кўра, бу йўл шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини ортда қолдириб Ҳаққа, Моҳиятга етишишдир. Юқоридан кўйига тушиб келадиган, умумийликдан айримлиқка ўта борадиган мазкур билим ислом метафизикасида илҳом, ваҳий орқали ҳосил қилинади, деб тавсифланади.

Хуллас, инсонда ҳар икки йўл билан ҳам моҳиятга етишиш имконияти бор. Аммо биринчи йўл жуда узун, шахсдан кўп вақт талаб қиласди, у ҳатто бутун умри давомида ҳам мақсадга ета олмаслиги мумкин. Ҳозирда бутун инсониятнинг назарий тафаккури ифодаси бўлган фан кўп асрлік тадрижи сўнгига, XX аср охири — XXI аср бошидаги глобал инқироз таъсирида, ниҳоят, чинакам билимга эришиш имкониятига эга бўлаётир. Демак, бугун ҳар бир қобилиятили ёш юксак ташкил этилган таълим жараёнида бу билимни пухта эгаллаб юксак маънавияти инсон бўла олади.

Иккинчи йўл эса узоқ вақтни талаб қилмайди, киши умри мобайнида мақсадга етишиши мумкин. Лекин бу йўл кучли иродада ва кўп риёзатни талаб этиш баробарида шахс ҳаёти учун хавфли ҳамдир. Шунинг учун бунда устоз-шогирд анъясига риоя қилиш шарт. Бу йўл нафақат шахс, балки жамият учун ҳам улкан маънавият бойлик бахш этиши мумкин. Зо-

тан, миллий маънавиятимиз тарихида чукур из қолдириган авлиё боболаримиз иккинчи йўлдан юриш мушкулотини бир қадар ёнгиллаштириб кетган.

Ҳар бир шахс юксак маънавият соҳиби бўлишига эришиш учун янги фалсафий маданиятни шакллантириш тақозо этилади. Бироқ бужараён мураккаб кечишига сабаб бўлаётган бир неча омил мавжуд. Янги фалсафий маданиятни шакллантиришдаги мураккаблик, юқорида ҳам қайд этиб ўтганимиздек, аввалио, собиқ Иттифоқ даврида кишилар онгига сингдирилган марксча-ленинчика гоялардан тез ва осон ҳалос бўлиш мумкин эмаслиги билан боғлиқ. Ҳозирча фалсафий маданиятимиз янги метафизика босқичига кўтарилимай, эски “илмий фалсафа” доирасида қолаётганини ҳам кўпроқ шу билан изоҳлаш мумкин.

Бу “қобиқ”ни ёриб чиқиш масъулияти эса бегумон зиёлилар зиммасига тушади. Ҳўш, зиёлиларнинг янги авлодини етиштиришда фалсафани ўқитишининг ҳозирги аҳволи қандай? Собиқ Иттифоқ даври ўқув дастурига кўра, фалсафа факультети талабалари учун биргина диалектик материализмдан (тарихий материализм, фалсафа тарихи, этика, эстетика, мантиқ кабилар истисно қилинганда ҳам) 266 соат ҳажмида дарс ўтилган. Ҳозирда эса биз марксча фалсафадан анча кенг доирага чиқишимиз зарур бўлгани ҳолда, афсуски, шунга яраша дарс соатларига эга эмасмиз. Нофалсафий факультетларда ўтилаётган дарслар ҳажми янада кам. Зоро, собиқ Иттифоқ даврида нофалсафий мутахассисларга 120 соат маъруза ва 90 соат амалий машғулот ўтилгани ҳолда, бугун атиги 20 соат маъруза ва 20 соат амалий машғулот режалаштирилган. Ваҳоланки, ўзбек талабалари хорижий мамлакатлар, масалан, Россиянинг мактаб, гимназия ва бошқа ўқув масканларида йўлга кўйилганидек фалсафадан бир оз бўлса-да дарс тинглаб, бу илмга бир қадар тайёр бўлиб келмаган.

Биздаги иш муҳити ҳам, албатта, шунга яраша, яъни рисоладагидек эмас. Масалан, “Фалсафага кириш” курси охирига етмай ва талаба фалсафа нималигини англаб олмай туриб, дарс жадвалига деярли бир вақтда “Онтология” курси киритиб юборилади. Боз устига, “Онтология” курси бўйича маъруза ва

амалий машгулотлар бошқа бир ўқитувчига юклама қилиб берилади. Натижада, фалсафанинг дастлабки ва кейинги бўлимлари орасидаги мазмуний уйғунлик ва боғлиқлик йўқолади. Чunksи, бир ўқитувчининг назарий билими, методик савияси бошқасиникдан кескин фарқ қиласди. Айтайлик, бир муаллим дастлабки бўлимни янгича ёндашув асосида ўтса, бошқа муаллим кейинги бўлимни эски қолипда ўтади. Оқибатда классик илмий ортодоксализм руҳи фалсафага янгилаш қараш бўйича саъй-ҳаракатларни ҳам чиппакка чиқаради. Шу маънода, Хуршид Йўлдошевнинг олий таълим тизимида ҳамон ўша эски фалсафа ўқитилмоқда, деган фактида жон бор.

Бундай салбий ҳолнинг юзага келишига, аввало, таълим тизимида фалсафа дарс соатлари қисқартириб юборилаётгани, иш юкламалари эса, аксинча, ортиб бораётгани ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. Мазкур вазият ўқитувчининг иш сифатига жиддий зарар етказмоқда, янги фалсафий маданият шаклланишини секинлаштируммоқда. Зеро, дарс юкламасининг кўплиги ўқитувчидаги билим ва малакасини ошириш учун ижодий изланишга етарли вақт қолдирмайди, дарс соатларининг қисқартириб юборилиши эса фалсафани кенг ва чуқур ўқитиш имкониятини йўққа чиқаради. Боз устига, иш ўринларини қисқартириш масаласи кўндаланг бўлганда, кўпинча янги ғоялар билан қуролланган “бет-гачопар” муаллимдан кўра эски ғояларга мукка тушган “боодоб” муаллим афзал кўрилиши ҳам бор гап. Бундай шароитда биринчи тоифага мансуб ўқитувчи ҳам бутун вақти, кучи, диққати ва иродасини ижодий изланиш ҳамда шу изланиш натижаларини шогирдларга етказишга эмас, балки ўзи истаса ҳам, истамаса ҳам иш ўрнини ҳимоя қилишга сарфлашига тўғри келади.

Шу жиҳатдан Хуршид Йўлдошевнинг ба-калавиатни битириб ва магистратурада ўқиб ҳам “Фалсафа фанми?”, деган савонни қўйиши ва у фандаги баъзи камчиликларни танқид қилиш вазифасини бажариштагига ярайди, деган қабилда хулоса чиқариши мавжуд шароит мантиқига ва ҳозирги реал воқееликка мувофиқиди.

Бир ҳақиқатни тан олиш лозимки, бугунги файласуф-талаба — икки ўт орасида. У шўро мафкураси ҳукмронлиги даврида шаклланган “Фалсафа бў — фан” деган ғайриилмий қараш билан “Фалсафа — фандан кўра юксак, чunksи у — ҳикмат илми, ҳикматга эса мантикий тафакурдан-да юксак бўлган интииция (ғайришуурӣ онг, илҳом) орқали эришилади” деган қараш орасида сарсон. Аниқроғи, аксарият талаба ҳамон эски қараш гирдобида қолиб кетмоқда. Чunksи у янги ғояларни қабул қилиши учун на устозлар даврасида ва на ўз мустақил қарашларида зарур шарт-шароитга эга.

Бироқ ҳозир Ер куррасида ва, айниқса, дидёrimизда юксак маънавиятни шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани, маънавият ҳатто жамиятнинг иқтисодий тузилмаларини белгиловчи асос экани уқтирилаётгани, шу муносабат билан таълимни инсон шаънига муносаб қайта ташкил этиш муаммоси қизғин муҳокама этилаётгани ҳақида яна бир карра таъкидлаб ўтиш зиён қилмайди.

Асл фалсафа моҳиятини англаб этиш — мураккаб иш. Бунга ҳатто бутун умр ҳам қамлик қилиши мумкин. Юксак маънавият негизи бў — фалсафий маданият экани шундан аёнки, инсонлик моҳиятию ҳаёт маъносини билган зотгина чинакам баҳтили ва баркамол инсон бўла олади. Комил инсонлар жамияти эса энг фаровон жамият бўлишига шубҳа йўқ.

Ҳикмат деб аталган уммон соҳилига этишиб, унинг бағрига ўзини отиш ўрнига атиги бир қултум сув ичиб орта қайтиш жуда ачинарли. Хуршид Йўлдошевнинг фалсафа — фан эмас, у фанни танқид қиласидиган фаолияти тури, деган хулосаси айни шу маънода ожиз. Чunksи бў — фалсафа бўйича мутахассис бўлишга ҳозирланаётган шу биргина талаба эмас, бутун ёшлар, келгуси авлодимиз тақдири билан боғлиқ муаммо. Ҳадемай файласуф-магистр дипломини қўлга оладиган X. Йўлдошев фалсафа ҳақида шу тор қараш билан чекланиб қолган бўлса, бор-йўғи бир неча ўн соат ҳажмида маъруза тинглайдиган бошқа соҳа талабалари ҳақида нима дейиш мумкин? Олий ўқув юртларида ўқимайдиганлар ҳақида-чи?

Inson mangulikka keladi asli...

ПОКЛАНИШ

Чарчаб қоляпман кечки соатларда.
Эзіб ёғар ёмғир.

Шамол изгійди.
Сарық сув сирқиган қамиш бүгетларда
Мусича инлари тұзғайди.

Үзімдами чарчоқ, табиатдами ё,
Түшүнмай ҳам қолдым қүйинг-чи...
Күзги полизларда,

“қайдам” дея гүё
Күлларини ёяр құрықчи.

Бошимда чувалиб ўйлар қийналар,
Унұтмоқчи бұлған ўйларим.
Дилозор ростғүйлик,
ошкор тағналар,
Нега сизни бир вақт әркін құймадим?

Айттылмаган ҳақ гап,
Ичга ютган газаб,
Жүргөтсизлик, құрбсизликларим –
Хаммаси оғрийди ярадай қақшаб,
Хамон кезаман мен, мана, тун ярим...



Пушаймон ўртайды.

Бўзаради уфқ.

Булутлар безовта оқади.

Оқмаса-чи? Ўтмаса? Йўқ,

Чидамасди қалбнинг тоқати.

Ором ваъда қилар дилга ийроқлар,
Чарчоқ тарқагандай.

Лекин тонг олис.

Рұхни поклар балқи тунги қийноқлар,
Гуноҳкорлик ҳисси, ор-номус.

Келинг, шу шафқатсиз виждон овози
Юрсин бизни тарқ этмай ҳаргиз,
Камолот дардидা,

доим норози,

Сўнгги соатгача,
изма-из.

* * *

Оҳ, баҳор еллари, кўксим совутинг,
Карзингиз шеър билан узарман.

Чалгитинг сиз мени, алданг, овутинг,
Уни кўрмай қандай тіўзарман?!

Кизганиб тасвирин чизмаганим чин,
Қандай ўзи, дея сўрарсиз.
Мен ҳүшисиз ийқилсам, кўзларимни очинг —
Корачикларимда уни кўрарсиз.

ҲАДИК

Ер узра улугвор, сокин руҳ кезар,
Кўзга кўчар нилий осмоннинг ранги.
Бу ором туйгуси шу қадар янги,
Дил ҳатто қандайдир бир ҳадик сезар...

Бирдан нурда чақнаб кумуши танаси,
Самолёт ўтаркан солиб қалдироқ,
Сесканиб, кўрқувдан бир силкинди боғ,
Дув учди дараҳтдан қўшлиар галаси.

Безиллааб қолганмиз руҳий долгалаардан,
Совуқ титроқ туйдим вужудимда мен.
Карасам, нарида қип-қизил замин,
Ер қип-қизил...
қимизак олмалардан!

СОБИРМАН

Хаммасига секин эришдим мен,
Мұхаббат ҳам келди ҳаяллаб.
Билим аста ортди, ақл кирди шошмай,
Тажриба ҳам келди амаллаб.

Хамма нарса аста-секин келди,
У-бу ишга әнди қодирман.
Бардошим бор, ҳамма нарсаны мен
Сабр билан күтдім. Собирман.

Әнди бу ёғи ҳам шундай бұлаверсин.
Одат бўлиб қолди секин-асталик.
Қариллик ҳам келсин секинроқ,
Шошмай қўяқолсин хасталик.

Ўлим қанча имилласа, майли,
Қанча кутгин деса, ҳозирман.
Бир умр кутишига ўрганган одам
Әнди шошармишим? Собирман!

КЎЛАНКА ЙИФИСИ

Ёдингдами, хаёлларинг тарқоқ,
Қалбинг иситардинг ўтли оҳимда.
Бир-биirimиз тушунмай, кезардик үзок
Ойдин кечалари қумлоқ соҳилда.

Бугун, кеч бўлса ҳам, олибсан қалам
Қандайдир беҳуда, мавҳум умидда.
Ҳа, мұхаббат ўрнин босар фақат алам,
Тақдир бошқа-бошқа, лекин дард битта.

...Яна соҳилдаман, бу гал ҳам ойдин.
Сен-ку тушунмайсан ўзга гамини,
Лекин кўрганмисан титраб ва беүн
Кўмда кўланканинг йиглаганини?..

АЯЖОНИМИЗ

Титраб янграр эди уфқлар тонгда,
Гўзал қуйлар эди аяжонимиз.
Булутлар тўлганар эди осмонда,
Жажжи юракларда — ҳаяжонимиз.

Куйни қари-қартанг мукка тинглаган,
Бунда ожиз эди ҳар қанақа сўз.

Үрүш мұраларди енгсиз құллардан,
Юпун хирмонарлардан — бебарака құз.

Аям күкка қышадай интилар әди,
Әтагидан ушлаб дийдираңыз өз.
Яшил күсакларда мұлтирап әди
Чала қолған күйдек болалигимиз.

Бұлутлар безовта әди осмонда,
Жажжи юракларда — ҳаяжонимиз.
Дадамизни әслаб шундай ҳар тонгда
Мунгли күйлар әди аяжонимиз.

Күй бүлиб үчмоқни қыларди орзу
Дадамни бир күриш қасдида.
Аммо қанотларин ёзолмасды ү,
Чүнки биз бор әдик қанот остида.

* * *

Бош әгиб туриишиң ҳали күз олдымда,
Күз ўңгимда ўша маңзара.
Сен кетдинг, дард қолди қалбимда,
Ҳали ҳам зирқираб огрийди яра.

Сен йүқсан, ришиналар паркан-паркан,
Оғригидан түнлар сассиз додлайман,
Бир солдат сүзларин ёдлайман:
Йүқ оёғи оғриб қиінапкан...

ҚОГОЗ

Жүнжикиб яшадик биз, иним,
Калбин ушук олдирғанлар бор.
Нече ишл союқ қор ёғди бетиним,
Бошимиздан ёғди
қогоз қор.

Маҳкамадан ёғди, ёғди бошлиқдан,
Бири түккіз бўлди, түккізи — түксоң,
Қогозинг бўлмаса — сен-йүқсан,
Қогози бор — раҳбар
ёшлиқдан.

Қогози бор нодон құтилади,
Қогози йўқ доно тұтилади.

Қоғоз — ақл, талант, у — ҳуқм, тақдир.
 Чүлгаганда сійлу согингни,
 Болгайди тилингни, күл-оёғингни,
 Сүзү имон ноҳақ, фәқат у ҳақдир.

Үсиз киролмайсан —
 йұлларинғ бекік —
 На ишхонанғ, на хилхонанғга.
 Түгрүқхонадан ҳам қоғоз үшлаб чиқ,
 Ыйқса бегонасан — ота-онанғга.

Разведқадан олдин
 ҳүжжатларни түгіб
 Топширади солдат, жиіддій ва маңыс.
 Үлімга тик борар, ҳалол ишга йигит
 Әркү виждон билан қолиб іузма-юз.

Нега юэлигингиңиз фәқат қоғоз билан,
 Ахир ватандасиз, ахир үйдасиз!
 Мен ҳар күни ийлігінде чиқсам дейман
 Әркү виждон билан.

Майды-чүйдасиз.

ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Бир қизни танирдим ёшлиқда. Ҳай-ҳай,
 Бир чеккада түрсын жами маҳвашлар!
 Хиром айлааб ўтса төвусдаі,
 Жиловин тортади аравакашлар.

Ана қадди-қомат, ана қошу күз!
 Атиғи бир мартта құлн тутғанман.
 Шу билан, ҳүсніга тополмайин сүз,
 Бир үмр дардига лол үтғанман.

Кеч... күриб қолдым ўшани. Ёраб!
 Түшимми бу, дейман, ўңгимми?
 Ўша қад, ўша күз, ўша гулгүн лаб...
 Шошғандан ийқотиб құйдым иүхимни.



Худди туман ичра, инон-ихтиёрсиз,
Юрдим орқасидан қолмай бир қадам.
Троллейбусга чиқди, мен ҳам чиқдим тез,
Гүё эллик йилни ташлаб елкадан.

Карасам, у менга бераяпти жой:
— Марҳамат, ўтириңг, буважон. —
Бирдан... Қанотларим синди ҳойнаҳой,
Шалвираб ўтиридим bemажол.


Бир дейман: қария, ўзингни ушлагин,
Бир дейман: бу қизиқ, бу жуда қизиқ —
Бир оғиз гап билан, тушмагур,
Топган ёшилигимга тортди-ку чизик.

Хотира — овунчоқ, гоҳ берар фириб,
Умр эса бир тутам, умр — бир сиқим.
Каранг, бир эшикдан йигит бўлиб кириб,
Иккинчи эшикдан чол бўлиб чиқдим.

ДЕБОЧА

Ўлимдан сўнг тугайди бари?
Ҳамлет тикилади бош чаногига.
Иўқ, ҳәётнинг ҳамма ечимлари
Ўлимдан сўнг бошлиданади-да...
Бу дунёга ким келиб кетди,
Кетдими, ё қолдими боқий;
Колмаса, кимларнинг ўрнин банд этди,
Тузукмиди келмаса ёки;
Илиқ нур қолдими тирик жонларга,
Ёки ёлгиз совуқ шу мармар тахта —
Бари ойдин бўлар энди инсонларга:
Ким асл эди-ю, ким эди сохта.

Инсон мангуликка келади асли,
Умр унга фақат дебоча.
Ўлимдан сўнг бари тугаса,
Унда бошлиланмаган маъқул эмасми?



Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

— Ҳой, ким бу? Мендан бошқа бирор борми бу ерда? “Беҳрўзман” дейсанми? Бекор айтибсан, менман Беҳрўз! “Унда мен киммам?” дейсанми? Мен қаёқдан билай? Бу ер менинг масканим. Куни кеча пешинда олиб келишди мени бу ерга. Сен... Айтганча, исмингни нима дединг? Яна бир қайтар! Овозинг танишдай...

Беҳрўз?!

Наҳотки бу сен бўлсанг?! Бу ерда нима қилиб ётибсан?! Ахир сен сувга чўкиб кетган эдинг-ку! “Оғайниларим билан муштлашиб қолганимизда улар мени бехосдан ўлдириб қўйишли, кейин ярим кечаси шу ерга кўмид кетиши”, дейсанми? Қанақа оғайниларинг? Ахир сенинг энг яқин дўстинг мен бўламан-ку!

“Ишхонадаги оғайниларим билан ўзимизнинг кўлга чўмилгани борувдик!” Э-ҳа, тушундим, тушундим, ичиб ўтириб айтишиб қолгансанлар, кейин уришиб кетгансанлар, улар сени ўлдириб қўйганларидан қўрқиб кетиб, қабристонга олиб келишгану чуқур қазиб, апил-тапил кўмишган... Номардлар, гўрни дурустроқ ҳам қазишмабди-да! Ҳа, тўғри, янги қабр дўппайиб турса, одамлар шубҳаланиб қоларди. Ахир ўша куниари сендан бошқа ҳеч ким қишлоқдан фойиб бўлмаган эди-да.

Қизиқ, наҳотки, гўрковлар бехабар қолишган? Ахир суқунат чўмган масканда тунда қандайдир безовталик бўлгандир? Ўшанда сени кўлга чўкиб кетиби, ўлиги топилмади, деган гапдан бошқа ҳеч нарса эшитмадик.

Буни қара, наҳотки энди битта қабрда ётсак? “Бир сиқимгина сұякларим қолган, сенга оғирлигим тушмайди,” дейсанми? Ҳа, ахир неча йил ўтди. Зах ўтиб кетгандир роса? Кечадан буён кимдир тинмай инграётган эди, сен экансан-да. Ёмғир ҳам эзиб юборди. Шамолни айтмайсанми яна! Икки кундан буён ёмғирни бошлиб келган шамол қутиргандан қутирди. У вақтда мен ҳали ҳаёт эдим. Икки кечаю кундуз увиллаган овоз тинмади. Шамол қувиб юрган

булутларнинг кўпчиган “қорни” Ойқортовнинг нақд киндигига текканидан кейингина шаррос ёмғир қуиди. Ўзиям, роса шиддат билан ёди. Тарновлардан кўпириб кетган сув шовуллааб оқар, кўқдан тинмай жала қуяр, қўлмакларда “чучвара” қайнар, ҳаммаёқни гарқ қилгудай тўлиб-тошган сув ерга сингиб улгурмасди. Кейин эса сел бостириб келди. Мени, афтидан, сел оқизиб кетди. Анчадан бўён бетоб эдим-да. Аммо сен билан битта қабрда учрашамиз, деб ўйламаган эдим. Нима, тақдир ҳазилими бу? “Бу бежиз эмас,” дейсанми? Нега ахир?!

“Мендан кейин нималар бўлди?” Сўраб нима қиласан? Энди ҳаммаси ўтмишга айланган бўлса... “Ўтмишда сирсиноат кўп бўлади, келажак эса ҳаммага маълум...” Ҳа, ҳаётлигингда ҳам шу гапни кўп такрорлардинг. Бўпти, ҳадеб ижикилайвермасанг, ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман. Бу воқеа шундай бўлган эди...



Уфқ каптар қони сачрагандай қизғиш тус олган, тонг ёришиб келаётган палла эди. Ҳали чараклаб улгурмаган қуёш нурлари бутунлай тарқаб кетмаган коронгилик қаърини ёритишга уринарди.

Кунчиқарга қараган айвон устунига суюнганча ёришиб келаётган уфққа тикилиб ўтиарканман, тўсатдан пайдо бўлган самовий йўл бўйлаб узоқлашиб кетаётган шарпангни кўриб қолдим. Нимадир юз берганини англашга улгурмасимдан, чараклаб кетган нурафшон ёғду сенинг шакл-шамойилингни нигоҳларимдан яширди...

Ўша субҳисодиқда ишга кетаётиб кўча эшик олдида турган Дилдорадан кеча эрталаб уйдан чиқиб кетганча қайтиб келмаганингни эшитдим. Унга эркак киши иш билан юради-да, қабилидаги гаплар билан тасалли бериб ўтиб кетаверган бўлсам-да, негадир кўнглим ғаш тортиб қолди. Ишхонада ҳам шу ғашлик тарқамади. Кечқурун эса “Беҳрўз кўлга чўкиб кетганмиш!” деган мишиш эшитдим.

Бу хабарга бир ишониб, бир ишонмай, уйингга йўл олдим.

Ўшанда Уни бир кўрсанг эди!

Сочлари паришон ёйилган, юzlари тимдаланган, ёқавайрон бир ахволда ер муштлаб йиғларди.

Икки аёл икки қўлидан ушлаб, суюб туарар, агар ўз майлига қўйиб беришганида, У ўзини ерга отиб, майиб-мажруҳ қилиши ҳеч гап эмас эди.

— Сабри бўлинг, Дилдора, — дедим секин ёнига бориб. — Ҳали ҳеч нарса аниқ эмас-ку.

Аммо у мени кўрмади, кўрса ҳам танимади...

Бир ҳафтадан кейин ҳам жасад йўқ, лекин биз аза очдик. Чунки ғаввослар қанча изламасин, ўлигинг топилмади.

Дилдора қора кийди.

Бошдан-оёқ қоп-қора кийим.

Юзи қордай оқарган.

Мижжаларида ёш қалқиб турарди.

Бундай бўлади деб ким ўйлабди. Ўлим кутилмаганда келади деганлари шу экан-да.

Нима бўлганда ҳам ўлганга қишин, тириклар бир кунини кўраверади, дейишади. Бироқ тирикларга ҳам осон бўлмас экан. Кўнгилдаги оғирликларни айтаман-да. Худди ўлимингта мен айбордрай, анча вақт ғалати ахволда юрдим. Дилдоранинг ҳам кўзига кўринмадим. Фақат белгили кунлари унинг ҳузурига бориб, барча оғирликларга тайёр эканимни, ортиқча заҳмат чекмаслигини айтардим.

Дилдора бўлса ҳамон ўзига кела олмасди. Яхши ҳамки, ўғлинг бор. Бечора аёл эртадан-кечгача шу бола билан ўзини овутади, қачон қарасам, кучоғидан қўймайди.

Кунлар ўтди.

Хотиним билан бир йил яшамасдан ажрашганимни билардинг, сабабини ҳам тусмоллардинг, чамамда; Муҳайёни ҳам яхши танирдинг, бир-икки марта жиқиллашиб қолганимизда унинг тарафини олиб менга насиҳат қилган эдинг; “Муҳайёга ўҳшаганини икки дунёда ҳам топиб бўпсан энди!” деган эдинг у тугунини кўтариб кетиб қолган куни менга. “Сизни тушунишга ҳаракат қилдим, лекин уддасидан чиқолмадим, яхшиси, кетақолай...” деган эди Муҳайё жўнаш олдидан. Ҳа, у ҳақиқатан ҳам яхши аёл эди, қолаверса, ўша вақтда ҳаммадан кўра шу аёл — Муҳайё мени кўпроқ тушунган бўлса эҳтимол, негаки севиб, севилмаган, муҳаббатдан баҳраманд бўлмаган кишиларда ўзгаларнинг муҳаббатини ҳис қилиш кучли бўлади деб ўйлайман, қолганларига менинг ўжар кўнглим сабабчи. Нима қилай, фақат бир аёлгагина тикилган, ҳаётнинг жамики қувончларини фақат унинг сиймосида кўрган эркакнинг ҳаёти ҳаёт эмас, заҳар-заққумнинг ўзи бўларкан. Сенинг вафотингдан кейин мен ҳам ёлғизлиқда сўппайиб, ўзимни қўярга жой топмай юрган бўлсам ҳам, ҳамдард бўлишни истаб Дилдоранинг ҳузурига бормадим. Унга қанчалар оғир эканини ҳис қиласдим-да.

Кунларнинг бирида уни кўчада учратиб қолдим. Нигоҳлари ғамгин, лекин аввалтидай қаддини кериб виқор билан кетиб бораётир.

Анча вақт ортидан қараб турдим.

Юрагимда яна алланималар ғимирлаётган, унут ҳислар безовта қилаётган бўлса-да, ўзимни қўрмаганга олиб, ичкарига кириб кетдим. Ҳувиллаб ётган хонам деворидаги соатга боқдим. Соат капгиrlари икки томонга тарвақайлалганча тинмай чиқиллайди. “Вақт ҳамма нарсага бурнини сукаверади, охирда ҳаммаси унутилади ва ўзгаради”, деган фикрни хаёлимдан ўтказдим соат милларига тикилиб туриб.

Ҳа, мен вақт ўтишини кутардим.

Шунинг учун ҳам неча замонлардан бўён сарсон бўлган туйғуларим ичимда ғалаён қилаётган бўлса-да, Дилдора билан қўришиб қолганимизда ўзимни вазмин тутардим. Кун келиб ҳаммаси ўзгаришига ишонардим; тўгри, дунёдаги нарсалар тартибини ўзгартириб бўлмайди, аммо инсон ўзгаришга мойил, айниқса, аёл зоти шароитта боғлик ҳолда ўзгаришга, мослашишга мажбур, чунки шароит айнан шуни ғалаб қиласди. Қолаверса, хотиралар ҳар қанча жон ўртагувчи бўлмасин, аста-секин хира тортади. Фақат бу дарҳол юз бермайди.

Шу боис хонам деворидаги соатта бот-бот тикилганча пайт пойлардим.

Кўп ўтмай унга совчи келаётганини эшитдим. Күёвликка номзодлардан бири ҳатто мендан ўртага тушишни илтимос қиласа де! Тавба, дунёда бева эркак ҳам кўп экан-да!

Ўша куни қандай қилиб унинг ҳузурига борганимни билмай қолдим.

— Бирор ёрдам керак бўлса менга тортинасдан айтаверинг, — дедим ўзимни шунчаки ҳолидан хабар олиш учун келгандай тутиб.

— Хўп, — деди Дилдора, кейин ерга қараганча миқ этмай ўтираверди.

Бир маҳал қарасам, елкалари силкиннати...

Жуда ноқулай аҳволда қолдим. Ахир бунақада одам юраги сиқилиб ўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Хўп, мен борақолай бўлмаса, — дедим аста ўрнимдан қўзғалиб.

Дилдора унсиз бош ирғади.

“У мени ўзига яқин олганида эшигининг турумини бузаетган совчилар ҳақида гапирган бўларди, — деб ўйладим чиқиб кетарканман. — Бундан чиқди, ҳамон менга бефарқ экан-да...”

Бироқ, мантиқан ўйлаганда, совчиларнинг шашти шундай бўлса, у қачондир ким биландир турмуш куришта розилик бериб юбориши турган гап. Мен яна оғизмни очиб қолавераманми бир вақтлардагидай?!?

Юрагимни аламли қизганиш, изтиробли рашқ қамради. Эвоҳ, бу туйғу алазамонлардан бўён юрагимни ўртаб, асабларимни қақшатиб келади. Аммо мен чидашга уринардим. Ва бунинг уддасидан чиқардим ҳам.

Лекин энди бунақаси ярамайди!

Шошилиш керакка ўхшайди.

Чин сўзим, дўстим, сенинг ўлимингда заррача айбим йўқ, бироқ Дилдора сени танлаганидан кейин, унинг ишқида куйиб юрган вақтларим сенга ўлим тилаганим рост. Сен бўлмаганингда Дилдора мени танлашига ишонардим-да.

Тунни бир азобда ўтказдим.

Эрталаб яна унинг ҳузурига йўл олдим.

Эшик олдида эски дўстларимиздан бирини учратиб, юрагим яна ғаш тортди.

— Кўнгил сўрагани кирудим, — деди дўстимиз мен билан қўл бериб кўришганча, сирғалиб ёнимдан ўтиб кетаркан.

Ортидан қараб қолдим.

Қизик!

Остонада Дилдорага дуч келдим.

Нигоҳлари ғамгин, аммо ҳамон виқорли.

Бир вақтлар менга унинг мағрурлиги ёқарди, лекин энди негадир ғашимга тегди.

— Иброҳим кептими? — деб юбордим беихтиёр.

Дилдора бир лаҳзалик сукутдан кейин жавоб берди:

— Ха, эrim ўлганидан бўён мендан ҳол сўровчilar кўпайиб қолди!

Кейин жилмайди.

Киноя ва виқор билан жилмайди.

Тушундим.

Бирдан таъбим хирадиги олов теккан шамдай эриб кетди. Нима бўлганда ҳам йильт этган табассум унинг қайгули юзини бир лаҳзага бўлса-да ёритиб ўтганидан енгил тортдим.

— Буни қаранг, — дедим бир оздан кейин хижолатта тушиб, — мен ҳам сиздан ҳол сўрагани келаётувдим. Ишга кетиш олдидан.

— Мендан хавотир олаверманг, аҳволим яхши, — деди Дилдора киноясиз оҳангда, аммо ўзига ишонган ҳолда. — Қолаверса, ўғлим бор, бутунлай ёлғиз эмасман.

Шу гапдан сўнг индамай кетсам бўларди, лекин чидаш туролмадим.

— Хавотир олмай бўларканми? Эшитишмча, кун-кунора совчи келиб турганмиш.

— Эрсиз аёл кўприк бўлади, — деди Дилдора аста.
Кейин бурилиб ичкарига кириб кетди.
Остонада қанча турганимни билмайман.
Ичкаридан Дилдоранинг чуқур хўрсинганини эшитдим. Кейин қадам сасла-
ри: шип-шип, шип-шип...

Бирдан қадам саслари эшитилмай қолди.
Юрагим хавотирли увишганча дераза олдига бориб, ичкарига мўраладим.
Дилдора деворга тақаб қўйилган каравотда ухлаёттан болакайнинг ёнида тиз
чўкканча, унинг юз-кўзларини силярди.

Юрагимни яна аламли қизғаниш, изтиробли рашқ эза бошлади. Хоҳ ишон,
хоҳ ишонма, ўша тобда болакай қўзимга шунчалик ёмон кўринидики, агар у
бўлмаганида Дилдора аллақачон меники бўларди, деган ўй кечди хаёлимдан.
Ана шунда қўзимга дунёдаги энг маъсум аёл бўлиб кўринадиган бу жувоннинг
қалбини бир уринищаёқ забт этган бўлардим.

Томоқ қириб қўйдим.

Дилдора чўчиб бошини бурди.

— Ҳали ҳам шу ердамисиз?

— Ҳа...

Дилдора бир-бир босганча дераза ёнига келди.

Бир неча сония бир-бири мизга тикилиб қолдик. Унинг бутун жозибаси
кўзларида ва бўса учун яратилгандек пуштиранг лабларида эди. Мен ундан кўз
узолмай қолдим. Бир маҳал Дилдоранинг киприклари титрай бошлади.

— Дилдора, биламан, ҳозир сизга осонмас, лекин, бу аҳволда... ўзингизни ол-
дириб қўясиш.

Дилдора кафтларини юзига босди.

— Йиғламанг... Яна йиғласантиз...

— Йиғлаёттаним йўқ... Күёш нури...

— Дилдора, сиз билан очиқчасига гаплашиб олмоқчиман. Агар рози
бўлсангиз...

— Йўқ! — деб бирдан кескин жавоб қилди Дилдора.

— Нега? — дедим оғриниб. Ўша вактда дунё кўзларимга қоронги бўлиб кетди.

— Яхши эмас... Ахир Беҳрўз дўстингиз эди!

— Лекин энди у йўқ, йўқ, тушуняпсизми? Ҳаёт эса давом этади, — дедим
ичкарига бир назар ташлаб қўйиб.

Кутилмаганда Дилдора бутунлай бошқа оҳангда жавоб берди:

— Үғлимга ёмон кўз билан қарамант, илтимос.

Ғалати бўлиб кетдим.

Назаримда, бу аёл хаёлимдан ўтган гапни бемалол ўқий оларди...

Дилдора дераза олдидан узоқлашди.

Ич-ичимдан аллақандай тошқин кўтарилди.

Нима бўпти Беҳрўз дўстим бўлса? Нафси заманини айтганда, Беҳрўз уйлан-
масидан аввал Дилдорани мен яхши кўришимни биларди, лекин у ҳеч нарсадан
истиҳола қилмади-ку! Мен уни деб умримнинг энг қимматли йилларини елга со-
вурриб, тунлари болиш кучиб ўтаяпман. Ҳатто бир мушфик аёлга шафқатсизлик
килишгача етдим! Энди Беҳрўз йўқ... Агар ўғли ҳам бўлмаганда!

— Самандар aka, сиздан буни кутмаган эдим, кетинг, — деган овоз эшитилди
ичкаридан. — Агар яна бир марта шу ҳақда оғиз очсангиз!..

Дилдоранинг сўzlари юрагимни тешиб ўтди.

Нима, севиши менга мумкин эмасми? Нега Дилдора хафа бўлди? Мен одам боласи орзу қилиши ва етишишни исташи мумкин бўлган нарсадан ортиқ бирор нимани тиламаган эдим.

“Энди ўзи чорламаса, остонасига қадам босмайман!” дей аҳд қилдим.

* * *

Бироқ тоқатим икки кунга етди, холос. Учинчи куни эрталаб яна унинг эшиги олдида пайдо бўлдим.

— Самандар ака! — дей қичқириб юборди Дилдора менга кўзи тушган заҳоти.

Нимадир юз берганини англадим. Отилиб ичкарига кирдим.

Каравотда Дилдоранинг ягона овунчоги — сенинг ўғлинг иситмадан алангаи оташ бўлиб ётарди.

“Келганим яхши бўлган экан...”

— Ярим кечаси бирдан иситмаси кўтарилиб кетди, — деди йиглаб Дилдора.

— Шундан бўён алаҳлаб ётиби. Дори кор қилмаяпти.

— Дўхтири чақирдингизми?

— Ҳа, ҳозир келиб кетди.

— Нима деди?

— Шамоллаган бўлса керак, дейди. Мана, укол-дори ёзиб берди...

— Касалхонага олиб бориш керак, менимча, — дедим боланинг аҳволига разм солиб. — Оддий шамоллашга ўхшамаяпти.

Дилдора дарҳол отланди.

Мен болани кўтариб олдим.

Касалхонага бордик.

Афсус...

Бир ҳафтадан кейин касалхонадан Дилдора ёлгиз қайтди. Бола терлама деган дардга чалинган экан. Дўхтирлар сақлаб қола олмади.

— Нега бундай бўлди? Нега?! — дей Дилдора зор-зор қақшаб йиғларди. —

Нега бундай бўлди? Ахир терлама аллақачон йўқолиб кетган экан-ку!

Унга таскин беришдан ожиз эдим.

Аммо нимадир дейиш керак...

— Худонинг хоҳиши шу экан, — дедим секин.

Шунда Дилдора чақмоқ ургандай қалқиб кетди. Кўзлари чақчайиб, корачиқлари отилиб чиққудай бўлиб менга каради.

— Худонинг ишими? Шу — Худонинг ишими? — дей шивирлади у телбаларча. — Йўқ, бу Худонинг ишимас. Худо сизга қараганда инсофлироқ экан! У мендан ўзим истаган нарсаларни дариг тутмади, аммо сиз... умр бўйи мени таъқиб этишдан чарчамадингиз! Сиз уларнинг ўлишини истадингиз! Сиз кўрқинчли одамсиз! Мен сиздан кўрқаман...

Ҳа, у — ҳақ. Мен уни севиб қолганимдан бўён худди жайроннинг изига тушган сайёддек таъқиб этиб келаман. Кўздан қочирмайман сира. Аммо бу айб ёки хато эмасдир?

Чурк этмай хонани тарк этдим.

Жазаваси туттан аёлга гап уқтириб бўлармиди?

Роппа-роса икки ой ундан хабар олмадим.

Қаттиқ ранжитан эдим. Бироқ биламанки, ҳеч нарса, ҳар қандай хафагарчилик унинг қиёфасини кўз олдимдан нари суролмайди.

Тунларни девордаги соат милларига тикилиб ўтказардим: чиқ-чиқ-чиқ...
Бир оқшом күчадан келаёттан шовқин-суронни эшитиб, сарпойчан уйдан
отилиб чиқдим. Чамамда, шовқин Дилдоранинг уйидан келаёттан эди.

Ички сезгим алдамаганига етиб борганимда амин бўлдим.

— Иброҳим деганлари уйига бостириб кирибди, — деди қўшни аёллардан
бири мени ўзига яқин олиб. — Ўзи анчадан бери шу ёқقا зир қатнаб юрувди.
Энди эрсиз аёл бўлганидан кейин ит ҳам, бит ҳам... Тавба, эркакларга ҳам
ҳайронман, битта хотинга мунча пашшахўрда бўлишмас! Иброҳимнинг биппа-
бинойи хотини бор-а!

Қўшни аёлнинг гапини охиригача эшитмадим. Ичкарига кирдим. Ҳаёлимда
Дилдора хун бўлиб йиғлаб ўтиргандай.

Йўқ, у мени бутунлай хотиржам қарши олди.

— Ҳавотир олмант, ҳеч нарса бўлгани йўқ!

Дилдора шундай деди-да, тескари қаради.

Бу унинг мени тинч қўй, дегани эди. Аммо мен жойимдан жилмадим. Дил-
дорадан хафа эдим ҳамон. Аммо айни дамда уни бу ахволда ташлаб қўя олмас-
дим. Ахир унга қанчалар оғир! Остонасига зир қатнаётган эркакларнинг худо
урган бадбашарасини бўлса-да танламаса, ахволи бундан бешбаттар бўлишини
фаҳмалдим, лекин унга буни қандай тушунтираман?

Нима бўлса бўлар, деган фикрда индамай бориб бўш стуллардан бирига
ўтиридим. “Энди бу ердан ҳайдасангиз ҳам кетмайман, Дилдора хоним!”

— Сиз! Ҳали ҳам шу ердамисиз? — деди у бир маҳал ортига ўтирилиб.

— Ҳудди шундай, — дедим атая сурлик билан.

Дилдора афсуслангандай бош чайқади.

— Энди сизни ҳайдаб чиқараман шекилли.

— Қўлингиздан келса, марҳамат! — дедим унинг кўзларига тик боқиб.

Дилдора сесканиб тушди. Безовталик билан ён-верига қараб қўйди. Аммо
тилидан учган сўзлар юрагимга ўқдай қадалди.

— Мендан умидвор бўлманг, Самандар ака. Ҳавотир ҳам олмант. Лозим топ-
ган куним бирортасига турмушга чиқарман.

— Лозим топмасангиз-чи?

— Бошга тушганини кўраверасиз!

— Дилдора! — Ўрнимдан иргиб туриб унинг пойига тиз чўқдим. — Сизни
бахти қиласман. Илтимос...

— Йўқ! — дея сўзимни шарт кесди у. — Фақат сизга эмас!

Бирдан миямга қон тепди.

— Нега?! Нега энди фақат мен эмас?!

Дилдора ўзини четта тортди.

— Сабабини ўзингиз биласиз! Энди кетинг! — деди тескари қараб.

— Кетмайман! Ҳайдасангиз ҳам кетмайман! Етар шунча вақт кутганим... Етар
шунча йил қийналгандарим... Агар билсангиз, ўша Беҳрўз ҳам, бошқалар ҳам
мен чеккан изтиробларнинг лоақал учкунини ҳам...

Шунда Дилдора ялт этиб ўгириди ва бир зум менга тикилиб қолди. Шундок
— жаҳлсиз, хотиржам.

— Уялмасангиз, ихтиёргиз, — деди у кейин.

Иссифим чиқиб кетди.

Дилдора ёнгинамдан ўтиб, ташқарига чиқди.

Ҳилпираёттан этагининг эпкинини хис қилдим.

Тиз чўккан кўйи анча турдим.

Ташқаридан Дилдоранинг ким биландир телефонда гаплашаёттанини эшилдим.

Яна миям қизий бошлади.

Ўрнимдан ирғиб турдиму ташқарига отилдим.

Дилдора айвон устунига суюнганча телефонда гаплашарди.

— Телефонни бер бу ёқقا! — деди бориб қўлидан телефонни тортиб олдим.

Дилдоранинг юзи оқариб кетди.

— Бу нима қилиқ? Нега сенсирайсиз?! — деди у бир оздан кейин овози ўзгариб.

— Бу шундай қилиқки, — дедим сўзларни тишларим орасидан ситиб чиқариб.

— Бундан кейин телефонда ҳам, кўчада ҳам бирор киши билан гаплашмайсиз!

Дилдора қах-қах уриб кулиб юборди. Мендан кўзларини узмай кулди, кулаверди.

У менинг устимдан қулаётган эди.

Коним қайнаб кетди. Йўқ, унга қўл кўтармадим. Уни даст кўтардиму ичка-рига олиб кирдим.

Бечора шошиб қолганидан дод солишга ҳам улгурмади...

* * *

Шу кеча биз эр-хотин бўлдик. Эрталаб мен унга бир оғиз айтмасдан муллани бошлаб келдим.

Дилдора айюҳаннос кўтармади.

У жим бўлиб қолган эди, холос.

Мулла никоҳ ўқиб, тақдиримизни боғлаб кетди. Лекин... қани энди унинг кўзларига тик қарай олсан!..

У ўзини шундай тутардики, беихтиёр ўзимни йўқотиб кўярдим. Назаримда, кечаги воқеадан аввал — орзу-хаёлларимда у менга жуда яқиндай эди. Мана, никоҳ ўқилди, энди бир оиласиз, аммо шундагина у мендан қанчалар йирок эканини хис қилдим. Бундан юрагим кок ёрилиб кетгудай бўларди. Ўзимни ҷалғитиш учун иш билан овунардим. Эркаксиз уйда эркакча ишлар қалашиб қоларкан...

Кунларнинг бирида у менга зимдан тикилиб турганини хис қилдим. Аммо унга қарамадим. Юрагим бетламади.

Кейин тогорани олиб кир ювишга тутинди.

Ҳаммаси сенинг кийимларинг эди.

Дилдора ҳар бир кўйлагингни авайлаб, силаб-силаб, кейин дорга илаёттанини кўрганимда ич-ичимдан жизғанагим чиқиб кетди. Бу нимаси, сенга бўлган муҳаббати ва садоқатининг ялови сифатида кийимларингни намойишкорона ёйиб қўйдими? Бир оздан кейин у раşкимни кўзгаш учун атай қиляпти, деган фикр ачилқ тутун бурқсиётган қалбимга таскин берди.

— Мен... бир ерга ўтиб келаман, — деди у бир маҳал ёнимга келиб.

— Тез қайтасанми? — дедим ишимдан бош кўтармай.

У жавоб бермади.

Жаҳлим чиқди.

Унинг кўчага чиқиши учун рухсат сўраганидан дилхиралигим ёзилгандай бўлган эди, аммо индамагани алам қилди.

Жаҳал қилишга ҳаққим бор, деб ўйладим. Ахир... қўл текканидан кейин аёлга эгалик қилиш ибтидоси бошланади.

Дилдора чиқиб кетди.

Кўлим ишга бормай қолди.

У икки соатлардан кейин қайтиб келди. Кўзлари қизарган...

Унинг ё кўлга, ёки қабристонга, боласининг бошига бориб келганини пайқадим. Балки иккисига ҳам боргандир?

Ичим ачишди. Унга оғир эди. Унинг баҳтиёр бўлиши учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Аммо бу телба ва ўжар хотин буни хис қиласди ёки хис қиласа-да ён бергиси келмасди.

Аламимни ҳам, жаҳдимни ҳам ичга ютдим.

— Чой ичасанми? — деб сўрадим ортидан ичкарига кириб.

Дилдора бош чайқади.

— Юр, шаҳарни айланиб келамиз, — дедим яна.

Дилдора шундай нигоҳ ташладики, беихтиёр нафасим ичимга тушиб кетди. Вакт ўтиши керак, вакт!

Нажот истаб хона ичидан соат қидирдим. Ҳа, мана у. Эвоҳ, девордаги соат миллиари бир-бирининг устига мингашганча тош қотиб турарди! Назаримда, бу ерда соат ва дақиқалар бирлашиб кетган — вакт ўлган эди...

Даҳлизга чиқдим.

Эшик очиқ қолди.

Бир оздан кейин Дилдора қўлларини кўксида чалиштирганча хонада юра бошлади.

Ўйлай кетдим: наҳотки, бу аёл тақдирга тан бера олмаса? Ахир ўлган ўлди, энди ҳеч нарса, қирқ йиллик мотам ҳам, хонанишинлик ҳам ўлган одамни тирилтириб бермайди-ку! Энди унинг хотираларини эрига boglab турган ўғли ҳам йўқ...

Чидағ туролмадим. Ахир бундай яшаш — азоб!

— Нега? Нега бунча ўзингниям, мениям қийнайсан?! — дедим унинг қаршисига чиқиб. — Мен нотўғри иш қилдимми? Айт, нотўғри қилдимми?!

Унга шундай важоҳатда тикилдимки, жоним ҳиқидофимда тургандай.

Дилдора сесканиб ўзини ортга ташлади, кейин негадир бирдан қаҳри қўзиб, яна бир қадам олдинга юрди.

— Ҳа, сиз нотўғри иш қилдингиз! — деди дона-дона қилиб, кўзларимга тиқилганча. — Сиз вазиятдан фойдаландингиз!

— Тўғри ишлар нотўғри вақтларда юз беради, билмасант, билиб кўй! — дедим шартта.

Дилдора ҳам бўш келмади.

— Сизга ўҳшаганлар ҳар қандай қилғилиқни оқлашга асос топади.

Беихтиёр нигоҳларимни олиб қочдим, нима дейишни билмай қолдим.

— Мендан бир оғиз сўрамасдан никоҳ ўқитдингиз, — деди Дилдора. — Энди эр-хотинмиз, нима бўлгандаям. Мендан нималардир талаб қилаётганингизни пайқаб турибман. Майли, хотинлик бурчини бажараман, аммо мендан бошқа ҳеч нарса талаб қила олмайсиз. Бунга ҳаққингиз йўқ!

Дилдора шарт-шарт гапирди-да, жой солишига киришди.

Мен бир лаҳза унинг хатти-харакатларини кузатиб турдим. Кейин индамай ташқарига чиқиб кетдим.

Менга унинг нафратдан қимтилган лаблари керак эмас!

Ховлида узоқ кезиб юрдим.

Дилдоранинг қалбига кириш учун йўл ахтардим. Аммо қанча ўламайин, бу

қалб мен учун тақа-тақ беркдай туюлаверди. Ваҳоланки, беш-олти йил илгари мен бутунлай бошқача ўйлардим. Учрашиб қолганимизда унинг табассум ҳадя қилишлари, астагина қўл сиқиб қўйишлари, ўқиши учун китоб сўрашлари менга пешвоз чиққан муҳаббатнинг ўзгинаси эди. Энди ўйласам, булар шунчаки.... навозишининг оддий кўринишларига ўхшайди. Мен нодон бўлсам... неча замонлардан бўён хаёлан унинг қалб ойнасига назар ташлаб, унда ўзимни кўргандек бўлардим.

“Беҳрўзнинг ўлимидан кейин унинг қалби муҳрланиб қолганми, нима бало? — деган аламли ўй кечди хаёлимдан. — Наҳотки бир одамни унтиши шунчалар қийин бўлса? Ана, у ҳам бедор. Уй ичида бориб-келяпти. Нимани ўйлади бунча? Ахир бунақада жинни бўлиб қолиш хеч гапмас. Наҳотки бу аёлнинг қалбидаги тилсимга йўл топиш менга насиб этмаса?”

Бир-бир босиб деразага яқин келдим.

Парда сурилган, ой нури ичкарига пояндоз бўлиб тўшалган, у ана шу пояндоз устидан кўлларини кўксида чалиштирганча бир неча марта у ёқдан бу ёққа ўтди. Лекин менинг кузатиб турганимни пайқамади. Бу хонадонга кириб келганимдан бўён ҳар кун жони адоқсиз азоб-уқубатга гирифтордай, шу зайл бетоқатланар, бир ерда тинч туролмас эди у.

Юрагим сиқилди.

Бадбин истакларим бир-бир амалга ошиди, энди сен ҳам, ўғлинг ҳам йўқ бу оламда, мана, мен севган, ишқида куйиб адо бўлган аёл қаршимда турибди, аммо... баҳт ҳам йўқ!

Бу азоблар қачон тугаркан? Наҳотки ўла-ўлгунча унинг менга “насиб этган” зальфарон чехрасига тикилиб, ўзимни унинг олдида айбдор санаб ўтсан?

Йўқ, интихосиз нарсанинг ўзи йўқбу дунёда. Ахир бир кун келиб бу қийноқлар тугар. Майли, хозирча шундай бўлаколсин. Кун келиб, юракни сиқувчи ортиқча хунобгарчилик, қайғу, нафрат, янги кунга кулиб қарай олмаслик ҳисси — буларнинг бари-бари умр заволи эканини англаб етади бу аёл ва шундан кейингина ўй-хаёлини фойдасиз дикқатбозлиқдан, кин-адоватдан халос этади, ана шундан кейингина биз тугал баҳтга эришамиз.

Нихоят у ухлаб қолди.

Мен унинг диванга ўтириб бошини орқага ташлаганини, кўзларини юмганини кўриб турардим.

Чирокнинг мисранг ёғдуси унинг ихчам ияги ва бўйнига тушиб турарди. У ютинди шекилли, томоги билинар-билинмас қимиirlади.

Шунда яна бир ҳақиқатни тан олдим: майли, у мени тушунмаса ҳам розиман, майли, мени севмасин, жаҳли чиққанда зарда қилсин, бақирсын-чақирсын, нафратлансин — баҳтли бўлиш учун ўзимнинг, ёлғиз ўзимнинг муҳаббатим етиб ортади, муҳими ҳам шу.

Шу кечада мен кўнглимни тубсиз бир жарлиқдан олиб ўтдим. Энди майдачуда нарсаларга аҳамият бермайман, Дилдора ёнимда бўлса бас, жимгина яшайвераман, деган қарорга келдим.

Бироқ шугина ҳам менга насиб қилмади.

— Ажрашайлик, — деди Дилдора кунларнинг бирида кўзларимга тик қараганча. — Мен бундай яшай олмайман...

— Мен эсам яшайвераман, — дедим бепарво оҳангда.

— Ичингиздаги оловга атала пишади-ку... Яшайверармиш! — деб кесатди Дилдора.

- Сенга шундай туюлаётгандир, — дедим жим турмаслик учун.
- Майнавозчилик қилманг, илтимос, — деди Дилдора бир маҳал ёлворувчи оҳангда. — Нега ўзингизни бунча қийнайсиз? Биламан, бир вақтлар мени севгансиз, лекин мен...
- Бўлди, бас қил, — дедим овозимни кўтариб. Ўзимни ҳарчанд вазмин тутишга уринмайин, негадир ич-ичимдан совуқ ҳовур кўтарила бошлади.
- Бас қилмайман, — деди Дилдора ҳам шартта. — Сизга ғўладай совуқ, хотиннинг нима кераги бор?!
— Ишинг бўлмасин!
— Сизга фарқи йўқми?
- Шу бир оғиз гап косанинг тошиб чиқишига сабаб бўлди.
- Бу билан нима демоқчисан?! — дедим унинг ёқасига ёпишиб. — Нима демоқчисан?! Индамаган сайин ҳаддингдан ошиб кетяпсан жа!
- Ёқамдан қўлингизни олинг, — деди Дилдора паст, аммо қатъий оҳангда.
- Олмайман, керак бўлса ҳозир...
- Қўлингиздан нима келарди?! Деразадан улоқтирасизми? Улоқтириинг! Улоқтириинг, нега қараб турибсиз?! Ёки мени кетиб қолади деб қўрқяпсизми? Кўрқоқ, вах-ҳа-ҳа! Кўрқоқ!
- Билмадим, унинг юзига қандай тарсаки туширдим, ҳали ҳам эслай олмайман.
- Бир марта эмас, қайта-қайта тарсаки туширдим. Ҳар тарсаки тушганда Дилдора орқага қалқиб кетар, мувозанатини тута олмай гандираклар, аммо миқ этмас эди. Кўзим қонга тўлганидан ўзимни бошқара олмас, нималар қилаётганимни билмасдим.
- Улоқтирилган! Сенга шу керакми?! Мана, бўлмаса!
- Уни даст кўтардиму деразадан пастга ташладим.
- Во-ой!.. — деган овоз эштилиди ва бирдан олам сув қуйғандай жимжит бўлиб қолди...

* * *

Кейин ўзимни диванга ташладим.

Орадан бир, икки соат ўтди ҳамки, Дилдорадан дарак бўлмади. Мен унинг ичкарига киришини кутардим.

Бир маҳал юрагим тез-тез ура бошлади.

Ўрнимдан турасолиб, ташқарига югурдим.

Пастда, дераза остида Дилдора ётарди.

— Дилдор... Кўзингни оч, Дилдор...

Аммо у кўзини очмади.

Кўтариб уйга олиб кирдим.

Юзига совуқ сув сепдим, елпидим, ишқилиб, хаёлимга нима келса шуни қилдим, ахир довдираб қолган эдим-да.

Бироқ Дилдора хушига келмади.

Эрталаб дўхтириб чақирдим.

— Комага тушиб қолган шекилли, — деди дўхтириб уни кўздан кечириб бўлгач.

— Касалхонага олиб бориш керак.

— Комага тушиб қолган, дейсизми? — дедим ишонмасдан. — Нега комага тушади?

— Ўзингиз айтдингиз-ку, кечаси деразадан ташлавордим деб! — дея заҳарханда қилди дўхтириб.

— Бўлиши мумкинмас! Ахир деразанинг баландлиги бир метр ҳам чиқмайди...

— Бўлинг тез, машина топинг!

Мен туш кўраётгандай эдим. Мана, ҳозир уйғонаману ҳаммаси тугайди, лекин уйғониш бунчалик қийин... нега уйғонмаяпман?

Дилдорани касалхонанинг аҳволи оғир bemорлар ётадиган бўлимига жойлаштиришди. Шундан кейингина аҳвол жиддийлигини пайқадим.

Мен туш кўрмайтган эдим.

— Уйғон, уйғонақол, илтимос, — дея унинг юзини силардим. — Уйғонақол, илтимос. Майли, сен айтганча бўлсин, мен билан яшашни истамас экансан, майли, ажрапамиз. Faқат уйғонсанг бас!

Кунлар ўта бошлиди.

Нихоят, еттинчи куни у кўзларини очди.

Бир неча сония маъносиз, бақрайган кўзларини менга тикиб турди-да, кейин яна чирт юмди.

Менга шунинг ўзи кифоя эди. Шу кичкина баҳтнинг ўзи кифоя эди.

— Дўхтири, у хушита келди! — дея қичқириб юбордим.

Бир зумда дўхтири ва ҳамширалар уни ўраб олишди.

Мени эса йўлакка чиқариб юборишиди.

“Наҳотки мен ўзимга жуда кўп нарса сўраб юборган бўлсам? — деб ўйлардим йўлакда турганча. — Балки барча кўргуликлар очкўзлигим сабабли юз берган-дир? Ахир мен баҳтга ташна эдим. Мендан бошқа ҳамма баҳтлидай туюларди. Бир аёлни севдим, уни баҳтли қилишни истадим, лекин... Бутун ҳаётим гўдак вақтимда қийнала-қийнала ташлаган дастлабки қадамларимдек серташвиш ўтди. Лекин энди кўряпманки, ўзимни баҳтли ҳис қилишим учун унинг кўзларини очгани кифоя экан...”

— Бу ёққа қаранг, — деди ҳамшира эшикни қия очиб.

Ичкарига кирдим.

— Бу аёл хотинингизми? — деб сўради врач.

— Ҳа... Кўнгилсизлик юз бермасдан олдин шундай эди, лекин энди...

— Гаплашиб кўринг.

Мен каравотта яқин бордим.

— Дилдора...

Шифтга тикилиб ётган Дилдоранинг қораҷиқлари қимиirlади, аммо менга қарамади.

— Дилдора, яхши бўлиб қолдингми?

Дилдора жавоб бермади.

Врач мени яна палатадан чиқариб юборди.

Ҳақиқий фожиадан эртаси куни хабардор бўлдим.

— У хотирасини йўқотган, бутунги кунни буткул унугтан, — деди дўхтири менга.

Етмиш икки томирим зириллаб кетди.

— Нега? Нега хотирасини йўқотади? Арзимаган зарб...

— Сиз учун арзимаган зарб бўлиши мумкин, — деди дўхтири ачитиб. — Хуллас, унга эътиборли бўлинг. Қолганини кейин гаплашамиз.

Дўхтири чиқиб кетди.

Турган еримда Дилдорага разм солдим.

Бу вақтда у ухлаб ётарди. Юзида аллақандай оғриқдан азоб чекаётгандай асабий ифода қотган, мен суйган кўллар мен суйган кўкраклар устида bemажол ётарди.

- Дилдор... — дедим юрак ютиб.
Дилдоранинг киприклири титраб кетди.
Кейин охиста қўзларини очди.
- Сиз?! — деди у аста.
- Ҳа, мен, эрингман, — дедим унинг ёноғидан ўпиш учун эгиларканман.
- Беҳрўз...
- Ток ургандай қалқиб кетдим.
- Нима бўлди? — деб сўради Дилдора.
- Ҳеч нарса... тинчлик...
- Нега унда юзимдан ўпмаяпсиз? Табрикламаяпсиз! Ахир биз ўғил кўрдик!
- Дилдора бошини хиёл қўтариб ёноғини тутди.
Мен уни ўпиб қўйдим.
Лекин жуда фалати тарзда.
- Хурсанд эмасмисиз? — Дилдора қўли билан юзимни силади.
- Хурсандман...
- Бизни қачон уйга олиб кетасиз?
- Қачон истасанг, шунда.
- Ҳозироқ уйга кетайлик. Бу ерда тўё минг йилдан бўён ётгандай жуда сиқилиб кетдим.
Дилдора ўрнидан турди.
- Мен ҳозир... — дедим дўхтири чакиришга тараддувланиб.
- Ие, болам қани?!
- Дилдора олазарак бўлиб ён-верига аланглай бошлади.
Бирдан миям тезлик билан ишлай бошлади.
- Ҳозир, бирпас кутиб тур, — дедим.
Нима қилиш кераклигини чамалаб хонадан чиқдим.
Дўхтири билан гаплашиб, туғруқхонага ташлаб кетилган болалардан бирини фарзандликка олишга қарор қилдим.
- Бир ҳафтадан кейин Дилдора билан болани уйга олиб келдим. Ўзимнинг уйимга. Менинг уйимда, менинг соатим ҳамон чиқиллаб турарди.
- Аммо энди уйимда Самандар бўлиб эмас, Беҳрўз бўлиб яшай бошладим. Бу бир оз мадол келарди, албатта. “Бу вақтинчалик ҳол, ҳадемай хотираси тикланади, — деб ўзимга таскин берардим. — Кейин ҳаммаси яна изга тушиб кетади. Хотираси қайтганидан кейин у нималар бўлганини билади, мендан хафа бўлиши мумкин, лекин энди ташлаб кетмайди, ахир ўртамиизда бола бор!”
- Дилдора болани эмиза бошлади.
Мен ҳайратда эдим.
- Нега сариқ кўйлагингизни киймай қўйдингиз? — деб сўради Дилдора бир куни дабдурустдан.
- Шошиб қолдим.
- Сариқ кўйлак?
- Ҳа, сариқ кўйлак.
- Билмадим... ўзи тополмай юрувдим, шунга ҳайрон бўлиб... сендан сўрамоқчи эдим...
- Мен бола билан андармон бўлиб, жуда чарчаяпман...
- Майли, вақтим бўлганда ўзим топиб оларман бирор бурчақдан.
- Эртаси куни ишдан қайтишда сенинг уйингта кириб, жавондан кийимларингни олдим... Пайпоқларинг ҳам қолмади.

— Қачондан бери ширгуруч ейдиган бўлиб қолдингиз? — деб сўради Диlldora бир кеч овқатланаётганимизда. — Ширгуруч есам, ичим ўтиб қолади, деб юрардингиз-ку! — Диlldora кулиб юборди. Самимий кулди.

Унинг юзи баҳтиёрликдан гул-гул яшнаб турар, кўзлари ўт бўлиб ёнарди.

— Шунаками?.. — дея олдим зўрга. Кейин бирдан жим бўлиб қолдим.

— Мен касалхонадалик вақтимда борига қаноат қилган бўлсангиз керак, бечорагинам...

Диlldora ўрнидан туриб ёнимга келди.

Бармоқлари соchlаримни ўйнай бошлади.

Ё тангри!

— Агар ширгуруч егингиз келган бўлса, яна пишириб бераман, — дея шивирлади у қулогимга, соchlари ёноғимни қитиқлади, атиргул ҳиди димогимга урилди.

Мен адойи тамом бўлдим.

— Йўқ, ширгуруч емайман, ичим ўтиб қолади...

Шундай қилиб, мен сенга эврилдим, дўстим.

Сени “ўзлаштириш” қийин эмасди. Ахир дўстим эдинг, феълингни яхши билардим. Бу ролга шунчалик киришиб кетдимки, оқибатда ўзимдан, ўзлигимдан айрилдим...

Аммо шундан кейин ҳаётим нурга йўғрилди.

Фақат қўрқинчли бир хавотир юрагимни аҳён-аҳёнда тирнаб қўярди. Умр бўйи у фақат ментагина насиб этишини, фақат менинг хоҳиш-иродамга бўйсунишини, бўса учун яралган лаблари мени эҳтиросли бўсаларга кўмиб ташлашини истаб яшаган эдим, мана, орзум амалга ошди, аммо ўзим... оҳанрабо ўзига тортган нинадай бўшлиқ қаърида осилиб қолдим... Майли, ҳар не бўлганда ҳам, энди унинг хотираси ўзига қайтмасин! Жиллақурса, менинг куним биттунча...

Ихлос билан тилаган эканманми, сўнгти тилагим ҳам амалга ошди. Мен Бехрўз бўлиб қабрга кирдим...

Сен эса иккинчи марта ўлдинг.

Эҳтимол, бир қабрга тушганимизнинг сабаби ҳам шудир?.. Ахир биз бир одаммиз!

Гулбаҳор САИДҒАНИ

Ko'nglimni gul bargiga sharb etay...

* * *

Мунгайиб қарайды дараҳтлар,
Шивирлар елларнинг измида.
Кечанинг кўзлари чарақлар —
Тикилар чироқлар изимдан.

Сен юрган йўлларда бедармон
Ҳасратим ётади саргайиб.
Тонг отар ва руҳсиз кетарман
Борлиққа тумандек тарқалиб.

Кетарман, хаёллар қаърида
Биллурий тонглар-ла сирлашиб.
Хазонлар олами ҳақида
Бир ҳазин куй қолар эргашиб...

* * *

Қўй, мени алдама, гуноҳкор юрак,
Менинг ҳисларимни қонга ювасан.
Менга керак ахир, рост сўзинг керак,
Айт, кимни севасан, кимни севасан?

Афсунгар шамолга очаман багир,
Ишқ деган нолани айтади тентак.
Дилгинам ёлғизидир, дилгинам сагир,
Ўзимни овутиб сўйлайман эртак.

Фарҳунда лаҳзалар умримни ютар.
Мен баҳтни тангридан оламан қарзга.
Телба қўшиқларим кимнидир кутар,
Ишқ эса сарсари, ақлдан озган...



ШОИР

Қўллингизда яна андоза,
Юрагимга кўрасиз қўйиб.
О, каттадир менинг юрагим,
Ортигини ташлайсиз ўйиб.



Кичраймайди лекин юрагим,
Чамангизга тўғри келмайди.
Фигонингиз фалакка чиқар:
“Нега энди у эгилмайди?!”

Қўлларимни боғламанг ахир,
Пеш қилмангиз юз минглаб қонун,
Дардларимга арзимас улар,
Арзимайди майдаган очун!

О, дўстларим, нолиманг мендан,
Пешонамда шу битта тақдир —
Менда не айб, менда не гуноҳ
Қолилларга сигмасам, ахир?

* * *

Орзу эди борлигим, армонни ўрганмишам,
Борму анга тоқатим — ҳижронни ўрганмишам.

Барбод бўлур оҳима дунёй дун қасри ҳам,
Ободмен-у, бул замон вайронни ўрганмишам.

Таржимаи ҳолими ёзмоққа на эҳтиёж —
Мажнунмен-у, ҳолима ҳайронни ўрганмишам.

Кўнглимни гул баргига қуш тилида шарҳ этай,
Бергай фириб жонима — инсонни ўрганмишам.

Эй Гулбаҳор, жон ила жонон Ҳабибинг эди,
Ҳижрон туни жонима эҳсонни ўрганмишам.

HAMMA GAP— QANDAY YOZISHDA




*Драматург
Шароф БОШБЕКОВ билан
сұхбат*

— Шароф ақа, үзингизе маылум, драматургиянинг юзага келиши анча қадим замонларга бориб тақалади. Бир өңірде күчінде, очық осмона остидағы амфитеатрларда фаолият күрсатған томоша санъати муттасил ривожланишда бўлди. Антик даерларда Софокл, Эвріпид сингари машхур ижодкорлар тамал тошини қўйган, Карло Гольдони, Шекспир, Мольєр ва бошқа даҳо драматургалар изчил давом эттирган ушбу адабий тур янги анъаналар билан бойиб борди. Кейинчалик Антон Чехов, Бернард Шоу, Южин О'Нил каби наебатдаги авлод вакиллари уни янги ўйналишлар, шакт әз ifодада усууллари билан бойитди.

Бугун драматургиядаги ранг-барангликни кўриб кўз қамашади: авангард театри, абсурд театри, биргина қаҳрамон ижросига асосланған монолог театри... Назаримда, бундай хилма-хилликнинг замирида ўзиға хос қонуният мавжуд. Чунки ҳар бир даернинг драматургия зиминың қўядиган ўзиға яраша талаблари бўлади. Қадимги юнон донишманди Аристу “Драманига ўзи ҳаракат, чунки у ҳаракат қилувчи шахсларни акс эттиради”, деган эди. Демак, өңірде сари театрнинг ўзи ҳам ўзгариб бориши табиий ҳол. Бинобарин, санаб ўтилганлардан бошқа ўтмишда яна юзлаб драматургалар яшаб ижод қилған бўлса-да, тарихда айнан шуларнинг номи қолди. Бу кузатишдан драматурглик ҳам инсон табиатида бўладиган туғма истеъ-дод экан-да, деган холосага келиши мумкинми?

— Қизиқ бир ҳол: ёш шоир бўлиши мумкин, ёш ёзувчи бўлиши мумкин, лекин ёш драматург бўлмайди. Сабаби, ўсмирикда ҳаммамизнинг “шоир” давримиз бўлган, қўшни партада ўтирадиган қизга шеърлар ёзганмиз. Ундан кейин аста-секин “ёзувчилик” даврига ўтилади. Мен, масалан, бўлажак умр йўлдошимга қулоч-қулоч ишқий мактублар ёзганим эсимда. Прозадан нимаси кам? Бироқ дунёда ҳеч ким, ҳеч қачон қўшни партада ўтирадиган қизга пьеса ёзиб узатмаган. Гапнинг индаллоси шуки, ижодкор узоқ йиллар адабиётнинг бирон бир турида фаолият юритиб, нашриёт ва таҳририятларда обдон қофоз чангини ютиб, ҳам бадиий, ҳам ҳаётий тажрибаси ошгандан кейингина драматургияга қўл уради. Унгача ёш ҳам бир жойга бориб қолади. “Ёш драматург бўлмайди” дейишимнинг сабаби шу.

Драматургияга ҳар ким ҳар хил кириб келади. Масалан, Машраб Бобоев талай йиллар театрда адабий эмакдош бўлиб ишлаган. Ҳар бир асар муҳокамасини хатлаштириб бориш (протоколлаштириш) Машраб аканинг бевосита вазифасига кирган. Баённома ёзиш техникаси ҳаммага маълум: аввал сўзга чиқсан одамнинг исм-шарифи, кейин нима дегани ёзилади. Ҳозир қандай билмадим-у, у кезлар асар муҳокамаси жуда қизгин кечиб, охири уруш-жангалга айланиб кетар эди. Ана характерлар, ана сюжет, ана интрига, ана конфликт, пичингу киноялар... Тап-тайёр пъеса! Протокол ёза-ёза драматург бўлғанман, дерди раҳматли Машраб ака.



— Негадир сиз бу саволга ўзгача оҳангда жавоб бердингиз. Агар ҳаммаям Машраб акага ўхшаб протокол ёзиб драматург бўлиб кетаверганида, ҳозир бу борада муаммо бўлмасди...

Театр ижодкорлари луғатида “анишлаг” деган ёқимли ибора бор. Кассаларда чипта талаш бўлиб, томошабин ёпиршиб кирадиган, йиллаб саҳнадан тушмай ўйналадиган спектаклларга ана шундай таъриф берилади. Янги пъеса ёзган драматург ҳам, уни саҳнага олиб чиқишига бел боғлаган режиссер ҳам асарнинг аншлаг бўлишини истайди. Лекин амалда бу ҳаммаям насиб этавермайди. Вақтида Сиз ҳам драматург сифатида “анишлаг”нинг мазасини татиб кўргансиз. Сизнинг “Темир хотин” номли “жиддий комедия”нгиз собиқ Иттифоқ даврида бирваракайига ўнлаб театрларда муваффақият билан намойиш этилган.

Ҳозир ҳам театрларимизда аншлаг бўлаётган спектакллар йўқ эмас. Лекин, очиғи, улардан кўнгали тўлмайди кишининг. Аксарияти майдо-чўйда майший мавзуларга бағишиланган, ижтимоий юки енгил. Бир гал “томушабоп” асарлари билан театрларимизни гуркиратиб юрган бир акахонимизнинг янги ижод маҳсулини ўқиб кўрдим. Бўш бир асар. Муаллифа фикрларимни айтдим. Биласизми, у нима деди: “Мен томошабиннинг “қитиғи”ни топиб олганман — унинг диди ва қизиқишларини ҳисобга олиб ёзаман. Кўрасиз, сиз бўш деб айттаётган мана шу пъеса ҳадемай театрда аншлаг бўлади!”. Чиндан ҳам, кўп ўтмай нуғузли театрлардан бирида саҳналаштирилган ана шу комедия роса машҳур бўлиб кетди.

Қизиғи, томошабиннинг тафаккурига хитоб қиласидиган, бадиият талабларига мос, жиддийроқ мавзулардаги саҳна асарлари айтарли муваффақият қозонмаяпти. Улар дарровсина саҳнадан тушиб кетяпти. Бу ҳол кишини ўйлантириб кўяди. Ўтган вақт ичига томошабиннинг диди, савиаси, маънавий эҳтиёжлари шунчалик ўзгариб кетдими ёки жиддий асарлар унинг кўнглига йўл тополмаяптимикан?..

Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, “Темир хотин” ўзбекнинг дардини кўрсатган, ўша даер талабларига мос замонабоп асарлиги билан шуҳрат қозонганимиди ёки азбаройи пухта ёзилган қизиқарли бадиий асар сифатидами?

— Адабиёт тарихидан маълумки, баъзи асарлар муаллифига чексиз шон-шуҳрат, баъзилари эса кулфат олиб келади. Бунга Абдулла Қодирий ижоди яқол мисол бўла олади. “Темир хотин” ҳақида гап борар экан, асар ёзилган даврда қандай ижтимоий-сиёсий муҳит ҳукм сурганига эътибор қилиш лозим. Кўз олдингизга келтиринг, 1988 йил. Шўро империяси жон талвасасида, “ана кетди, мана кетди” бўлиб ётган чоғлар. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Шу ур-ийкит — тўполонда қанақадир драматургнинг қанақадир пъесаси билан кимнинг иши бор дейсиз... Агар сал эртароқ ёки сал кечроқ ёзилганида, асарнинг тақдири бошқача бўлиши турган гап эди. Албатта, “Темир хотин”да менинг ҳам хизматим бордир, аммо даврнинг “хизмати” салмоқлироқ деб ўйлайман.

— Сир эмас, ҳозир драматургларнинг ҳам қалам ортидан дурустгина пул топишига имкон бор. Бу ёқда театрларда томошабоп пъесаларга эҳтиёж катта — би-

рорта қизиқроқ (бу ўринда асарнинг бадиий савиасини назарда туттамаяпман) комедия ёёсангиз, “оёғини ерга тегизмай” саҳнага олиб чиқилади. У ёқда эса сон-саноқсиз киностудиялар кассабол сценарийларга чанқоқ. Хуллас, сал-пал драматургиянинг ҳавосини олган одам мўмайгина пул, улгуржи обрў топиши ҳеч гап эмас. Аллақачон ана шундай “чаққон драматург”лар тоифаси ҳам шаклланиб улгурди. Оқибатда театрлар репертуарининг “тоши енгиплашиб”, киноларнинг савиаси тушиб кетяпти. Сизнингча, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

— Театрларимиз репертуарининг майдалашиб, бачканалашиб кетаётгани — “айсбергнинг уни” холос. Ҳамма бало шундаки, театрда “Бу пъесани ким қабул қилди?” деган савол берилганда, “мен” деб бир қадам олдинга чиқадиган мард йўқ. Театрни битта одам бошқариши керак. Ўшанда мафкурани назорат қиласидиган раҳбар ташкилотларга ҳам қулай бўлади. Ҳаммаси учун жавоб берадиган “мард” аниқ-да. Собик Иттифоқ даврида шундай театрлар бўлган, мутахассислар орасида, театрнинг ўз номи бўлсада, ана ўша “мард”ларнинг исм-шарифи билан аталган: “Товстаногов театри”, “Марк Захаров театри”, “Любимов театри” ва ҳоказо. Бутун жамоа битта одамга бўйсунади ва театрда нимаики содир бўлса, ўша одам жавоб беради. Театрнинг қандай бўлиши ўша “мард”нинг ижодий салоҳияти, дунёқараши, диidi, хуллас, қандай шахс эканига боғлиқ. Театр чатоқ ахволга тушиб қолдими, дарров ўша “мард”ни янгисига алмаштириш керак. Бизда-чи? Учи-қуириғи йўқ, ҳеч ким ҳеч нимага жавоб бермайди. Чунки шўролардан мерос қолган “худсовет” деган бедаво нарса бор. Ўзбекчasi “бадиий кенгаш” бўлади. У ерда нимани кенгашади? Ахир, биродарлар, кўплашиб, маслаҳатлашиб тўй қилса бўлади, лекин ижод қилиб бўлмайди! Ўзимиз ҳам болалар ухлагандан кейин, эшик-тешикни бекитиб олиб ёзамиз-ку асарни! Бирор топамизда маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб турмайди-ку! Бадиий кенгаш — “Бу асарни ким қабул қилди?” дейилганда, “Мен эмас, анави” деб бир-бирини бармоғи билан кўрсатадиган жой! Ҳеч ким масъулитни бўйнига олгиси келмайди. Баъзи бадиий кенгаш аъзоларининг ўзлари ҳайъати иғилишларини “маслаҳат оши” дейишида маълум маънно бўлса не ажаб...

Авиацияда конструкторлар кўп бўлади: биттаси самолётнинг шассисига жавобгар, биттаси моторига, яна бири салонига, бошқаси электроника тизимига ва ҳоказо. Лекин ҳаммаси битта Бош конструкторга бўйсунади. Айтгани — айтган, дегани — деган. Юқори ташкилотларга ҳам у жавоб беради. Кўряпсизми, ҳаммасини битта одам ҳал қиляпти. Акс ҳолда самолёт учмайди! Бизнинг театр ва кино деб аталмиш “самолётимиз”да ўша Бош конструктор йўқ. Шунинг учун ҳам “самолётимиз” ерда судралиб юрибди.

Мен гоҳо, “цензура”ни тиклаш керакмикан, деб ўйлаб қоламан. Чунки бугун кунимиз юзлаб, минглаб кичкина “цензорча”ларга қолди. Ҳамма ўзидан кўрқади, амал курсисидан ажраб қолишдан кўрқади. Кўрқоқлик — буюк куч. Уни ҳар қандай талант, ҳар қандай иқтидор ҳам енголмайди. Аслида улар нимадан кўрқишини ўзлари ҳам билмайди. Ҳар эҳтимолга қарши... кўрқишиади. Ҳар қандай ташаббус, ҳар қандай интилиш ўша “цензорча”ларга урилиб, чилпарчин бўляпти. Оқибатда минг йиллардан бери яшаб келаётган, бутун бошли жанрлар — сатира, памфлет, трагедия бугунга келиб драматургиямиздан бутунлай мосуво бўлди. Саҳна ва экранларимизни бачкана майший комедиялару йиғлоқи мелодрамалар босиб кетди.

Ваҳоланки, цензор бўлиб хизмат қиласидиган одам давлат манбаатини кўзлайдиган, озми-кўпми ижодни тушунадиган киши бўлади. “Анув гап бошқачароқ оҳангда айтилибди”, “Бу сўзни мундай ҳаракат қилатуриб айтиш керак”, деб мижловланиб ўтирумайди: ё “ҳа”, ё “йўқ” — бирйўла асарнинг тақдирини ҳал этиб қўя қолади. Ижодкорларга шуниси қулай.

Иккинчидан, уни соғ ижодий маънода “алдаш” мумкин. Масалан, Чингиз Айтматов “Манқурт ҳақидаги ривоят”и билан даҳшатли совет цензурасига яхшигина чап бергани кўпчиликка маълум. Акс ҳолда, ўша даврда бунақа гапларни айтиб бўлмасди. Цензорлар ҳам одам, истеъдод билан “алдаса”, улар ҳам “алдовга юради”. Ҳатто ўзларининг ҳам “алдангиси” келади. Ҳамма гап — қандай ёзишда.

Хаёлимга гоҳ шундай хаёллар келади-ю, кейин беихтиёр алҳазар дейман. Ҳар нима бўлгандა ҳам, бугун ижодкорнинг куни шу “цензорча”ларга қолибдими, энди уларни четта суриш йўлини қидириш керак.

Мана, Сиз нега мавзулар майдалашиб кетяпти, деб сўраган эдингиз...

— Сиз кино ва театр соҳасида баравар “жавлон ураётган” кам сонли адилардан бирисиз. Қолаверса, вақтида сериалларга ҳам сценарийлар ёзгансиз. Бугун телеканалларда намойиш қилинаётган сериалларга муносабатингиз қандай?

— Бугун телевидениемизни корейс ва турк сериаллари босиб кетди. Гоҳида ўйлаб қоламан, бизнинг сериалларимизни ҳам Корея ё Туркияда кўрсатишгаётганмикан? Акс ҳолда, футбол тили билан айтган-да, “битта дарвозага ўйин” бўлиб қолади-ку. Мустақиллигимизга салкам йигирма йил бўляпти, энди биз ҳам ўз қадримизни билишимиз керак. Савия жиҳатидан, техник имкониятлар жиҳатидан ўзбек сериаллари хориж сериалларидан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. Шавкат Жунайдуллаев, Баҳодир Аҳмедов, Санжар Бобоев, Замира Бегимкулова каби режиссёrlар ишлаган сериаллар чет элларга чиқса ҳам уялтириб кўймайдиган асарлар. Фақат корейс ёки турк киночиларида “цензорча”лар йўқ, ҳаракат доираси кенгроқ.

Яна бир гап. Матбуот ва теледастурларда “миллий кино”, “миллий сериал” деган иборалар ишлатиляпти. Нима, турк киноси ё корейс киноси миллий эмасми? Ҳинд киноси, япон киноси, француз киноси ҳам миллий. Бусиз иложи йўқ. Агар биз бирон соҳада жаҳон миқёсига чиқмоқчи бўлсак, “ўзбек пахтаси”, “ўзбек футболи”, “ўзбек киноси”, “ўзбек сериали”, “ўзбек мармари”, “ўзбек пилласи” деган ибораларни кўп ишлатишмиз керак. Аввало ўзимизга, кейин бутун дунёга “ўзбек” деган сўзниңг қадримматини, унинг кимлигини бор бўй-басти билдириб кўяйлик.

— Ҳозир жамиятимизда замонавий қаҳрамонларга эҳтиёж катта. Ижобий жиҳатлари билан кўпчилликка ибрат бўладиган кишилар ҳақида кўпроқ ёзиш кераклиги ижодкорларга уқтирилалпти. Бу даъватга жавобан ёзилган асарлар ҳам йўқ эмас. Лекин, очиги, уларнинг аксариятидан кўнгил тўлмайди: сунъий, ясама воқеа-ҳодисалар асосига курслган, томошабинни тўлқинлантиrolмайди. Энг ёмони — замонавий қаҳрамон сифатида тақдим этилаётган бу образлар асарнинг бошидаёқ битта қолипга солинган бўлади, ҳар қандай кусур ва камчиликлардан холи, ҳеч қачон адашмайди, хатога ўйл кўймайди. Шу боис бундай асарлар кўзланган натижани бермаялти.

— Ўйлашимча, ижобий қаҳрамон масаласи ёзувчилар олдида турган энг долзарб вазифалардан бири. Болалигимизда Павлик Морозов, ёшлигимизда Павел Корчагин, ўзимизнинг Абдулла Набиевга ўхшаган барчамиз эргашадиган, тушуниб-тушунмай тақлид қиласиган, ўхшашга интиладиган қаҳрамонларимиз бўларди. Ҳозир замон бошқа, давр бошқа. Энди бугунга мос, ёшларга ўрнак бўладиган, ота-оналар ҳавас қилиб чақалоқларига исмими кўядиган қаҳрамонлар керак. Шундай қаҳрамонлар яратиляпти ҳам. Лекин уларни турли ташкилотларда ўтирган “цензорча”лар у ёгини “арралаб”, бу ёгини “рандалаб” сип-силлиқ қилиб кўяяпти.. “Ижобий қаҳрамон бундай бўлмайди”, “Мана шу гапини олиб ташлаш керак”, “Анови хатти-ҳаракат ижобий қаҳрамонга ярашмайди”, “Бу сўздан эҳтиёт бўлиш керак”, деган йўл-йўриқлардан кулоқлар қоматга келади. Оқибатда, ижобий қаҳрамон деган ибора қўштириноқ ичига кириб кетяпти. Бугунги экрандаги ё саҳнадаги “ижобий қаҳрамон” шунақа одобли, шунақа билимдон, шунақа маданиятли, шунақа яхши ва шунақа ширинки... бўғиб ўлдириб кўйгингиз келади! Улар одам эмас, робот ё компьютер! Ёшларимиз шуларга эргашсинми? Шуларга ҳавас қилиснми? Аксарият ҳолларда уларнинг одамлигини “цензорча”лар қайчилаб ташланган бўлади... Муаллифдан сўраб ҳам ўтирамайди.

Келинг, майда-чуйда гаплардан юқори туриб, масалага чуқурроқ кириб борайлик. Қарияларимиз “Алпомишдай ўғил берсинг” деб дуо қилишади. Бу Алпомиш образининг халқимиз шуурига, қон-қонига сингиб кетганидан далолат. “Алпомиш”дан тахминан

беш юз йил кейин Навоий ҳазратларининг “Фарҳод ва Ширин” достони дунёга келди. Фарҳод деганда кишининг кўз ўнгидаги эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, алпкелбат, мард йигит қиёфаси гавдаланади. Навоий ҳаётлигидаёқ бу қаҳрамон халқ дилидан жой олди ва “Фарҳод”, “Ширин” исмли чақалоқлар йифиси оламни тутди. Тахминан беш юз йил ўтиб Абдулла Қодирийнинг Отабек ва Кумуши миллат дилини забт этди. Ана, ижобий қаҳрамон! Эътибор бердингизми, бундай бадиий мўъжиза беш юз йилда бир марта содир бўлаётир. Лекин бизнинг беш юз йил кутишга вақтимиз йўқ. Тўғри, улар даҳо ижодкорлар. Бизнинг даҳоликка даъвомиз йўқ, лекин уларга интилишимиз керак. Ижобий қаҳрамон яратишда алпомишу барчинлар, фарҳоду шириналар, отабегу кумушлар ижодкорларга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

— Бир вақтлар Сизнинг “Эшик қоқкан ким бўлди?” деган пьесалар тўпламингиз чоп этилган, унда кўпчиликнинг эътиборига тушган сара асарларингиз жамланган эди. Ўшандан бери бирорта китоб чиқармадингиз. Кинога мўлжаллаб ёзган адабий сценарийларингизни нега тўплам қилмаяпсиз? Ёки уларни ҳақиқий адабиёт талабларига жавоб бермайди деб ҳисоблайсизми?

Мен бу савонни бекорга бераётганим йўқ. Чунки кейинги чоғларда бадиий савияси ётук пьесалар ва киноқиссалардан иборат тўпламлар жуда кам нашр қилингапти. Аксинча, ҳали на театр ва на кинода бирор нимани қойиллатиб қўйган айрим қаламкашлар аллақандай нашриётларда кетма-кет пьесаю сценарийлар тўпламини чоп этишиби ётиби.

Афсуски, сўнгги кезларда бундай ҳолатлар кўп учраяпти. Бу эса драматургиянинг адабий тур сифатидаги қадри ва мавқеига путур етказяпти. Умуман, бугунги замонавий драматургия истеъододли ижодкорларнинг сусткашлигию истеъододсизларнинг сермаҳсуллигидан бирдай жабр чекаётгана ўхшайди.

— Очиги, китоб чиқаришга унча ҳам ишқибоз эмасман. Пьесаларим саҳналаштирилиб, спектакль бўлса, сценарийларим суратга олинниб, фильм бўлса — менинг “китоб”им шу-да. Сценарий ёки пьеса кичикроқ қиссадай гап. Китоб менга асарларим ҳар жойда сочилиб ётмаслиги учунгина керак. Йигирма беш йилча муқаддам пьесаларим китоб бўлиб чиқсан. Энди навбат — сценарийларга. Китобнинг номи ҳақида кўп ўйладим. Ичидаги бирон сценарийнинг номини қўйсаммикан, деган фикрга ҳам бордим. Унда нашриёт учун ҳам, ўкувчи учун ҳам навбатдаги оддий китобдан фарқи бўлмайди бунинг. Йўқ, дедим ўзимга-ўзим, дунёда китоб деган нарса пайдо бўлгандан бери ҳеч замонда, ҳеч қаерда бунақа ном қўйилган бўлмасин. Пештахтадаги элликта китоб ичida ажralиб турсин! Ўкувчи харид қилишга пули бўлмаса ҳам, ҳечкурса қўлига олиб варақлаб қўрсин! Нихоят, шундай ном топилди! Энг зўр асаримга (албатта, менинг наздимда) сўнгги нуқта қўйганимда ҳам бунақа севинмаганман. “Қабул қилинмаган асарлар”! Бу номдаги китоб дунёнинг яна қай ерида бор? Тўғри, Россиянинг қайсиdir нашриётида чиқсан “Неопубликованные рассказы” деган китобга қўзим тушгани бор. Лекин, у бошқа нарса — “Эълон қилинмаган ҳикоялар”. Бу бошқа — “Қабул қилинмаган асарлар”. Китобнинг бундай номланишига қандай асос бор? Тўпламга киритилган олтига сценарийдан бирортаси “Ўзбеккино”га маъқул келмаган. Нима бўпти, бир ташкилотга ёқмаса, бошқасига маъқул келиши мумкин. Ахир, биз эркин жамият курмоқчимиз!

Саксонинчи йиллардаги “Гулистан” журналини эсланг. Ёзувчи акаларимиз бошқа таҳририятлар бирор сабабга кўра қабул қилинмаган ҳикоя, қиссаларини шу журналга олиб келарди. Тез орада ижодкор зиёлилар орасида журналнинг нуфузи ошиб, катта обрў-эътиборга сазовор бўлиб кетди.

Кимгаки фалон номли китоб чиқаряпман десам, кўзларида ҳайрат аралаш фахрланишини қўраман. Таниш-билишлар орасида “Шароф “Қабул қилинмаган асарлар” номли китоб чиқараётган эмиш” деган гап тарқалиб кетди. Режиссрлар, операторлар, актёрлар, бастакорлар, рассомлар — ҳамма “Қабул қилинмаган асарлар”ни кутяпти. Бироқ, нашриётга бу ном маъқул бўлмади. Тўғриси, китоб чиқаришдан яна бир бор

ҳафсалам совиди. Шундан кейин ўзимга ўзим сўз бердим, бу гал бўлмаса кейинги сафар шу номдаги китобни албатта чиқараман! Худойим соғлиқ бериб турса, ҳали кў-ўп қабул қилинмайдиган нарсалар ёзаман...

— Ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини белгилайдиган хусусиятлари мавжуд. Тил, маданият, урф-одатлар дегандай... Лекин ҳозирги глобаллашув замонида бу борада ҳам баъзи муаммолар пайдо бўляпти. Айниқса, кино, телевидение, интернет, эстрада санъати орқали ҳаётимизга турли хил бегона тушунчалар, зарарли иллатлар кириб келяпти. Уларга қарши курашиш ижодкорларнинг ҳам бурчи саналади. Лекин бугун кино экранларида ва театр саҳналарида азалий қадриятларимиз, бой тарихимиз, ҳалқимизнинг бетакрор миллий маданиятини тўлақонли акс эттирадиган асарлар унчалик кўзга ташланмаяпти...

— Тўғриси, мен энди мустақил бўлдик, киномиз Москванинг қош-қовоғига қарашдан қутулди, энди экранларимизни буюк алломаларимиз — Хоразмий, Фарғоний, Нақшбандий, Бухорий, Зангиота ва бошқалар ҳақидаги фильмлар босиб кетса керак, деб ўйлаган эдим. Билмадим, бу буюк зотлар киномиз мутассаддиларини нимаси билан хафа қилди экан, аразлаган кўринади — улар ҳақида кейинги йигирма йил мобайнинда биронта ҳам кино ишланмади. Яхшиям, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Комил Ёрматов “Навоий”, турғунлик йилларининг авж палласида Шуҳрат Аббосов “Беруний”, Элёр Эшмуҳамедов ибн Сино ҳақидаги “Даҳонинг ўшлиғи”, Латиф Файзиев “Улуғбек юлдузи” фильмларини ишлаб қолган экан — “Ота-бобонг ким?” деб сўраса, мақтаниша яраб турибди...

Яқинда Москва телеканали орқали украин киночилари ишлаган Хоразмий ҳақидаги ўн дақиқалик хужжатли фильмни кўрдим. Кўрдим-у, буюк ватандошимизнинг жаҳон фанига қўшган улкан ҳиссасини эшитиб, кўзимда ёш билан ўзбеклигимдан фаҳрланиб, айни тоқда киночи сифатида ўзбеклигимдан уялиб кетдим...


— Гарчи сиз “хонанишин” ёзувчи бўлсангиз-да, бугун юртимизда ижодкорларга катта эътибор қаратилаётганидан хабарингиз бор. Мана, яқинда Президентимизнинг маҳсус қарори билан Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фонди ташкил этилди. Унинг асосий мақсади ёзувчи-шоирларнинг фаол ижод қилиши учун қулайлик яратиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-куватлашдан иборат. Ана шундай бир шароитда ижодкорнинг масъулияти, мавқеи қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Бундан бир неча йил муқаддам ўзбек киносини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқкан эди. Мана энди “Ижод” фонди ташкил этилиб, ижодкор зиёлиларга барча шароит яратиладиган кунлар ҳам яқинлашиб қолди.

Мен курсандман, аммо “Сен бўлмасанг пишармиди помидорлар, партиям” қабилида ҳамду санолар ўқишига йўғроқман. Бир ҳаётий воқеани айтиб бера қоламан. Отамиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эдилар. Байрамларда, айниқса, Хотира кунларида кўкрагини тўлдириб орден-медаллар тақилган костюмларини кийиб чиқардилар. Бир сафар кўшнимиз ярим ҳазил, ярим чин қилиб “Ўҳ-хў, Бошбек ака, орденларнинг мунча кўп! Битта-яримтасини беринг, биз ҳам тақиб олиб, кеккайиб юрайлик” деганида, отамиз шундай жавоб қилган эканлар: “Э-э, Меливой укам, бу орденни тақиши учун тагида ёниб турадиган оташ юрак бўлиши керак! Бўлмаса, орден жонивор костюмингнинг тугмасидан фарқ қилмай қолади. Сенинг манави ердаги “самовар”инг ўчиб қолган”, деб унинг кўкрагини кўрсатган эканлар.

Санъат ва адабиётни ривожлантириш, ижодкор зиёлиларга қулай шароит яратиш йўлида қатор-қатор фармонлар, қарорлар чиқиб турибди. Энди ҳамма гап ўзимизда қолган. Шундай шаротда ҳам ҳеч нарса қилолмасак, демак “самовар”имиз ўчиб қолган экан-да...

Faafur ШЕРМУҲАММАД сұхbatлашди.



HAYOT SAN'ATKORI

"Қани эди, барча одамларниң
ғам-гүссаси менини бұлса..."

Сирри САҚАТАЙ

Ҳамма халқнинг ўзига хос адабиёти бор. Аммо миллий адабиётни дунё бадиий тафаккури мақомига олиб чиққан миллатлар унча күп эмас. XIX асрга кепиб рус шоир ва адеблари жағон адабиётининг олдинги сафларидан жой әгаллай бошлади. Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Тургенев, Толстой, Достоевский... Буларнинг ҳар бири миллат ва адабиёт деб яшаган издош, сафдош, ҳаммаслак дахолардир. Адабиёт ва санъат ўша даврда хор-зорлықдан дили ғам-гүссага түлиб кетган рус халқы ҳимоясига ярайдиган даражада кучга эга эди. Эркін фикр, ҳақ сўз ифодаси энди вахима туғдирмас, қўркув, риё ижод ахли учун иснонд ҳисобланадиган очиқ кунлар бошланган, ҳақсиз-хуқусиз яшашдан тўйған, бефарқликка кўниккан одамлар қалбига адабиётдан ойдин бир нур оқиб келар эди. Бу дунёга нимага келиб, не мақсадда яшаб, қандай ахволда ўлиб кетаётганини ҳам идрок қўлмай кўйған халойик онгida тубдан янгиланиш кузатиларди.

Рус халқининг ўзини танишини тезлаштирган санъаткорлардан бири Антон Павлович Чехов эди. Айтайлик, Чехов нигоҳида "бутун Россия — қандайдир мумсик, данаса, мешчан одамлар мамлакати" ўлароқ кўринган бўлса, бунинг сира ажабланарли жои йўқ. Ижтимоий, ахлоқий, маданий ва маърифий таназзулга йўлиқан мамлакатининг аҳволини бошқалардан кўра у теранроқ англаган. Унга чин дилдан куйиниб, эл бошига ёғилган бири биридан машъум кулфату ҳасратларга ўзича чора излаган. Юртига, элига муҳаббати — энг аввало, Чеховнинг улар ҳақида ёлғон гапирмагани, бир жумла бўлсин, ёлғон ёзмаганида. Шунинг учун унинг "панжасига панжа урмоқ" ниҳоятда қийин!

Ҳаётга ҳаёт кўзи билан қарагил! Воқеликдан топмаган нарсангни мавхумот дунёсидан ахтарма! Одамни ҳайвондан фарқлашда ҳеч адашма! Ана шунда асл моҳиятга етмоғинг мумкин. Моҳият эса сен ўйлагандан кўра

бөхад чуқур ва мураккаб. Нима бўлмасин, инсонни маънодан маҳрум этма! Атрофинг маънисиз кимсаларга нечоғлиқ тўлиб-тошмасин, етук Шахс орзусини бой берма! Майда одам уруғи учриб кетдими — дахлсиз ҳақиқат қолмайди, ҳамма нарса парчаланади...

Чехов асарларини, хусусан, ҳикояларини ўқиганда, айнан бўлмаса ҳамки, ана шунга яқин ва ўхшаш овозлар барадла эшистилиб туради. Дарвоқе, адабиёт майдонига эндиғина кириб келаётганидаёқ Антоша Чехонте дафъатан "Мен ҳаётни ёзаман!" деган. Сўнгги нафасигача аҳдига содиқ қолган Чехов реализмининг ўзига хослиги ҳам, қандайдир алоҳида куч-кувватга эгалиги ҳам ана шунда.

Антон Павлович Чехов 1860 йил, яనни бундан бир ярим аср муқаддам Таганрог шаҳрида савдогар оиласида дунёга келган. Дастрлаб шу шаҳардаги гимназияда таҳсил олиб, сўнг Москва университетининг тиббиёт факультетини тугаллаган. Ҳаётни билиш, айниқса, қишлоқ одамлари турмушини миридан сиригча ўрганишда врачлик касби унга кўл келган. Факат вужуд хасталиклигигина эмас, қанчадан-қанча маънавий-ахлоқий касалликларга ҳам у адашмай "ташхис" қўйган. Рус адабиёти ўз тарихида бундай сезгир, билағон "табиб — ташхисчи"ни кўрмаган десак, ғалат бўлмас. Чеховнинг илк асарлари "Осколки", "Стрекоза" журналларида босилади. "Мельпомен эртаклари", "Олакуроқ" номли тўпламлари эса унинг истеъодига қизиқишни кучайтириб юборади. Мактубларидан бирида у "Мен узун воқеалар ҳақида қисқа ёзиши биламан", деган эди. "Чиновникнинг ўлими", "Хамелеон", "Үнтер Пришибеев", "Семиз ва ориқ" ва бошқа ўнлаб "чертса жаранглаб турган "кафтдеккина" (А. Қаҳҳор) ҳикояларида Чехов айнан ихчам шаклда қандай ёзиш ва жонли характер яратиш санъатини намойиш эта олган.

Чехов тажрибаларини адабиётдаги янги ҳодиса сифатида таърифлаган адиллар кўп. Улардан ҳеч қайиси Лев Толстой қадар топиб айтолмаган: "Чехов — прозадаги Пушкин". Бошқа бир ўринда у Чеховни на Тургенев, на Достоевский, на ўзига (Толстойга) қиёслаб бўлмаслигини таъкидларкан, "Чехов — ҳақиқий санъаткор: уни бир неча маротаба тақрор ўқиш мумкин", дейди. Чинакам санъатасари шундай бўлади. Кўп ижодкорларнинг ёзгани ҳатто бир бора ўқишига ҳам ярамайди. Нима учун? Ада-

биёт — ёзиш, тинимсиз ёзавериш "дастгоҳи" эмас. Адабиёт — образ орқали кўнгил оламини очиш, руҳни сўзлатиш санъати.

"Нимани кўрсанг, нимани қалбан ҳаққоний ва самимий ҳис қилсанг, шуни ёзиш кепрак, — дейди Чехов. — Мендан гоҳо у ёки бу ҳикоянгизда нима дейишни кўзлагансиз, деб сўрашади. Бунақа саволларга мен жавоб бермайман. Менинг вазифам — ёзиш... Жонли, ҳаётий образлар фикрни шакллантиради, фикр ўзи эса ҳеч вақт образ яратмайди". Чеховнинг ҳар бир асарида фикр образдан туғилади. Образнинг туб асоси эса — ҳаёт ва ҳақиқат.

Анча йиллар муқаддам "Ҳасрат" ҳикоясини ўқиганимда кўнгилга "Одам ҳам шунчалик ноҷор, шу қадар абгор бўладими?" деган савол санчилган эди. Иона Потаповнинг қаҳратон қиши кечасидаги аҳволини ўйласам, ҳозир ҳам ғалати бўлиб кетаман. Ҳасратингни айтсанг-у, эшитивчи топилмаса, ғам-ғусса ё мусибатингни атроф-муҳитдагилар бир чақага ҳам арзитмаса — қанақа жамият бўлди бу? Иона Потапов деганимиз яккаю ягона ўғлидан ажралган бир извошчи. Бошига тушган кулфатни извошига чиққанларга айтиб, юрагини бўшатмоқчи. Бироқ у шунчалик нодон, маҳдудки, ўғлининг нима касалдан ўлганини ҳам билмайди. Ақпин етгани — "Худонинг хоҳиши-да" демок, вассалом. Боласининг ўлими сабабини билмаганидек, бошқалар уни ҳурмат-эътиборга лойик кўрмаслигига сабаб нима эканини ҳам Иона хаёлига келтиролмайди.

Бошда унга раҳмингиз келади, ғарибу но-тавонлигига ачинасиз. Ҳикоядаги воқеа ва муносабатларни мушоҳададан ўтказа бошлагач, фикр қандайдир тескарига қараб оғишини сезасиз. Дарҳақиқат, кимга нима гап айтишни ҳам билмайдиган, дуч келганга дардини дастурхон қилиб, мазахга ҳам, устидан кулишларга ҳам "ҳи-ҳи" деяверадиган кимсанинг ўзи ким? Унинг аҳволига нега ачиниш керак? Шу саволлар устидан бошқотиракансиз, Ионанинг турори, орномуси, қадр-қиймати аллақачон лаҳадга тиқилгани, ўғил вафоти бунга бир "эслатма" лигига амин бўласиз. Иона — ношуд, ноҷор, ташландик, Иона — бадбахт, кулфатзода... Буларнинг бари тўғри. Лекин унинг ботинидаги одамлик жавҳари қани? Одам сифатида у сунядиган маъни қаёнда?

Извошлида булар йўқ, эҳтимол азалдан бўлмагани учун ҳам у шу ҳолга тушгандир.

Аҳволини англаб, ўзига ўзи ёрдам беролмайдиган тирик маҳлуққа шафқат қўлини чўздинг нима-ю, чўзмадинг нима — барibir у камситилиш, эзилишга маҳкум. Адиб дилини тилкапора қилган исмисиз ҳасрат — ана шу! Ҳикоя тагқатламида қанчадан-қанча ионаларнинг тақдири, фожиаси яшириниб ётганига шу боис ҳам шубҳа қилмайсиз. Бундай асар ёзиш нақадар қийинлигини ўйлаб, “Ха, бу — Чеховда...” дейсиз.

Август оқшомларидан бири. Ҳаво салқин. Ҳаммаёк зах. “Ёшгина дуб дарахти” остида бир ўлик ётиби. Унинг қошида икки мужик “навбатчилик” қиляпти. Бири — мўйлови энди сабза урган ўспирин, иккинчиси — эчкисоқол, ориққина чол. Исли, иши, яшаш шароитини айтмасангиз, бу мужикнинг ҳам ақл-фаросати Ионаникidan фарқланмайди. Тутуриксиз гапсўзларига тоқат қилолмаган ўспирин унга мана бундай дейди: “Миянгни мундог қўзғатиб кўр, Сёма!. Бирон яхши гап эшитсанг, миянсини топишга урин, миянга жойлаб ол, қайтакайта ўйлаб кўр... Мабодо тушумасанг, мияни ишлатиб, бosh қотириб астойдил уринсанг — топасан, гапнинг мағзини чақасан... Ақл деган нарсани ўзингки ҳаракат қилиб топмасанг, дунёдан бенишон, шу тентаклигингча ўтиб кетасан...”

Ҳикоянинг номи — “Жонсиз тана”. Лекин ўкувчини “жонли тана”, яъни Сёманинг мархумдан нима фарқи бор деган савол ўйлатади... Албатта, одам ўз-ўзидан беақллик, гумроҳлик ботқоғига ботмайди. Чехов бунда, хусусан, қашшоқлик ҳодисасига ургу беради.

“Агар муҳтоҷлик, қочиб кутулиб бўлмайдиган даҳшатли қашшоқлик бўлмаса, бу дунёда турмуш нечоғлик гўзал бўларди” (“Мужиклар”). Умуман олганда, бу — ҳақ гап. Ҳаётда хору зорлик, тенгсизлик, ғам-андуҳ аксарият қашшоқликдан юзага келади. Қашшоқлик, камбағаллик ҳукм сурган жойда одам ва одамийликнинг эмас, пулу бойликнинг қадри осмонга кўтарилиб, факиру фуқарога турмуш дўзахга айланади. Аммо ақл-идрок, меҳнатмашаққат билан бу “дўзах”дан қутулиш мумкин. Моддий муҳтоҷликка маънавий ноҷорлик кўшилиб, кейингиси олдингисини эргаштираса ва кучайтираса-чи? Инсон шунчалик тубанлашадики, ҳатто ҳайвон ҳам унинг кунига дод дейди. Ўша кезларда расмиятичлиқ, инсонга беларво муносабатда бўлиш рус ҳалқини қуршаб олган

бадбахтиларнинг бош асосларидан бирига айланган эди. Хусусан, давлат ва ҳокимиёт идораларида хизмат қиласиган амалдорлар худди шу “асос”нинг жонли тамсилчилари эди. Ана шунақа ҳолат, аянчли манзаралардан ҳам адабиёт нигоҳини четга бурмаслиги, қайси бир шаклда бўлмасин, уларга муносабат кўрсатиши лозим. Шунда ҳаққоний битилган мўъжазгина асар ҳам ўкувчи қалбida тубанликка қарши бир дунё таассурот ўйготиши ҳеч гап эмас.

Чехов яратган турли мавқе ва нуфуздаги чиновнику чиновникчалар образи салтанат ва ҳалқ танасига канадай ёпишиш оқибатларини кенг муҳокама қилишга ундейди. Ўша кимсалар дунёқарashi ва дилидаги майдалик, кувлик, бачканаликларни Чехов шу қадар маҳорат билан фош этадики, улардан айримларини одам демоқа ҳам тил айланмайди.

Хукуқизлиқда кун ўтказиб — хукуқизлигини, кулликда яшаб — куллигини, йўқсиллик қаърига тушиб, хору зорлик сабабларини англәйлмаган ҳалқнинг елкасига миниб олиш қийин эмас. Қийини — миллион-миллион одамни тобелик, мазлумлик кўнкимасидан кутқазиш. Чунки бу машъум ҳолат инсон ботинида томир отади. Шунинг учун зоҳирий душманлик ва зулмга нисбатан инсоннинг ўзи ўзига раво кўрадиган (албатта файришурий тарзда) нодонлик ва мутелик минг бора ҳавфлироқ. Одам боласи ўзни билишга интилмаса, тамом — ўқиш дейсизми, фикрлаш ё меҳнат қилиш дейсизми, ҳаммаҳаммаси ўткинчи майлларга таянади, холос. Бундай ҳолатда инсондан ҳар нимани талаб қилиш мумкинди, ёлғиз бир нарса — маънода сиббитники кутиб бўлмайди. Бағоят мураккаб, зиддиятли шу ҳақиқат Чеховнинг кўпгина ҳикояларида бадий талқин қилинган. Шулардан бири — “Қайлик”. Ҳикоя бош қаҳрамони Надя — ёзувчи орзуидаги образ.

Ёшликтининг орзу-истаклари ўзгача бўлади. Надя ҳам ўн олти ўшида эрга тегишини “зўр эҳтирос билан орзу қилиб”, йигирма уч ўшида олий маълумотли филолог, аммо бекорчи Андрей Андреич деган бир гапдон йигитга унаштирилади. Қиз ва йигит бир-бирига ёқсан, албатта. Аҳду паймон қилиниб, тўй муддати ҳам белгиланади. Надя куттган хотиржамлик, хурсандлик ўрнини ғашлик, маҳзунлик эгаллай бошлайди. Негаки, бу хаёлпараст қиз сира ўзгармайдигандек туюлган якранг ҳаёт, атрофдаги одамлар тўғрисида, ўзи билиб-

билмай, мустақил фикрлашга киришган. Түй яқынлаганда Москвадан мәхмөнликка келганд Александр Тимофеевич, "содда қилиб айтганда Саша" деган йигит билан бўлган мулоқотлар Надянинг кўнглидаги фикр учунларини гўё аллангалатиб юборади. Қиз беихтиёр кўп нарсадан маъно излашга тушади. Қарангки, доим "ўз онасини ажойиб, тенги йўқ аёл деб ўйлаган Надя, энди қанча ўйламасин, унинг содда, оддий ва баҳтсиз бир аёл эканини билмай келганига" ҳайрон қолади. Шунингдек, қайлигининг севги нари турсин, оддий хурматга ҳам арзимаслиги ни англаб етади. Хуллас, эрк, шоду хуррам яшаши имкон берадиган янги бир ҳаёт орзуси билан у шахрини тарк этиб, Петербургга жўнайди. Чехов замонида бундай мушоҳадачи кишиларга жамият телбага қарагандай қараб, жиннинада қочгандай улардан ўзини четта тортган. "Олтинчи палата"даги шўрлик дўхтирир Андрей Ефимичнинг ўзи ҳақидаги этирофларини бир эсланг. "Мен зарарли ишга хизмат қилмоқдаман, — дейди у, — ва ўзим алдаётган одамлардан ойлик олмоқдаман, мен виждонсизман..." Виждоннинг оғзига латта тиқилган жамиятда бундай гап бомба порталишидан ҳам ёмон эшитилади. Ҳолбуки, "виждонсизман" дейиш ўзгага эмас, одамнинг ўзига берилган баҳо. Демак, исён ҳавфи — виждонда...

Чехов ижодининг ўзига хослиги ҳақида сўзланганда, ҳаётдан одамга эмас, балки одамдан воқеликка ўтилганини инобатга олиш лозим. "Ҳаёт нега бундай?" Бу саволга жавоб беришдан олдин адид "Нега одам бундай?" деган саволга жавоб ахтаради. "Нарса — ўзида" дейилганидек, асосий баҳтсизлик, фам-гуссаларни Чехов одамнинг ўзидан, банданинг бандага ўтказган зулмидан қидиради. Инсон ўзи маънан мажрух, зерикарли бўлгач, ҳаёт нечун қувончли кечсин? Инсондаги бемаънилик — турмушдаги барча мусибат, азобу алам ва ҳақисизликларнинг тамали. Зоро, сийрати маъно-моҳиятдан йироқ инсон — ҳайвони нотиқа, яъни сўзлагувчи ҳайвондир. Турли табақага мансуб шунаقا кимсалар аҳвол-руҳиясини тасвирларкан, ёзувчи уларни очик айбламайди, ҳақиқий аҳволни билмасликини, унга молдай кўникиши қоралайди.

Чехов ҳикояларининг маъно-мантигини бир-бирига улаб, яхлит тоявий манзара юзага келтирилса, ижтимоий, сиёсий, маданий, ахлоқий-

маънавий муносабатлари чок-чокидан титилиб, руҳан хасталанган жафокаш Русия "Олтинчи палата"дан фарқланмай қолади. Кимни кузатманг, ё онг, ё хулқ-атвор, ё мафкура, ёки саъй-ҳаракатида бир иллат, бир тубанликин кўрасиз. Зиёли — авомдан, олим — золимдан, диндор амалдорларидан баттар. Ақл-идро разолатга чўкиб, эркин фикр қувғинга учраб, одам ўзлигини бой бергандা жамият қандай бузуқликлар гирдодида қолишини Чехов шафқатсизлик билан тасвирлаганки, бундан норозилик қаҳр, гоҳо дарғазабликка кўтарилади. Чехов эса "ойни этак билан ёпиб бўлмас" лигини ҳар сатрида исботлаб боради.

Жиноятчилар ҳаётидан роман ёзадиган бир ёзувчи полиция изқуваридан "сиз мени муттаҳам ва дайди одамлар маконига олиб боринг", "қотилларнинг бир неча тоифаси билан танишитиринг", "яширинча иш тутадиган фоҳишаҳонага ҳам кириб чиқсан", деб илтимос қолади. Бунга изқувар "жоним билан", "буниси ҳам мумкин", деб жавоб қайтаради. "Шундан кейин ёзувчи ўзини қалбаки пул ясовчилар, ўғрилар, товламачилар, қўшмачилар..." билан учраштиришн сўрайди. Бунга ҳам "хўп бўлади...", "истаганингизча топилади..." деган жавоб олади. "Яна бир илтимос, — дейди ёзувчи. — Мен романимда боягиларга қарама-қарши икки-уч яхши инсон образини бермокчиман. Шунинг учун сиздан ўтиниб сўрайман, менга икки-уч яхши, соф виждонли одамни ҳам кўрсатсангиз..."

Полиция изқуварини, "соф виждонли одам" ибораси сергак тортириб юборади. Нафаси ичига тушиб, бир зум хаёлга берилади ва "ҳм... — деб ғулдираб, — яхши, қидириб кўрамиз!" дейди. Бор гап шу. "Анқонинг уруғи" деб номланган бу лавҳада неча китобнинг мазмуни мужассамлантанини, менимча, ҳар ким ҳам айтиб беролмаса керак. Бундан ташқари, соф виждонли, ростгўй кишиларни қидирув нима натижа берарди — бу ҳам мубҳам. Ростликка, покликка даъвогарлар ҳар қадамда учраган. Аммо...

"Зерикарли воқеа" ҳикоясининг асосий қаҳрамони машхур профессор, баобўрӯ советник Николай Степанович "Менинг олимлик номимда ҳеч қандай доф йўқ... Бу ном — мусаффо ном", деб керипиб юради. Умр шоми ёвуқлашганда профессор ҳеч кутмаган аччиқ ҳақиқат юзага чиқади — билсаки, у бесамар

имлга умрини қурбон этиб, майдалашиб кетган даққи бир кимса экан. Мана, ўзини талантли, меңнатсевар, тарбия кўрган, камтарин, ҳалол деб юрган бир олимнинг ички қиёфаси!

Чехов тип яратишида тенгсиз санъаткорлардан. Асарларидағи "мўминлиги туфайли шахсими йўқотган", "ута кўнгилчанлиги сабабли кучсиз ва характерсиз бўлиб қолган", "майдагап, ожиз бир киши" каби қайд ва таъкидлардан ҳам типик қиёфалар кўзга кўрина бошлади.

"Енгилтак" ҳикоясидаги Ольга Ивановна чиндан ҳам енгилтак, ҳавои. Адид сўзлари билан айтганда, "арзимаган ҳавасга учиб, бутун вужудини ёпишқоқ, ифлос бир нарсага булғаган" догоули хотин. Аммо ён-атрофдагиларда у жозибали, ақлли ва истеъододли аёл ўлароқ таассурот уйғотади. Ашула айтиб, рояль чалиб, расм чизар, ҳайкал ясар экан, бу ишларни Ольгахон болплаб бажаради. Ҳикоя аввалида ёзувчи мафтункор бу жувон "таланти"нинг бир хусусиятини алоҳида таъкидлайди: "Бирон кишининг салдонги чиқса борми, тамом, Ольга Ивановна у билан дарҳол танишарди, бир кундаёқ дўстлашарди ва уйга таклиф қиларди. Ҳар бир янги таниш топган куни унга чинакам байрам эди. У машхур одамларни илоҳийлаштиради, улар билан фахрланар ва уларни ҳар кун кечаси тушида кўриб чиқарди эди".

Машхур кишиларга ошуфталик барча замонларда бўлган. Бироқ шахсий гараз, манфаат юзасидан ўлиб-тирилиб "улуг' киши"га тармани

шиш, "коса кўзанинг лабига" тегар-тегмас эса ундан воз кечишдек юзисизлик ҳеч қачон ўтган асрдагичалик удумга айланмаган бўлса керак. Бора-бора айб ҳам саналмай қолган бу хулий хасталик хусусида фикр юритсангиз, Чеховнинг ҳис-туйғу тадқиқотчиси сифатида қанчалик йироқларни кўра билганига қойил қоласиз.

Характер яратиш дегани нима ўзи? Жўнгина қилиб айтганда, одамда маъно борми, йўқми — аввало, ана шуни топиш. Қолгани ўз-ўзидан ўнгланиб кетаверади. Чунки одам чинакам фикр ҳаётига эришмас экан, икки дунёда ҳам маъно соҳиби бўлолмайди. Чеховнинг ҳикоя, қисса, драмаларидан келиб чиқадиган катта бир хуласа — ана шу! "Чайка"даги ёзувчи Тригориннинг ўзи тўғрисидаги мулоҳазалари ёдингиздами? Аркадининг мақташларига жавобан у "Менинг иродам йўқ..." ҳеч қачон мэнда шахсий ирова бўлган эмас. Бўш, ланж, ҳамиша бўйсунувчи одамман...", дейди. Ёзувчими, олимми, оддий зиёлими — Чехов улардан худди шундай очиқликни талаб қилган. Талаб баробарида ўзи ўрнак ҳам кўрсатган. Адид яшаган замонда ҳаётига макр-ҳийла қўшилмаган, ижодига сохта кўтаринкилик аралашмаган иккита санъаткор бўлса, бири — Чехов. Битта бўлса, у ҳам Чехов.

Қалбининг қайси бир бурчакларида ҳатто Толстойда ҳам улуғлик ҳавоси сезилади. Толстойдек шахсият соҳиби учун бу айб ҳам саналмас. Лекин Чеховнинг табиати барибир



Чехов актёрлар даврасида

бошқача. Унинг шахси ҳаёт тупроғида илдиз отган азамат дараҳт кабидирки, ҳар шохи, бутоғи, ҳар япроғидан ҳаёт товуши, нақадар зерикарли бўлмасин, тириклик садоси эшитилади. Толстой бобо “Чехов — ҳаёт санъаткори” дегандага тўла ҳақдир.

Адабиёт ва санъатга кўнгил боғлаган киши, шак-шубҳасиз, Чеховни яхши кўради. У ўз шахсига эътиборни жалб этмайдиган, яъни имкони етгани қадар “мен”ини яширадиган ёзувчилардан. Шунга қарамасдан, асарларини ўқиб, чуқурроқ англаганингиз сари айнан адаб шахсига қизиқишингиз кучаяди. Бу бетакрор Шахс рус ҳалқи ва адабиётининг бебаҳо бойлигидир.

Она шаҳри Таганрогда камбағалларнинг фарзандлари учун мактаб очиши, касалхона ва мухташам кутубхона қуриб бериши унинг жамиятда чинакам жавонмард бўлганини тасдиқлайдиган далиллардир. Чеховдаги ботиний маданият, тилвадилбирлиги, мушоҳададаги тинниклик, туғма камтарлик ва хокисорлик, уят ва ҳаё ҳиссининг баландлиги — бўларни сабабсаноғига, айтиб адогига етиб бўлмайди. Чехов дунёдан ахтарганини сийратидан топган, аммо топганини бирор бандага сездирмаган. Унинг камсукум, камгап, тортинчоқлиги шундан бўлиши керак. Бошидан кечирган қийинчилик, баҳтсизлик ва омадсизликлар Чеховни сабородами, ҳамма нарсага тик қарай оладиган кучли ирова соҳиби эканини кўрсатади. Чунки у ҳис-туйгуларни бир “марказ”га жамлаш, иродани кемиргувчи майл ва тушунчалар билан ҳеч муроса қилмасликнинг уддасидан чиқа олган. Чеховда манфаатпараст, сердаъво, майда “мен”чаларнинг йўқлиги ва у ўзини тўла-тўқис ижодга багишлай олганининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу.

Бу дунёда ҳар ким ўз йўлини топиши ва шу йўлдан юриши, ҳар бир юрак ўзининг нуридан мунаvvар бўлиши керак — шунда ҳаёт бойийди, кўркамлашади, яшаш роҳатга тўлиб боради. Чеховнинг орзуси ва идеали шу эди. Унингча, одамларни омадли ва омадсизларга ажратиш — инсон табиатига тор ва юзаки қарав бўлиб, инсоний моҳиятни теран тушунишга тўсқинлик қилади. Зоҳирлан иши юришган ва омадли кўрининган кимслар Чехов ҳикояларида мұваффақият, омад “тўн”ларининг четга улоқтирилишини ҳатто сезмайдилар ҳам.

Инсон ички дунёсини ёритишда қанчалик илгариламасин, бадиий ижод, истеъодод, ёзувчилик меҳнати тўғрисида сўзлашни у мутлақо ёқтирумаган. “Мен ёзувчимани? Нимага ёзишим керак? Ижодкорнинг бош вазифаси нимадан иборат?” деган саволлар унга тинчлик бермаган. Унинг адабиётга қараши мутлақо холис, тамасиз бўлган. Шундан у ютган, нима ёёса — чўчимай, бировга ёкиш ёки ёқмаслигини ўйламай ёзган.

“Муноғиқлик, бефаҳамлик, ўзбошимчалик ёлғиз савдогарлар хонадони ва жамоала-рида хукм суроётгани йўқ, — дейди Чехов, — уларни мен илм-фанда, адабиёт ва ёшлар орасида кўриб турибман...”. Булардан кўз юмган жойи борми унинг? Бўлганида, илм ва адабиёт аҳлидан бири уни — динсиз, бошқаси — фоясиз, яна бири истеъододсиз дея таҳқиrlамаган бўларди...

Дунё танқидчилиги ва адабиётшунослигида ишлатилган “изм”-“изм”лар мабодо бир жойга йигилса, адабиёт ҳаётига хавф соладиган баҳайбат бир ўюн пайдо бўлиши ҳеч гап эмас. Тўғри, илм тили, маълум бир маънода, истилоҳ, турғун ибора экани шубҳасиз. Айни чоқда термин билан фикрлаш, қолиплашган куп-куруқ мулҳозаларни илгари суриси адабиёт ёки ўқувчига фойда етказишига ишониш ҳам қийин. Рус файласуфи Л.Шестов “Гўзаллик ҳақида сўзлаш — энг бўлмағур иш: аввало гўзалликни яратиш керак. Ҳанузгача ҳеч бир эстетик назария санъаткор фикртўйғуси қаёққа йўналади ва ижодий фаолиятнинг чегараси қаердалигини аниқ белгилай олгани йўқ”, дейди.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Қийинни — қийин, мураккабни — мураккаб демаса, илм аҳли орасида ҳаёлига келганини вайсайдиганлар кўпайса кўпаядиди, камаймайди. Сўзни, туйгуни ҳис қилмаган олим — гўзаллик ва адабиётнинг ғаними. Ҳис қилиш — ўқиш, ўрганиш билан эришилдиган малака эмас, у ҳам бир истеъодод. Бўлмаса, ўша файласуф, мутафаккир Шестовнинг ўзи Чеховни “Инсоний умид қотили” деб айблармиди?

Рус адаблари орасида ҳаёт чоғларида қаттиқ танқидга учраганлардан бири ҳам Чехов. Скабичевский дегандаган танқидчи ҳатто “Чехов ичкилик ичib-ичib бир деворнинг тагида ўлиб кетади”, дея “башорат” ҳам қилган экан. Қизиги шундаки, танқид ва танқидчилик

дәйилганды Чехов фақат шу гапни эслаган: "Хикояларим ҳақидағи танқидларни йигирма беш ийлдан бүён үқийман, лекин бирор фойдалы йүл-йўрикни эсләймайман, бирор яхши маслачат эшитганим йўқ. Фақат бир вақтлар Скабичевский айтган гап менга таъсир қилган: у мени маст ҳолда девор тагида ўлиб қолади, деган".

Китобхоннинг ўзи тиллони мисдан фарқлай олса-ку, муаммо йўқ — яхши китоб ўқувчини топиб, яроқсизи четга суриласверади. Таассуфки, истеъоддли ижодкор кўп бўлмаганидек, истеъоддли ўқувчи ҳам кам. Адабий танқид кўпинча шу "бўшлиқ"ни забт этиб, ҳақиқий ижодкорни бемалол камситиб, истеъоддосиз ва ўртамиёначиларни кўкларга кўтараверган. Бадиий ижод сир-асоридан бехабар, адабиётни ҳис қилишга ожиз китобхон нима қиласди? Ҳар бир номдор олимнинг мақтовига ҳам, танқидига ҳам лаққа тушади. Лекин ўзини ўзи камситганини, юрак қони билан битилган китобни ҳузур қилиб ўқимаслик фикр ҳаёти учун қандай йўқотиш эканини тушунмасдан, кўркўрана ишонади. Чеховхонлиқда ҳам ўтмишда шундай бўлган. Қанча ўқувчи ўшанда "Чеховнинг пъесалари — бўш жойдаги фожиалар", деган фикрни қабул қилган бўлса, демак, уларнинг ҳаммаси чалғиган. "Олчазор", "Вания тоға", "Чайка", "Уч опа-сингил" — булар ҳозир дунё театрлари нигоҳини ўзига қаратиб турган асарларданadir. Шуни таъкидлаш жоизки, Чехов ижодига совук ва бирёклама муносабат шўро тузуми даврида ҳам, аниқроғи, то Сталин вафотига қадар сезилиб-сезилмай давом этган. Унинг китобларига қизиқиш, меросини илмий тадқиқ қилиш ва нашр этиш ишларида кейинчалик юксалиш бошланиб кетди. Чеховшунослик рус адабиётшунослигининг энг жўшқин тармоғи сифатида эътибор қозонгани адабиёт ва илм аҳлига бугун яхши маълум.

Чехов ва ўзбек адабиёти масаласига келсак, бу алоҳида ва мароқли бир мавзу. Чехов адабий меросини ўқиб-ўзлаштириш, турли жанрлардаги ижод намуналарини таржима қилишда юртимизда кувонарли ишлар амалга оширилган. Ўтган асрнинг қирқинчи йилларидага улуғ адабимиз Абдулла Қаҳҳор "Ҳозир бизда чеховчилик бошланаётир", деган эди. Ушбу ҳаракатнинг бошида Абдулла Қаҳҳор турганидек, кейинрок Чехов "Танланган асарлар"и уч жилдлиги нашрига ҳам унинг ўзи бош-кош

бўлган. Чеховнинг "муборак қўзойнаги"ни тақиб, нигоҳини ўз ҳалқи ўтмишига қаратган ёзувчи ҳам Абдулла Қаҳҳор эди. Ўзбек ижодкорларидан кўпчилигини Чехов асарлари қизиқтиргани шубҳасиз. Лекин гап шундаки, икки-уч ёзувчини истисно демаса, сўнгги қарий ярим аср мобайнида ўзбек қалам аҳлидан ҳеч ким Чехов санъатхонасининг ичкарисига кириб боргани йўқ. Қаҳҳор бошлаган ижодий ташаббус кунт илиа давом этганда эди, кўп ёзувчилар ҳеч бўлмагандан, куч-қувватини "ўтин ёриш"га сарфламас, қандай ёзиш ҳунарини пухта эгалламаса ҳамки, нимани ёзмасликни билиш савиясига кўтарилилар эди. Бу, албатта, шахсий бир фикр...

Чехов шахси ва ижодиёти ҳақида ўйлаганда, бир ривоят эсга келаверади. Эски Хитой подшоларидан бири туш кўриб, эртаси вазирига "Мамлакатдаги ҳамма зўр мусавиirlарга етказинг, менга Ой гардишини кесиб ўтган бир қуш сувратини чизиб берсин. Кўрик ўтказиб, ғолиба мукофот берамиз", дебди. Ҳуқмдор фармойиши бажарилиб, кўрик вақти ҳам белгиланибди. Расмлар саройга йигилгач, шоҳ уларни бирин-бирин назардан ўтказиби. Қарангки, биронтаси ҳамунгага ёқмабди. "Кўрикка қатнашмаган мусаввир қолдими?" деб сўрабди у вазири аъзамдан. Суриштирилса, биргина мусаввир қолган экан. Уни шоҳ ҳузурига олиб келиш буюрилибди. "Нега топшириқни бажармадинг?" дебди шоҳ. "Олампаноҳ, — деган экан ўшанда мусаввир, — сиз айтган манзарани чизишига мен кўп уриндим. Бироқ ҳар қанча жаҳд қилмай, тунда Ой гардишини кесиб ўтадиган қушни аниқ тасаввур этолмадим..." "Менга худди шу гап керак эди. Қолгани ўзимга маълум. Бор, шу йўлингдан оғишма...", дебди шоҳ. Айнан шундай маслак ва эътиқод билан адабиёттага хизмат қилган ёзувчиларнинг пешволаридан бири, ҳеч шубҳасиз, Чехов эди. Чехов санъатига ишонч — ҳақиқий адабиётнинг куч-қуввати ва истиқболига ишонч билан баробар. Ҳозирги вақтда асарлари дунёда энг кўп ўқилаётган санъаткорлар саналганда, Чеховнинг номи ҳам албатта тилга олинади. Овруполик бир адид "Чехов мен билан бир умр мулоқотда бўлади", деган экан.

Бу буюк рус адабининг китобларини бир маротаба мириқиб ўқиган киши, истасинистамасин, "Мен Чеховга яна қайтаман...", демоги муқаррар.

Зиёда ФАФФОРОВА

“...YARATTI
CHUNKI
HAQ AYNI
МИНАВВАТДИН”



Алишер Навоийнинг наът ғазалларини ўрганишга киришишдан олдин шоир шеъриятида Муҳаммад пайғамбар тасвири ҳақида ялпи тасаввурга эга бўлиш зарур. Шунингчун даставвал бу борадаги умумий масалаларга аниқлик киритиб ўтишни маъкул топдик.

Шундай муҳим масалалардан бири — наътларнинг оят ва ҳадислар билан боғлиқлигидир. Чунки Навоийдек буюк исломшунос зот Муҳаммад пайғамбар ҳақидаги талқинларда оят ва ҳадисга суюниши табиий эди.

Маълумки, илоҳий китобларда пайғамбарлар, уларнинг қавмлари, Оллоҳ элчила-рига эргашиб нажот топганлар ёки аксинча, уларга қарши бориб ҳалокатга учраганлар ҳақида кўплаб воқеа-ҳодисалар келтирилди. Шунингдек, илоҳий китобларда хитоб, асосан, расулга қаратилади. Аммо, олимлар ҳисоб-китобига кўра, Қуръони каримда олдинги илоҳий китоблар анъанасидан фарқли ўлароқ, ислом раҳнамоси Муҳаммад алайҳиссалом исмлари фақат тўрт марта (3-сурә, 144-оят; 33-сурә, 40-оят; 47-сурә, 2-оят; 48-сурә, 29-оят) зикр этилган, Аҳмад исми эса бор-йўғи бир маротаба (61-сурә, 6-оят) тилга олинган.

У замонларда араб қабилалари ўртасида ҳар бир кишининг бир неча исми ёки лақаби, куняси ёки тахаллуси бўлиши расм эди. Бу одат кейинроқ ислом оламида ҳам кенг ёйилди. Масалан, Алишер — улуғ ўзбек шоирининг асл исми, Навоий ва Фоний — унинг тахаллуси, Низомиддин эса — куняси бўлган.

Пайғамбаримизни ҳам у зотга ваҳий кела бошлаган давргача ҳалол савдогар бўлгани ва одамлар ҳақига хиёнат қилмагани учун Амин лақаби билан аташган. Шунингдек, Абулқосим (Қосимнинг отаси) лақаби ҳам у зотга араблар урф-одати бўйича қўйилган исмлардан эди. Бу масалада Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуидаги ҳадиси машҳур: “Менинг (илгариги умматлар яхши биладиган) беш исмим бор. Мен Муҳаммад ва Аҳмадман, мен ал-Моҳиман, (яъни) Оллоҳ таоло менинг воситам била куфрни маҳв этар, мен ал-Ҳоширман, яъни (қиёмат куни биринчи бўлиб) оёққа турганимда одамлар менинг қадамларимдан тирилур ва мен ал-Оқибман (яъни пайғамбарларнинг энг сўнгисиман)” (Имом ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. 4 жилдлик, 2-жилд, Т., “Қомуслар бош таҳририяти”. 1997, 469-бет). Қуръони

каримда ҳам Мұхаммад пайғамбар турлы исламдар билан тилга олинган.

Бу зотта саҳобалари ҳәттлиқ өгларидан бевосита исламарини айтib әмас, балки расууллоҳ дея мурожат қылған. Ҳадис ро-вийлари ҳам иснод қысмидан кейин ҳадис мат-нини “Расууллоҳ саллаллоҳу алайхи васал-лам бундай деганлар” ёки “Набий саллаллоҳу алайхи васаллам шундай деб айтгандар” дея бошлады. Бу ислом оламининг ўз расулига бўлган чексиз хурмат-эътибори, меҳрумұхаббати нишонаси эди. Ана шу гўзал анъа-на ҳозиргача сақланиб қолған, адабиётимизда ҳам ўз инъикосини топган.

Расул билан набий сўзи ўзаро ҳар қанча маънодosh бўлса ҳам, орасида нозик маъно фарқланиши мавжуд. Ўзбек тилида асли форсий бўлган пайғамбар сўзи кўпинча умумий маънода унисини ҳам, бунисини ҳам ифодалаб келаверади. Аслида, пайғамбар — кўпроқ расул сўзига яқин. Чунки пайғом — хабар, бар (бурдан феълиниңг бўйруқ майлидаги шакли) — келтириш маъносини англатади.

Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф набий ва расул орасидаги фарқ масаласига аниқлик киритиб, жумладан, бундай ёзади:

“1. Аллоҳ кимга осмондан хабар берса-ю, ўша хабарни бошқаларга етказишни амр қилса, ўша одам набий ва расулдир. Аммо бошқаларга етказишни амр қилмаса, у набийдир, расул әмас.

Хуласа шуки, расул ўзига келган пайғамбарлигини ўзгаларга етказишга амр қилинганд, набий эса бунга амр қилинмаган.

2. Расул умумий бўлиб, фаришталардан ҳам, башардан ҳам бўлаверади. Аллоҳ таоло Қуръонда: “Албатта, у ҳурматли Расулнинг га-пирид” (*Тасвир сураси, 19-оят*) деганда ҳам, Жаброил алайҳиссаломни ирова қылған. “Расулларимиз уларни вафот эттирид” (*Аъроф сураси, 37-оят*) деганда ҳам, фаришталарни ирова қылған.

3. Расул янги шариат билан келади. Набий янги шариат билан келмайди. Балки олдинги шариатга амал қилади ва ўзгаларни ҳам унга амал қилишга чақиради” (*Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Анбиёлар құссаси. 20-жуз. Т., “Шарқ”, 2008, 9-бет*).

Қизиқ бир қиёс келтирайлик. Навоий ғазалларидан Исо Масихнинг исми иккى юздан кўпроқ маротаба зикр этилган. Аммо

Мұхаммад расууллоҳнинг исламлари жуда кам, аниқроги, 2600 та ўзбекча ғазалда факат бир бор, яъни “Бадойиъ ул-васат”нинг 393-ғазалида учрайди, холос. Мана, ўша байт:

Борму ул иккى ўрулгон гесуий анбар

шамим,

Ё этак солмиш Мұхаммадда ёзилған иккى
“мим”.

Шоир қитъаларида ҳам уч марта Мұхаммад номи тилга олинади. Тасавур тўлиқ бўлиши учун шу уч қитъа матнини тўлиқ келтирамиз.

Биринчи қитъа:

Мұхаммадни Тенгри таоло айни муҳаббатдин яратқонға далойил тузмак ва шавоҳид кўргузмак

Мұхаммадни яратти чунки Ҳақ айни
муҳаббатдин,

Киши вазнин мувофиқ, чунки даъвий
этса содиқдур.

Бурунги иккى ҳарфи ҳар бирининг доги
бир келди,

Талаффуз ҳолатида улки собиқ, ўйқса
лоҳиқдур.

Учинчи иккى ҳарфи бирла тўртунчи
ики ҳарфи

Тааммул айлаган маҳраж ҳам, англарким,
мувофиқдур.

Иккинчи қитъа:

Шоҳи Фозий била наввобини анбиё сараф-рози била асҳобиға ташбих қилибдур

Бизинг шоҳ ул сифатким, бори шаҳлардин
эрзур мумтоз,
Эрур нойиблари ҳам буйла, яъни давлат
арбоби.

Ўзи шаҳлар аро хайли нубувеатда
Мұхаммаддек

Ва лекин беклар аниңг оплида пайғамбар
асҳоби.

Учинчи қитъа:

Ҳазрат рисолатнинг мўъжизнамой бар-моғи таърифидаким, қамар шақиیدа яди бай-зо кўргузди

Мұхаммади арабий бармоғи ишорат ила
Сипеҳр хонида Ой курсин ул сифат осон.
Иккى ойирдики, бир нонни нони ичра Хапил,
Анингдек иккى ушатмоқ эмастурур осон.

Мұхаммад пайғамбар исмларининг бун-дай кам зикр этилишини шоир ижодига

айнан Қуръоннинг ўзига хос таъсири деб ҳисоблаш жоиз.

Умуман, Навоийда номни ҳадеб тақрор-лайвермаслик ақидаси бор. Буни "Фаройиб ус-сигар" девонининг 484-ғазалида ёр ҳақида сўзлай туриб айтган:

*Оти ониң ҳар киши оғзига мазкур
йўлмасун, —*

мисрасидан ҳам билиб олса бўлади.

Энг муҳими, Навоий шеъриятида Муҳаммад пайғамбар сиймоси нафакат саҳих дин асосчиси, балки комиллик тимсоли бўлган ҳазрати инсон қиёфасида ҳам гавдаланади.

Суфийлар ақидасига мувофиқ, олам яралишида нури Муҳаммадий ёки ҳақиқати Муҳаммадия асос қилиб олинган. Улар бунга "Аввалу мо халақаллоҳу таоло кона нури" ("Олпоҳ таоло яратган илк нарса — менинг нуримдир" (Муҳаммад бин Исҳоқ бин Муҳаммад бин Юсуф Садриддин Қунавий. *Латойиф ул-аълом фий ишорати аҳл ултимҳом. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўллётмалар хазинаси. 455 рақамли қўллётма, 18-варак) ҳадисини далил қилиб келтиради.*

Тангри таоло барча пайғамбарларга мўъжизалар ато этган. Бунда одамларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилиш мақсади кўзда тутилган. Моҳият нуқтаи назаридан, хотам ул-анбиё ҳисобланмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалар кўрсатиши қайсиdir маънода унинг юксак камолоти ва тенгсиз салоҳиятини намоён этади. Қолаверса, бу зотнинг мартаба ва даҳоси бошқа ўзидан олдин юборилган набилардан тоят баланд туради. "Бошқа пайғамбарларга улкан мўъжиза бўлиб хизмат қилган ҳодисалар Муҳаммад алайҳиссалом учун оддий бир иш эди. Деярли ҳамма пайғамбарларга берилган мўъжизаларга ўхшаш ишлар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётларида ҳам бўлиб ўтган. Бу ҳақдаги хабарлар ҳадис китобларида бор. Лекин бу нарсалар тақрорланавериб, оддий бир ҳолатга айланиб қолганидан катта шовшув қилинмасди" (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. *Нубувват ва рисолат китоби. Т., "Мовоароннахр", 2006, 176-бет*).

Навоий ҳам шеърларида Муҳаммад алайҳиссаломни бошқа пайғамбарлар би-

лан қиёслайди ва унинг нубувват хайлида мислсиз эканини таъкидлайди. Жумладан, гўзал қиёфаси билан машхур бўлган Юсуф пайғамбар ҳақида "Қисас ул-анбиё"да ушбу ҳадис келтирилган: "Одам алайҳиссаломнинг ҳуснини икига бўлдилар: ярмини Юсуф алайҳиссаломга бердилар, қолган ярмини эса олам ҳалқига улашдилар" (Қисас ул-анбиё. Душанбе, "Адаб", 1983, саҳ. 135). Аммо шундай мислсиз гўзаллик соҳиби бўлган Юсуф алайҳиссалом ҳам малоҳатда Муҳаммад алайҳиссаломга тенг келолмайди. Чунки Юсуфнинг гўзаллиги Одам алайҳиссалом жаннатда бўлганида Олпоҳ таоло томонидан берилган ҳусннинг даврлар оша зоҳир бўлган бир кўриниши, холос. Навоий ёзади:

*Юсуф эрмас чун малоҳатда жамолинага
шабих,
Хуснунгга ани малиҳ ўлмагай этсан
ташибих.
Одам асрорининг ижмолини қилди
тағфисл,
Мундин эркинки дөдине: "Ал-валаду сирру
абиҳ".*

"Ал-валаду сирру абиҳ" ҳадисини келтиришдан мақсад — Юсуф алайҳиссалом ҳусни Одам Ато ҳуснининг "тағфисли" эканига ургу бериш. Шу билан бирга, бу ерда дастлаб яралган инсон ҳам моҳиятан ўз отаси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга ўхшаш эканига нозик ишора қилиш ҳам бор. Биринчи байтда Юсуф алайҳиссаломнинг ҳусни малоҳат бобида хотам ул-анбиё жамолига тенглашолмаслиги ҳақида сўз юритилади. Аслида ушбу қиёс ҳам саҳих ҳадис негизида шаклланган. Хабарда келтирилишича, Ойша разияллоҳи анҳо бир куни Расулуллоҳдан "Хусн бобида ким гўзалроқ — Сизми ёки Юсуф алайҳиссалом?" деб сўрайдилар. Пайғамбаримиз бу саволга "Биродарим Юсуф мендан гўзалроқдир, аммо



мен у кишидан малоҳатлироқман. Зероки у кишининг хусни оламга фитна солди, аммо мен барча оламларга раҳмат қилиб юборилганман", деб жавоб берадилар (*Носируддин Бурхонуддин Рабгузий. Қисаси Рабгузий. Биринчи китоб. Т., „Ўзувчи“, 1990, 124-бет*).

Шу маънони Навоий бошқа бир ғазалида қўйидагича назмга соглан:

Эйки Юсуф бирла сўрмишсөн ҳабибим
хуснидин,
Ул сабих ўлди латофат ичра, аммо бу
малих.

Мұхаммад алайҳиссалом "Наҳл" сурасининг 10-, 16-, "Нажм" сурасининг 1-, "Раҳмон" сурасининг 6-, "Торик" сурасининг 3- ва "Қиёмат" сурасининг 4-оятларида "нажм" (юлдуз) сифати билан келтирилган. "Саҳиҳи Бухорий"нинг "Расууллоҳ саллаллоҳу алаиҳи васалламнинг сифатлари хусусида"ги бобида хотам ул-анбиёнинг сиймолари тўғрисида қўйидаги ҳадис мавжуд: "Абу Исҳоқ: "Бародан "Расууллоҳ саллаллоҳи алаиҳи васаллам-нинг юзлари қилич каби (жилвали, порлок) эрдими?" деб сўрашди. Шунда Баро: "Йўқ, балки Оймонанд эрди", деб жавоб бердилар", дейдилар" (*Илом ал-Бухорий. Ал-Жомъ ас-саҳиҳ. 4 жилдлик, 2-жилд, Т., "Қомуслар Бош таҳририяти", 1997, 562-бет*). Навоий наътлар ёзганда шу талқинларга суннади. Қўйидаги байта шоир салаф пайғамбарлар ҳамда хотам ул-анбиёнинг илоҳий саодатга эришувини қиёслашда Ой ва юлдуз таносибидан маҳорат билан фойдаланган. Нужум илмида, киши тоleinинг саъд (омадли) ёки наҳс (тескари) келишини аниқлаш Ойнинг қайси осмон буржиди қарор топганига боғлиқ деб қаралган. Агар бошқа набийлар осмонида баҳт юлдуз каби порлаган бўлса, дейди шоир, хотам ул-анбиё барча пайғамбар ва башарият оламининг баҳт-саодат юлдузи ҳисобланади:

Нубувват авжуда кўп толеъ ўлди ахтари
саъд,
Бури сен Ойдек эмас эрди ахтари масъуд.

Ислом тарихидан маълумки, сўнгги пайғамбарнинг шариатини қабул этмаган Макка мушриклари ундан мўъжиза талаб қиласди. Бунга доир ҳадис бор: "...Шунда ул зот Ойни иккига бўлиб кўрсатдилар, ҳатто, одамлар Ҳироъ тогини Ойнинг икки бўлгаги орасида

кўришди" (*Илом ал-Бухорий. Ал-Жомъ ас-саҳиҳ. 4 жилдлик, 2-жилд, Т., "Қомуслар Бош таҳририяти", 1997, 562-бет*). Ушбу ҳодисани Навоий наът ғазалларида ўзига хос маҳорат билан тасвирлаган.

Исо алайҳиссалом билан Мұхаммад Мустафонинг ўхшаш томонларидан бири — иккалаларига ҳам сўз эъжози насиб этган. Исо алайҳиссалом нафас билан ўликларга жон киргизгани ҳамда дардмандларга шифо бергани тўғрисида кўплаб қисса ва ривоятлар мавжуд. Мұхаммад алайҳиссаломга эса бутун олам асрорини ўзида мужассам этган сўз, яъни Куръони карим берилган. Агар Исо Масихнинг мўъжизаси жисмлар оламига оид бўлса, хотам ул-анбиё мўъжизаси — руҳоният оламига тегишли. Исадан шифо топганлар ёки у туфайли қайта тирилганлар — эртами-кечми, фоний дунёни тарқ этишга маҳкум. Зоро, бу мўъжизавий кўмак ҳақиқий оламга ярамайди, аммо Мұхаммад алайҳиссалом сўзидан баҳраманд бўлган жонлар икки дунё саодатига эришиши муқаррар.

Навоий Исо Масих мўъжизалари тўғрисида ҳам "ҳақиқати Мұхаммадия" таълимотига мувофиқ мулоҳаза юритади. Унинг фикрига кўра, Исо Масихнинг ўликни тирилтирувчи мўъжизаси ҳам Юсуфнинг хусни каби хотам ул-анбиёнинг "нубувват мушкоти"дан баҳраманд бўлгани туфайли юз берган. Бу ақида ўтган асрларда шариат аҳли томонидан уччалик мақбул кўрилмаса ҳам, суфийлар ҳалқаси, айниқса, ваҳдат ул-вужуд назарияси тарафдорлари ичida кенг тарғиб қилинган. Бу масалада Навоий ана шу иккинчи гуруҳ тарафида туради:

Гар тақаллумдин ўлукни тиргузурлар
хўблар,
Борчасига маҳвашим гўё қулур талқин
ҳадис.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, ваҳдат ул-вужуд назариясининг асосчиси Мұхийиддин Ибн ал-Арабий, барча оламлардан олдин вужудга келган Мұхаммад билан ислом шариатини жорий қилган Мұхаммад пайғамбар ўртасида фарқ бор, дейди. Унинг ақидаси бўйича, "ҳақиқати Мұхаммадия" — илоҳий асрорнинг бир из мұайянлашган қўриниши, Мұхаммад эса шу ҳақиқатнинг моддий оламдаги ифодаси, холос (*Бу ҳақда қаранг: Даевлатов О. Ибн ал-Арабий ва унинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси*).

Т., “Фан”, 2007, 68-бет). Аммо Навоий тавсифлаган Мұхаммад қандайдыр мавхұм, умумий түшүнчә эмас, балки:

Курайший асп, Абтахий маҳмил,
Хошимий кеш, Ясриви манзил.

Яңни у етимлиқда ўсіб-улғайиб, бир муддат савдогарлық билан шүғулланған, тиқорат ахлининг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлган, одамийликнинг олий намунаси ҳисобланған энг гўзал фазилатлар соҳиби, Оллоҳнинг сифатлари билан зийнатланған инсон:

Деб лақабин аҳли тажаммул Амин,
Андин ўлуб ҳамдами Руҳул-амин.

Пайғамбаримиздан ривоят қилинадиган ҳар бир ҳадис у кишининг “камол аҳли ичра энг акмали” эканликларига гувоҳлик беради. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Умардан қўйидаги ҳадис ривоят қилинади: “Расууллоҳ с.а.в. ўзлари ҳам шалоқ сўзларни сўзламас, ўзгаларни ҳам шалоқ сўзламогига йўл қўймас эрдилар ва ул зот “Дарҳақиқат, сизларнинг яхшингиз — хулқи яхшингиздур!” деб марҳамат қилар эдилар” (Имом ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. 4 жилдлик, 2-жилд, Т., “Қомуслар Бош таҳририяти”, 1992, 476-бет).

Гўзал ахлоқ соҳиби бўлган Навоийни пайғамбаримиз даҳосининг бу қирраси ҳам мафтун этган, албатта. Жумладан, шоир “Фаройиб ус-сифар”нинг 309-ғазалида бундай ёзади:

Зиҳе азалда қарам айлабон санга Ҳаллоқ,
Карим хилқат ичинда макорими ахлоқ.

Шу ўринда яна бир нарсани қайд қилиш лозимки, ислом дини заминида шаклланған барча таълимотлар (албатта, динни ўзининг ғаразли ниятларини рўёбга чиқариш учун нотўғри талқин қиласидиган айрим бузғунчи тоифалар бундан мустасно) Мұхаммад пайғамбарни камолотнинг тимсоли ва комил инсоннинг юксак намунаси деб эътироф этади. Оллоҳ таоло барча мавжудотдан аввал комил инсон — Мұхаммад Мустафонинг нурини яратган эканми, демак, камолотга интилиш, ҳайвоний иллатлардан покланиб, гўзал хислатлар билан зийнатланиш ва хотам ул-анбиё каби тўғри сўз, эзгу амал ва пок ният билан яшаш ҳар

бир инсоннинг бу дунёдаги энг олий мақсади бўлмоги зарур. Навоийнинг ўз ғазалларида Мұхаммад пайғамбар сиймосини яратишдан кўзлаган бош мақсади ҳам одамларни шундай олий ғоя сари чорлашдан иборатдир.


“Сунани Термизий”да Аббос ибн Абдул-муталлибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни саҳобалар пайғамбарни кутиб ўтиради. У зот чиқиб, саҳобаларга яқинлашганларида улар Иброҳим Халилуллоҳ, Мусо Нажиуллоҳ, Исо Руҳуллоҳ, Одам Сафиуллоҳ каби пайғамбарларни, уларнинг сифатларини эслаетгандарини эшишиб қоладилар. Салом бериб, суҳбатга кўшилган пайғамбар уларнинг сўзларини тасдиқлаб, бундай дейдилар: “Огоҳ бўлингким, мен Оллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни ҳамд байробини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Оллоҳ уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга киргизар. Мен аввалилар ва охиргиларнинг энг мукаррамиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ” (Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Нубуват ва рисолат китоби. Т., “Мовароуннаҳр”, 2006, 17-бет).

Ушбу ҳадис пайғамбаримиз шаънига айтилган ҳадисларнинг холосаси ва қаймоги ҳисобланади. Шундай улуғ пайғамбарнинг уммати бўлган Навоийнинг:

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла
Магар расули алайҳиссалом қилди ҳадис,—
дэйишида ҳам ҳеч қандай ортиқча фахрланиш
йўқ, балки бу ерда айни воқелик акс этган.

Ана шу таҳлиллар ҳам кўрсатадики, Навоий наът ғазаллар ижод қилганда қатъий равища оят ва ҳадисларга суюнган. Бошқача айтганда, шоирнинг пайғамбар с.а.в. таърифидаги ҳеч бир талқини оят ва ҳадисларга заррача бўлсин зид эмас. Аммо оят ва ҳадислардаги Мұхаммад с.а.в. билан боғлиқ фикр ва таърифларга буюк сўз устаси қалами билан ўзига хос бадиий “ли-бос” кийдирилади.

Мұхаммад АЗИЗОВ



PAYG'AMBAR OROLIDAGI OBIDA

Ўзбекистон тарихий обидаларга бой юрт сифатида дунё әтироғига аллақаңын сазовор бўлган. Республика жануби — Сурхондарё вилояти, айниқса, археологик-тарихий ёдгорликларининг кўплиги ва ўзига хослиги билан ажralиб туради. Бу ердаги ана шундай тарихий обидалардан бири пайғамбар Зулл Кифлининг Амударё ўртасидаги оролда жойлашган ва ҳар жиҳатдан ноёб ҳисобланган мақбарасидир.

Пайғамбар оролининг ўзи асли бир мўъжиза. 28 квадрат-километр ҳудудни эгаллаган бу оролда XX асрнинг 30-йилларигача аҳоли яшаган, пахта, ғалла, мева-сабзавот етиширган, чорвачиллик ва халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан шуғулланган.

Орол СССР — Афғонистон чегарасида бўлгани сабабли бу ердаги аҳоли мамлакат ичкарисига кўчирилган. Ҳозир йирик қўриқхона вазифасини ўтаётган оролда "Қизил китоб"га киритилган ўнлаб ноёб жонивор ва паррандалар, ўсимликлар тури мавжуд. Аммо Пайғамбар оролининг дикъатни жалб қилувчи оҳанрабоси — инсон қўли билан яратилган мўъжиза — Зулл Кифл мақбарасидир.

Зулл Кифл номи Куръони каримнинг "Анбиё" сураси 85-ояти ва "Сод" сураси 48-оятида зикр этилган.

"Пайғамбарлар қиссаси" китобида келтирилишича, Зулл Кифлнинг асл исми Бишр бўлиб, у Аюб алайҳиссаломнинг ўғли экан. Унга отаси Аюб алайҳиссаломдан кейин пайғамбарлик юкландган. Зулл Кифл деб номланиши эса Оллоҳга берган аҳдига вафо қилгани учундир. Зулл Кифл — кафолат соҳиби демақдир.

Термиз мавзеси ва унга ёндош ҳудудлар ҳақида тўхталган ат-Табарий, Маҳмуд Гардизий, Ҳофиз Абрў, Абдулкарим Самаъний, Шарафуддин Али Яздий, Фиёсиддин Али Яздий, ибн Баттута, Муҳаммад Амин Бухорийларнинг тарихий асарларида, афуски, Зулл Кифл мақбараси хусусида бирор-бир маълумот йўқ. Фақат XVII асрда Балҳда яшаб ижод қилган ва Термизга ҳам келган Маҳмуд ибн Валининг "Баҳр ул асрор фи манқиб ал аҳёр" (Шавкатли аҳбларга таалуқли сирлар денгизи) асарида бу мақbara ва араб лашкарбошилардан бири Исҳоқ Кундеши-кенning бу ердаги қабри ҳақида маълумот

берилади. Арабларнинг турклардан чиққан бу таниқли лашкарбошиси Термиз яқинида ҳалок бўлган.

Рус олимни академик В.Бартольд фикрича, аввал Зулл Кифл работи ҳозирги Туркманистоннинг Амударё ёқасидаги Келиф шаҳрида бўлган. Кейинроқ у Термиз яқинига кўчирилган. Бу хусусда ҳалқ орасида қуидаги ривоят мавжуд.

Нақл қилинишича, Келифда улуғ бир авлиё яшаган экан. У узоқ умр кўрибди. Куни битганини билиб, ўзини сандиққа солиб, Амударёга оқизишларини буюрибди. Дарёга туширилган сандиқ одамларни ҳайратга солиб оқимга тескари сузуб кетибди. Кишилар қирғок бўйлаб уни кузатиб боришибди. Нихоят, сандиқ Термизга, ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасига яқинлашиб тўхтабди. Ҳалиги авлиё сандиқдан бош кўтариб, мени шу ерга кўминглар, дебди. Бу ерда катта орол пайдо бўлибди ва авлиёни шу ерга дағн этибдилар.

Қизиги шундаки, баъзи пайғамбарлар, саҳоба ва имомларнинг бир неча жойда қабрлари бор. Ҳазрат Али, Абдураҳмон Афв, Хўжа Варроқ Термизий ва жумладан, Зулл Кифл қабрлари хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Масалан, XVI асрда яшаган турк адмирали Сейди Али Раис ўзининг "Миръот ул мамолик" (Мамлакатлар ойнаси) асарида Нажағга бориб, Ҳазрат Али қабрини, Куфага бориб ҳам Ҳазрат Али қабрини, Ҳусайн қальясига бориб эса Зулл Кифл қабрини зиёрат қилганини айтади. Ҳазрати Али қабрининг Мозори Шарифда ҳам, Зулл Кифл қабрининг Пайғамбар оролида ҳам мавжудлиги улуғ кишилар номига кўплаб жойларда мақбара ва қадамжолар барпо қилинганидан далолат беради.

XI-XIII асрларда Пайғамбар оролида Зулл Кифл мақбари, хонақоҳ ва масжид барпо этилган. Академик В.Бартольд бу хусусда тўхталиб: "Зулл Кифл зиёратгоҳи кейинроқ Келифдан Термизга кўчирилган бўлиб, XVIII аср муаллифи унинг Амударё ўртасидаги оролда жойлашганини таъкидлаб: "Пайғамбар Зулл Кифл мозоридан нур таралиб туради, орол шу мозор номидан олиниб, Пайғамбар ороли деб номланган, деб ёзади. Бу маълумотга шуни қўшимча қилиш мумкинки, орол араблар ҳукмронлиги даврида ва ундан кейин ҳам узоқ вақт Жазираи Усмон (Усмон ороли) деб аталган. Чунки араб лашкарбошиси Усмон ибн

Масъуд 15 минг қўшин билан ҳижрий 85 (милодий 707) йил шу оролга келиб жойлашган ва халифаликка бўйсунмай Мовароуннаҳрни мустақил бошқаришга интилган араб лашкарбошиси Мусо ибн Абдуллоҳ ибн Хозимга қарши жанг қилиб уни мағлуб этган.

Зулл Кифл мақбари ат-Термизий мақбара — шимоли-шарқ тарафга қараб курилган. Пештоқли дарвоза орқали кенг хонақоҳа кирилади. Хонақоҳ бир замонлар узоқдан келган зиёратчилар, мақбара шайхлари ва дарвишлар учун кўналға вазифасини ўтаган бўлса ҳам ажаб эмас. Мақбаранинг жануби-шарқида эса бир қанча кичикроқ даҳлиз ви зиёратхона жой олган. Обиданинг жануб томонидаги алоҳида йирик ва баҳаво хонада эса пайғамбарнинг қабри жойлашган. У яхши сақланган, атрофи озода, устига ёпинчиқ ташланган.

Мақбара сифатли қизил-сарғиш гиштларни тутун ва арча усулида териш орқали ўзига хос тарзда безатилган. Шимолий ва жануби-шарқий томонидаги ташқи деворлари уч аркли қилиб барпо этилган, бу Сурхондарёда ўрта асрларда ташқи деворларни безатища кенг тарқалган усулдир.

Мақбаранинг жануби-шарқ томонида, эллиметрлар чамаси нарида ҳали ҳам сақланниб қолган кудук бор, афтидан мақбарадагилар ичимлик сувини шу ердан олган.

Мутахассислар фикрича, мақбара XV-XVI асрларда ва XIX аср бошлиарида таъмиранланган. Назаримизда, бинони қуриш ва таъмирав учун гиштни оролнинг ўзидағи хумдоңларда пиширишган. Бинобарин, кулолчилик, гишт пишириш тараққий этган ўрта асрларда бу масала муаммо эмас эди.

Бугунги кунда Зулл Кифл мақбари давлат чегараси худудида бўлгани ва зиёратчиларнинг дарё орқали бу ерга ўтиш имконияти йўқлиги боис анча қаровсиз аҳволда. Хусусан, унинг олд пештоқ тепаси ва ён тарафидаги кичикроқ даҳлизлар жиддий зарарланган. Гарчи мақбара ичи тоза-озода бўлса-да, бошдан-оёқ таъмирга муҳтож. Зулл Кифл меъморий ёдгорлигини қайта тиклаш, атрофини ободонлаштириш, бу ерга зиёратга келишини орзу қилиб юрган минглаб мусулмон ватандошларимиз ва хорижий меҳмонларга йўл очиш улкан савоб бўларди.



HAZILOMUZ НИКМАТЛАР

* * *

Рұхнинг күчиб ўтиши ҳақидағи таълимотта кўра, Афлотун ҳозир мактаб партасида ўтириб, Афлотунни тушунмагани учун дакки еяётган бўлса ажабмас.

Фридрих Геббель, немис сиёсатчиси

* * *

Болапақир кучукка тош отган эди, ўтай онасига тегди. “Буниси ҳам чакки эмас”, деб кўйди у ўзига ўзи.

Плутарх, қадимги юонон тарихчиси

* * *

Росмана озаман деган одам уч нарса: нонушта, тушлик ва кечки таомдан воз кечса — кифоя...

Фрэнк Ллойд Райт, америкалик меъмор

* * *

Биз ташхис соҳасида шу қадар илгарилаб кетдикки, натижада соғ одамнинг ўзи қолмади.

Берtrand Рассел, инглиз файласуфи ва математиги

* * *

Қалтис вазият юзага келиб қолса, қундузими-кечасими, ўйлаб ўтирамай мени уйғотаверинг — ҳатто вазирлар маҳкамасидаги йигилишпда бўлсан ҳам.

* * *

Тошкотган юракдан баттари фақат суюлган мия бўлиши мумкин.

Теодор Рузвельт, АҚШ президенти

* * *

Файласуфлар ҳаётни ўнглаш ўрнига уни тушунириши афзал кўради. Мана сизга — жоннинг хузурини билиш!

Давид Самойлов, рус шоури

* * *

Ўқитувчи уйга вазифа берар экан, ўқувчига “ўқ узади”-ю, ота-онани “ер типплатади”.

Жорж Сименон, француз ёзувчи

* * *

Америкаликларнинг ҳар учтадан биттаси озишни, ҳар учтадан биттаси — семиришни хоҳлайди, ҳар учтадан биттаси эса ҳали тарозига чиқиб кўрмаган.

Жон Стейнбек, америкалик ёзувчи

* * *

Омадли одамни дарёга ташлаб юборинг-а, қирғоққа оғзида балиқ типлаб чиқади.

Юлиан Түвим, поляк шоури

* * *

Америка демократияси ҳашаматли қасрида эшикбони билан салом-алик қилаётган бойваччани эслатади: “Салом, Том!” (Аслида эшикбоннинг исми Жек). “Болаларинг қалай, Том?” (Аслида эшикбоннинг болалари йўқ). Бироқ шунга қарамай, ҳар икки томон ҳам бундай қуюқ салом-аликдан мамнун.

* * *

Кўп тилни биладиган кишиларнинг аксарият ҳолларда бу тилларнинг бирортасида ҳам айтишга арзигулик гапи бўлмайди.

Питер Устинов, инглиз актёри, режиссёри ва ёзувчи

* * *

Аёллар нега бунча кўп пул сарфлашига ҳайронман, арақ ичмаса, қимор ўйнамаса, бунинг устига... хотини бўлмаса...

Эррол Флинн, америкалик киноактёр

* * *

Одам боласининг тили чиқиши учун икки йил кифоя, тилини тийиши учун эса эллик йил-керак.

Альфред Хичкок, инглиз кинорежиссёри

Мухиддин АБДУЛҒАФФОР тайёrlади.

Yo'Idosh SOLIJONOV mutolaa qiladi

ОҚИЛЛАР СУҲБАТИДАН БАҲРАМАНДЛИК

Умарали НОРМАТОВ. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси (адабий суҳбатлар).
Тошкент, "Мумтоз сўз", 2008.

Бу оламда донишлар суҳбатидан ҳам лаззатлироқ лаҳзалар бўлмаса керак. Зоро, Абдураҳмон Жомий ҳазратлари лутф қилганидек:

Донолар лабидан тўқилур гавҳар,
Ким кўксин хазина қилопса аъло.
Ҳикмат фазнасидир донолар дили,
Ундан узоқ туттма ўзингни асло.

Устоз Умарали Норматовнинг ушбу китобидаги оқиплар суҳбатидан ана шундай лаззатни туйиш мумкин. Ундан ўрин олган суҳбатлар холислиги, илмийлиги, баҳс-мунозара га боилиги билан қимматли. Мунаққид ўттиздан ортиқ адабий суҳбати билан XX аср ўзбек танқидчилигига бу жанр тараққиётига асос солди, дейиш мумкин.

Ўттиздан зиёд адабий суҳбат... Бу ҳазилакам хирмон эмас. Агар "улар жамланса, иккита салмоқли-салмоқли китобга сифмайди" (Д.Қуронов). Бундан ҳам муҳими, ушбу суҳбатларнинг ҳар бири бадиий ижоднинг алоҳида назарий масаласига бағишиланган бўлиб, яхлит олганда, санъаткорнинг бадиий оламидан сабоқ берувчи дарслик вазифасини ўтайди. Чунончи, китобнинг адиллар билан мусоҳабалар фаслидан ўрин олган Аскад Мухтор билан суҳбат бошқа ҳар қандай адаб ҳам нозик ҳис этавермайдиган фоят мураккаб жараён — ижод психологияси масаласига бағишиланган билан ибратли. Негаки, суҳбат ўюштирилган ўн нафар ёзувчи орасида энг тажрибалиси, энг ёши улуғи, энг кўп жанрларда қалам төбратгани, бинобарин, ижод психологиясини бошқалардан кўра терарроқ ҳис қиласидигани ҳам Аскад Мухтордир. Тўғри, суҳбатдош моҳир адаб Саид Аҳмад, саргузаштасарлари билан китобхон меҳрини қозонган Худойберди Тўхтабоев ёки ўзбек насрига лирик туйғулар оҳангини олиб кирган ўткир Ҳошимов

ҳам бўлиши мумкин эди. Лекин улардан фарқли ўлароқ Аскад Мухтор ҳам шоир, ҳам адаб, ҳам драматург, ҳам публицист, ҳам олим ("Ёш дўстларимга" китобини эсланг) сифатида ижод психологиясини янада чуқур тушунар эди. Айни чоқда бошқа адиллар билан суҳбатларда ҳам вақти-вақти билан ижодкорнинг "дахлсиз дунёси" — ижод психологиясига эътибор қаратилладики, бу китоб бежиз шундай номланмаганини кўрсатади.

"Дарслик"нинг муҳим сабоқларидан яна бири суҳбатга тайёргарлик жаёнинидир. Умарали Норматов, аввало, суҳбат мавзузини пухта ўйлаб, адаб ижодида устувор ҳисобланган хусусиятларни ажратиб олади. Ўқувчи суҳбат сарлавҳасига кўз ташлабоқ гап нима ҳақида боришини англаб етади.



Мунаққид сұхбат чөғида ўзига хос "қитмірлік" қобилиятини ишга солади. Яғни ҳар бир адібнинг қалб тубидаги яширин гапларни, ўзи күтган илмий ниятига мос "дард"ни суғириб олишга йўл топади. Буннинг учун гапни узоқдан бошлайди, дафъатан "сиз шунақа адібсиз" ёки "бу ерда шундай демоқчи әзингиз" демайди. Эҳтиёткорлик билан "Шунақа гаплар ҳам бор, сиз нима дейсиз?" ёхуд "Шу масалада сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим" қабилида қармоқ ташлайди. "Хўрак"ка маҳлиё бўлган адіб эса юраги пучмоқларида яширинган дардларини ўртага ташлаб, беихтиёр "илингани"ни сезмай қолади. Натижада сұхбатнинг мавзу кўлами кенгайиб, битта ёзувчининг ижоди доирасидан ташқари чиқади — адабиёт илмининг муҳим муаммоларига бағишиланган икки куюнчак адабиёт ошиғининг бегараз мунозараси тусини олади.



Кўтарилаётган масалага ҳақиқатнинг синчков кўзлари билан қараш истаги деярли барча сұхбатларга хос фазилатdir. Умарали Норматов имкон қадар рост гапни айтишга, ҳечқурса унга йўл очишга интилади ва ёзувчими ҳам шу истагига эш бўлишга мажбур қиласди. Адиллар билан сұхбатларнинг деярли барчаси Шўролар даврида ўтказилгани инобатга олинса, уларда кўтарилиган талай масалалар мунаққиднинг бекиёс жассоратидан гувоҳлик беришига амин бўламиз. Бу жиҳатдан олимнинг Сайд Аҳмад, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров, Эркин Воҳидов билан қилган сұхбатлари алоҳида эътиборга молиқдир. Мазкур сұхбатларда адиллар Умарали Норматов фикрларига қарши кескин муносабат ҳам билдиради, ўша давр адабий танқидчилиги савиаси юзасидан ўз мулҳазаларини дадил айтади. Бундай пайтда мунаққид сұхбатдошига шароит яратиб, адабий танқидчиликдаги камчилликларни тан мардан олади. Сұхбат давомида ёзувчиларни саволларга кўмиб ташламасдан, улардан кўпроқ фикр олишга уринади ва бунга эришади ҳам.

Ҳамкаслар билан сұхбатда эса мунаққиднинг қулфи дили янада очилиб кетади. Эътибор берилса, бу сұхбатлар адабиёт назарияси ва ҳозирги адабий жараён масалаларига бағишиланган. Уларда илгари сурилган қарашлар Умарали Норматовнинг тез суръатлар билан янгиланаётган, жаҳон тамаддуни билан бўйлашаётган бадиий адабиётнинг сирасорини муттасил ўрганаётгани, ундан орқада қолмаслик учун тинмай изланнаётганидан далолат берадики, бу нафақат ёш тадқиқотчилар, балки тенгдош адабиётшунослар учун ҳам ибрат намунасиdir.

Домла адабий жараёнда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиланаётган назарий тамойиллар тўғрисида гапиргандан шу қадар тўлиб-тошиб, ҳис-ҳаяжонга берилиб кетадики, сұхбатдоши уни вақти-вақти билан тўхтатиб, муҳокама этилаётган мавзуу ва муаммо ўзанига солиб туриши лозим. Бу ҳолни тиниб-тинчимас мунаққид, Умарали Норматов ҳозирги адабиётнинг ҳам бадиий, ҳам назарий ривожидан қониқиши ҳосил қилмаётганидан, куюнчаклигидан келиб чиқадиган фазилат деб баҳолаш ўринлидир. Устознинг ушбу фазилатини таъкидлар эканман, ўйланиб қоламан: ахир, адабиёт отлиғ дунё бадиий ижод билан шуғулланнаётган одамгагина эмас, балки шу жараёнга ундан кам бўлмаган вақт, ҳис-ҳаяжон, тафаккур, билим сарфлаётган, шу соҳага чексиз меҳр қўйган мунаққидга ҳам бевосита дахлдор эмасми?

Фарғонада яшаб ижод этаётган Йўлдош Солижонов ҳозирги адабий жараённи сергак кузатиб, холис муносабат билдираётган куйинчак олимларимиздан. Домла аксаран адабий мавзуларда ёзгани боисми, шу вақтгача "Тафаккур"га йўли тушмазан эди. Қолаөверса, ўзимиз ҳам у кишининг ижодини факат четдан кузатиб келардик. Тўғри, бир гал "Сўзбоши" деб аталаган мақоласи эл оғизга тушиганда "Айни "Тафаккур" бол нарса экан-у, бизга олиб қелмаптилар-да", деб ўйлаганимиз бор гап. Ниҳоят, бир кун ташаббус домланинг ўзидан чиқиб, "Жавондаги жаҳоҳир" рукнига мақола кўтариб көлдилар. Дарвоқе, бу битиклар сизнинг қўлингизга бориб ётган вақтда домла ётмиш ёш довонидан ошган бўладилар.

Тахририят



УМР САРҲИСОБИ

Франц КА Ф Ка. Жараён. Роман. Тошкент, "Ўзбекистон Миллий кутубхонаси" нашриёти, 2006.

Модерн адабиётининг воқеликни бошдан охиригача рамзлар тили билан ифода этиш фазилати инобатта олинса, унинг энг яхши намуналаридан бири — "Жараён" романида тасвирланган асосий воқеа ҳам, Замону Макон ҳам, қаҳрамонлар ҳам тўла маънода рамзийдир. Масалан, бош қаҳрамоннинг фақат исми айтилиб, фамилиясининг бош ҳарфи берилиши, йигитнинг 30 ёнда бўлиши — инсоннинг ўзи ва ўзлигини англаш босқичида экани, туғилган кунида хибсга олинниб, бир йилдан сўнг яна айнан шу куни ўлим топиши одамзотнинг бутун умрига худди бир ишорадек. Мана шу бир йиллик Вақт инсон ўз ҳаёт йўлига разм солиши, қаёдан келиб, қаёқка кетаётганини ҳисоб-китоб қилиши учун "ҳадя" этилган гўё. Аммо Кафка акс эттирган бу Вақт ҳаракатдаги эмас, турғун, ҳаракатсиз жараён. Суд ҳукмининг чўзилишини эса инсоннинг ўзини англаб олиши, кечаги кунига назар ташлаб, гуноҳини ювиши учун берилган муддат сифатида қабул қилиш керак. Афсуски, Йозеф К. бундан фойдаланмайди, аксинча, йўл-йўлакай гуноҳ ортитирареди.

Менимча, "Ибодатхонада" деб аталган 9-боб Кафканинг ана шу ғоявий-фалсафий ниятини очишга хизмат қиласди. Иши юришмаган, нияти амалга ошмаган, ҳеч ким кўллаб-қувватламаган Йозеф К.нинг зиёрат учун ибодатхонага бориши осий банда алал-оқибат та-зарру қилиши, Худога қайтишига ишорадек туюлади. Аслида банк ходими сифатида Италиядан келган меҳмонга экспурсоводлик қилиш К.нинг хизмат вазифасига кирмайди. Шу боис директорнинг топшириғига кўра уни ибодатхонага олиб боради-ю, итальян ўйиндан чиқади: асосий мулоқот Йозеф К. билан руҳоний ўртасида ўтади. Мулоқотдан шу нарса аён бўладики, бандаси бу муқаддас даргоҳда "Ўндан" (Яратгувчидан — Й.С.) астойдил ўтниб сўраса, нажот қалъаси дарвозасини очиши мумкин". Руҳонийнинг "Сени айбдор деб ҳисоблашади. Айбинг исботланган", дейишига қарамай, К. бандасига хос ўжарлик билан "Мен бегуноҳман-ку! Умуман, инсонни гуноҳкор қилишнинг боиси нима?" деб, айбини бўйнига олмай тураверади. Начора, оқиз банда ўзини мудом бегуноҳ деб билади. Боши деворга урилганда ёки оғир дард ёпишганда эса "мени қайси гуноҳларим учун жазолаяпсан?" деб шаккоклик қилишдан тоймайди, айбни ўзидан изламайди. Йозеф ҳам шуларнинг бири.

Кафка ушбу бобда дин ва инсон тақдири, дин ва жамият, дин ва сиёsat муносабатларига чукурроқ кириб боради, унга файласуф нигоҳи билан ёндашади ва хулоса чиқаради. Унинг ёзишича, Эшик оғаси қоровуллик қилаётган Қонун қасри ниҳоятда қаттиқ кўриқланади. Унга ҳамма ҳам киритилавермайди, киргандар эса жилвасидан кўзи қамашиб, ҳеч нарсани кўролмайди. Эркин фикрли кишиларнинг бу даргоҳга кириши эса мутлақо тақиқланган. Бу зулматда йўл топиб кетиши амримаҳол бўлган К.га яна руҳоний йўл кўрсатади. Тазарруни охирига етказмай бу ердан чиқиб кетаётган Йозефга қаратади унинг "Аввал сен менинг кимлигимни тушуниб олсанг зарап қилмасди" дейишида ҳам катта диний-фалсафий ҳикмат яширин.

Хуллас, ҳибсга олинганидан роппа-роса бир йил ўтиб, "К. ўттиз бир ёшга тўладиган кун арафасида" қатл этилади. Қатлоҳ сари йўл олар экан, у "Наҳотки, ...кўзғатилган жиной иш жараёни бир йил судралганига қарамасдан бирон бир сабоқ чиқариб ололмайдим? Наҳотки, мен шунақа нодон, ўжарлигимча ўтиб кетсам?" деб ўлайди ва чор-ночор қисматига бўйсунади. Чунки унинг умр йўлида ҳамроҳ бўлганлар "ҳардамхा�ёл ва ҳиссиз кишилар" эди. Бундай тоифа билан узоққа бориб бўлмаслигига унинг ақли етади. Бироқ энди кеч.


Шунга қарамай, роман ўқувчида, барибир, тушкунлик кайфиятини уйғотмайди, балки умид ва фарёд билан якун топади. Видо лаҳзасида айбдор Йозеф К.нинг "нигоҳи тош конига туташиб кетган уйлардан бирининг юқори қаватига тушди. Худди чироқ лип этиб ёнгандек" бўлди. Бу умид чироғи эди, аммо у ҳам К.га ёрдам беролмайди. Адид ўз қаҳрамонининг ўй-хаёли воситасида ўқувчига "Яшашни истайдиган инсон хоҳишига қарши

турувчи мантиқ барқарордир, уни ерпарчин қилмоқ иложи йўқ. Қани шунаقا одил қози, у бунақа ҳакамни бирон марта кўрдими? Қаерда у адолатли суд, уни қаердан изласа бўлади?" деб мурожаат қиласди.

Умуман, бу кўп қатламли роман ичига кириб борган сари янгидан-янги фикр-мулоҳазалар туғилаверади. Шу боис Кафка асарларини қайта-қайта ўқиш китобхонга завқ бағишилайди.

ЖАВОБ ИЗЛАЁТГАН ОДАМЛАР

Назар ЭШОНҚУЛ. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. Тошкент, "Шарқ", 2008.



Жаҳон адабиётининг "онг оқими" мактабига мансуб асарлар мутолаасидан сўнг ўзбек адаби Назар Эшонқулнинг қисса ҳамда ҳикояларини ўқиш ғоят мароқли. Чунки аввал тушунмаган, англаб етмаган нарсаларни улар билан ўзаро таққослаб, мағзини чақиш осон кечади. Бунинг боиси — Назар Эшонқулнинг ўзи кўпроқ Фарб адабиётини мутолаа қиласди, унинг барча фазилатларини ўзлаштириб, ижодида унумли фойдаланишга уринади. Назаримда, Жеймс Жойс, Марсель Пруст, Самюэль Беккет, Франц Кафка, Жорж Оруэлл, Альбер Камо, Жан-Поль Сартр каби адиллар у энг кўп мутолаа қиласидиган ва энг кўп ўрганадиган ёзувчилардир.

Маълумки, Фарб адабиётига хос "онг оқими" йўналишидаги асарларда инсон қалбida юз бераётган зиддиятли ҳолатларни бутун мураккаблиги, эврилишлари билан тадқик қилиш учун баён йўналиши ҳаҳрамонга топшириб қўйилади. Бунда бадий нутқинг мухим шаклларидан бири ички монолог асосий ўрин тутади. Назар Эшонқул ҳам ижодда асосан шу йўлдан бормоқда. Бироқ у тасвиrlаётган воқеа, ҳаҳрамонлари ўзбек эканини унумтайди, персонажлар ўзбек миллатига хос фикрлайди, ўзбекона ҳаракатланади, масалани ўзбекчасига ҳал қиласди.

Фарб адабиёти учун мухим ҳисобланган "хаос", яъни кўпроқ ҳаётдаги тартибсизликлар, чигалликлар, одамзотни қуршаб олган зулматни тасвиrlаш Назар Эшонқул асарларига ҳам хос хусусият. Бироқ Фарб анъаналаридан фарқли ўлароқ, унинг ҳаҳрамонлари ана шу тартибсизликлар қуршовидан эсон-омон чиқиш, чигалликларни оқилона ечиш ўйлени излайди, зулматдан бир қатим нурага қараб интилади. Улар ўзига "Мен кимман? Бу дунёга не учун келдим? Қаёққа кетялман? Шу йўлим тўғрими?" деган саволларни беради ва буларга жон-жаҳди билан жавоб ахтаради. Шу маънода, Назар Эшонқул яратган ҳаҳрамонлар галерейесини жавоб излаётган одамлар тоифасига киритиш мумкин. Тўғри, уларнинг айримлари бу саволларга жавоб топади (масалан, Муассам, Бийди момо), баъзилари эса чигалликлар гирдобида қолиб кетади (Нормат, "Тун панжаралари" ва "Қора китоб" қиссаларининг ровийлари).

Назар Эшонқул бирон бир ҳаҳрамонининг хатти-ҳаракатига арапашмайди, унинг ўйлашига ҳалақит бермайди, қарори ва қилмишларини муҳокама этмайди. Иложи борича уларни ўз ҳолига қўяди. Қалтис вазиятларда чиқарган хulosалари, қилган ҳаракатлари билан баъзан ўзини нокулай аҳволга солиб қўйганларида ҳам муаллиф холис позицияда қолади. Факат унинг қаршисидаги персонажни "ёрдам"га чақириб, унга кўзгу тутади. Бу жиҳатдан "Уруш одамлари" қиссанидаги Бийди момо, Шариф чавандоз, "Момоқўшиқ"даги Отакул, Шамси Солиҳ қиёфалари эсда қоларлидир. Уларнинг ёрдами фойдами, зарарми экани ўқувчи ҳукмига ҳавола қилинади.

Ёзувчи ҳар бир персонажнинг кўнглига қараб иш тутади. Кўнгил — подшо, одам унинг кулидир. Кўнгли буюрганини қилиб, ор-номуснинг юзига тупурган Маллабой ҳисобчига тегиб кетган хотинини яна уйига етаклаб келади. Кўнгил истагига қарши боролмаган Мирзақул қалтис вазиятда Анзиратдан узр сўрагани келиб, Норматнинг ўқига дучор бўлади. Кўнгил кўчасига кирган Муассам сал бўлмаса эри ва ўйлени ташлаб Шамси Солиҳ билан шаҳарга кетворай дейди. Яна кўнгил уни бу қалтис қадамдан асраб қолади. Байна момонинг кўнгли йигирма уч ўйил мобайнида қизил фаол Замон отбоқардан эри ва ўғли учун қасос олиш алансасида ёнади. Охири болаларига хатна тўйи қилган куни Замон отбоқарни таҳқиромуз ўлдириб, кўнгли ўрнига тушади.

Назар Эшонқулнинг ҳар бир асари ўз ифода усулига эгалиги, реал ҳаётдан безган, ундан баҳтини тополмай, чексиз ҳасрат ва қайғуга ботган одамнинг ботиний дунёсини очиш имконияти кенглиги, қаҳрамонларнинг ўй-фикри ва хатти-ҳаракати ўта табиий ва ишонарли чизилгани билан эътиборни тортади. Аксар асарларида воқеалар ҳикоячи "мен" тилидан баён этилади. Ички монолог асосига курилган бу асарларда, сиртдан қаралса, шиддатли воқеалар ҳам, кескин тўқнашувлар ҳам, ранг-баранг сюжет чизиқларию уларнинг ассоциатив ривожланиши ҳам кузатилмайди. Масалан, "Тун панжаралари", "Қора китоб", "Маймун етаклаган одам", "Ҳаёл тузоги" каби асарлари ўқувчида ана шундай таассурот қолдиради. Бироқ бир текис давом этувчи ички монолог мутолаасидан сўнг китобхон қалбida ҳам қандайдир эврилиш, хайриҳоҳлик, гоҳо эса изтироб пайдо бўлади. Бу асарларни бир ўқишида тушуниш ва қабул қилиш осон эмас.

"Қора китоб" қиссасида ҳикоячи "мен" бир пайтнинг ўзида уч хил қиёфада намоён бўлади: у — жиноятчи; у — жабрдийда; у — ҳакам. Жиноятчи қиёфасида (қизининг жисмоний, ўғилларининг маънавий қотили) иложи борича ўз қилмишини хаспўшлашга, терловчини чалгитиша, ўзини оқлашга уринади. Жабрдийда сифатида эса у бояқишини кўпроқ виждон азоби қийнайди. Ҳакам қиёфасида намоён бўлган "мен" одил, ҳақиқатгўй кимса ўлароқ жиноятчи найрангларини фош қиласи, адопатли ва шафқатсиз хукм чиқаради. Ушбу қисса абсурд одамнинг бемаъни ҳаёт, унда яшаш мантиқиз экани ҳақида нафас олмай айтилган узлуксиз монологидан иборат. Шу боисдан баён ҳатто хатбоши билан ҳам ажратилмайди. Бу монолог баҳт ва баҳтсизлик орасида сарсон яшаган, аммо ҳаловат топмай ҳаётдан тўйган, Иблис билан ошно тутиниб адашган одамнинг оҳ-ноласи, тавба-тазаррусиидер.



ДАШТУ ДАЛАЛАР МАДХИ

Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Дашту далаларда. Роман.
Тошкент, "Ўзбекистон", 2009.

Нормурод Норқобиловни шахсан танимасам-да, адаб сифатида яхши биламан. Барча ҳикоя ва қиссаларини, "Она сайёра — қўриқхона" руқни остида босилган мақолаларини ўқиганман, телекўрсатувларини томоша қилганман. Унинг "Дашту далаларда" китобини номига қараб, "Адибнинг ҳикоя ва қиссалардан иборат навбатдаги тўплами бўлса керак-да", деб ўладим.

Аммо ички муқовани очиб, "роман" эканини билдим-у, ажабландим: романга ҳам шунақа умумий, мавхум ном қўйиладими? Ахир, сарлавҳа асарнинг мазмун-моҳияти, муаллифнинг ғоявий-бадий ниятини аниқ ифода этувчи калит бўлиши керак эмасми?! "Дашту далаларда" деганда эса ҳаёлга беихтиёр турли жанрдаги асарларнинг умумий мундарижаси келади. Ана шу кайфият таъсирида ҳафсаласизлик билан романни ўқишига киришдим ва... илк саҳифаларданоқ юртимизнинг бепоён дашту далалари бағрига кири қолдим — мангу сукунатга чўмган баланд тоғ, қоялар; кўм-кўк майсалар билан қопланган қир-адирлар; бу гўшада эмин-эркин умргузаронлик қилаётган паррандалару даррандалар билан бирга яшай бошладим. Гиёҳларнинг муаттар ҳиди димоғимга урилди, қўёшнинг тафтию ойнинг салқинини ҳис қилдим.

Бунинг боиси, Нормурод Норқобилов табиатни шунчаки тасвирлаб қолмай, балки мусавиридек қую бўёқларда чизади; айни чоқда табиатшунос олимдек наботот, ҳайвонот, жамодотни чуқур илмий тадқик ҳам этади, мутолаа жараённида бунга кўп бор амин бўлдим.

Албатта, сехр ва тароватга тўла дашту далаларда мен ёлғиз кезмадим. Ёнимда асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири — подачи Тўланбой бор эди. Бироқ у мен билан ҳамсухбат бўлгиси келмас, ўзи билан ўзи овора, дилгир ва ғамин эди. Унинг кўзига "тоғлар ғамгин, дашт маҳзун" кўринарди. Шу боис Тўланбой ҳафсаласизлик билан гоҳо қопқонга илиниб қолган "малларанг тулки — Қоракулоқ"ни қандай қийнаб ўлдиришни ўйлар (аламини олмоқчи), гоҳо уни бутунлай унутиб, "ҳардамхаёл бир алпозда теваракка назар" ташлар (ўзини чалғитмоқчи), гоҳо "атай имиллаган кўйи ёнбағирликка ўрлай бошларди" (бўлиб ўтган воқеаларнинг унга дахли йўқдек). Кейин ҳаммаси қолиб қопқон қўйишига нўноку улфатчилик

ка сугы йўқ дўсти Рўзикулни эслаб кетади (кайфиятини кўтариш ниятида). Мен эса ундаги бу хафаҳоллик сабабини тезроқ билишни истайман.

Романдаги баён гўё далаларнинг бетакор оҳангига қурилган мадхия сингари жаранглайди. Унда инсон ва табиат бир-бирини тўлдиради, бир-бирини тақозо этади. Дастрраб Тўланбойнинг ўтқир нигоҳи орқали танишганимиз узоқ дашт адогидаги қизгиш қиялиқ ёқалаб йўртиб бораётган Бўзбўри воқеалар силсиласига ҳамқишлоқлар мол-ҳолини асраш учун "атай полвондан подачига айланган" Эшқул полвон кириб келиши билан қадрдонимизга айланиб қолади. Улар бир-бирини сўзсиз тушунади, бир-бирини ҳимоя қиласди, бир-бирини асрайди. Бўзбўри Эшқул полвоннинг молларига ҳеч дахл қилмайди. Аксинча, бошқа йиртқичлардан уларни ҳимоя этади. Эшқул полвон ҳам туғишган иницидек азиз ва қадрдон Бўзбўрини бадният одамлар хужумидан асраб қолади.

Адиб қатъиятли, қўрқмас, кези келганда меҳрини ҳам, қаҳрини ҳам кўрсата оладиган фаросатли Эшқул полвонни Бўзбўрига, укувсиз, кекчи, бир оз иззатталаб, дашту далаларга отасидан кўра ўғайроқ бўлган Тўланбойни (шу замоннинг боласи-да!) Қорақулоқ тулкига қиёсан тасвиirlайди. Эшқул полвон Бўзбўри каби ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмайди, вазминлик ва совуқонлик билан иш тутади, ҳалол ва ростгўй бўлиб қолади. У ҳеч кимга панд бермаган, панд ҳам емаган. Тўланбой эса отасига ўҳшамайди, у она томонидан бобоси Ўсарқул баттон ва тоғаси Ҳайдарга тортган. Бироқ улар сингари абллаҳ эмас. Фақат енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтишга мойил. Отаси каби масалани кескин ҳал этолмайди, аксарият иккиланади. Қатъиятсизлиги сабаб, тоғасининг гапига кириб, хотини ва болаларини ҳайдаб юборади. Шундан бери неча кундирки, у ёлғиз, ҳаёти — зерикарли, кайфияти — тушкун. Унинг хафалиги шундан.

Роман охирида табиати тунд, чехраси ғамнок, беҳафсала Тўланбой билан Қорақулоқ тулки яна учрашади. Бу гал уч оёқлаб "инидаги болаларига ҳўрак етказиш умидида беҳад азобланниб" судралаётган, "яаша учун жон-жаҳди билан курашаётган бу жонни кўриб" Тўланбой ўзи учун хулоса чиқаради. Унинг назарида, тулки "Тўланбойга ўшшаб, бу ҳаёт жонимга тегиб кетди, деб сув идишларини тепкилаб юргани йўқ. Кимгadir аччиқ қилиб, кир-чир этиги билан ўтовини яксон этаётгани ҳам йўқ. Отаси баъзан яшашни одамлардан эмас, жониворлардан ўрганиш керак деганда, балки мана шу ҳолатларни кўзда тутгандир". Одам боласи ана шундай лаҳзаларда ҳайвондан-да ўрнак олади ва худди ота-онасидек тарбиялаб, вояжга етказган дашту далаларнинг ўз одамига айланганини ҳис қиласди, шунинг баробарида яхши ният ва хуш кайфият билан олға қадам босади. Бу унинг ҳаётидаги кутлуг қадами эди. Не тонгки, йўлда отаси ва болалари яна бағрига қайтиб келаётганини кўрди. Аммо уларга пешвуз чиқишига юзи шувит.

Бемаъни қилмишидан ўкиниб, неча кундирки ич-этини еб юрган Тўланбойга отаси билан юзма-юз келиш айниқса қийин. "Биладики, юзлашиб чоғи отаси уни шунчаки тергаб кўя қолмайди, балки гумонга бориб аёлига азият етказгани ва шу воқеа баҳонасида киши молига кўз олайтиргани учун ҳамманинг кўз ўнгидаги қамчи остига олади". Аслида сюжет ёчими шу тарзда тугаса ҳам ўкувчи ранжимасди. Воқеа йўналиши шуни талаб ҳам қиласди. Бироқ ёзувчи бундай кескин вазиятга йўл қўймайди. Адиб, отасининг назарида, "инсон қавмига хос бўлмаган оғир гуноҳга йўл қўйган" Тўланбойни ҳам, бўйтон воситасида уни йўлдан оздирган тоғаси Ҳайдарни ҳам дашт бағрига "яширади" — уларни жазога тортиш ёки авф этишини табиатга ҳавола этади.

Эртасига ҳамма нарса жойига тушади. Даштнинг ўз боласи бўлгани сабаб Тўланбой ўтовига эсон-омон қайтади, хотини ва болалари билан учрашади, оғрикли дили таскин топади. Даштга ўғай Ҳайдарни эса жондорлар чавақлаб ташлайди. Бу табиий ёчим романнинг foявий негизини янада чукур ва аниқ тушуниг олишига ёрдам беради. Зоро, табиат ҳам гўё тирик мавжудот, у инъомига шукронга қилмай, зўравонлик билан чангларни маҳв этади, араганларни эса аяди. Бу хулоса асарнинг бутун мундарижасини нурлантириб туради.



Mediatsiya nima?

Үтгән асрда инсонияттың урушыга бүлгән муносабати ўзарыб, ҳар қандай мажароларни тинч йўл билан бартараф этишга инилиши кучайди. Бирок шундай вазиятлар ҳам бўладики, икки томонлама музокаралар ижобий натика бермайди. Бундай ҳолатда учинчи томон иштироки, яъни медиацияга зарурат туғилади.

“Медиация” лотин тилидаги “mediation” сўзидан олинган бўлиб, воситачилик деган маънони билдиради. “Медиация” маҳсус жараён бўлиб, унда холис учинчи томон — медиатор қарама-қарши тарафлар ўзаро ихтиёрий муроса йўлини ишлаб чиқишига кўмаклашиб орқали низонинг барҳам топишига ёрдам беради” (Вишнеевская А. Курс лекций. Конфликтология. <http://www.humanities.edu.ru>).

Медиатор назария ва амалиётда учинчи томон ёки воситачи деб ҳам юритилади.

Низони бартараф этишга кўмаклашувчи медиатор сифатида музокараларга турли ҳалқаро акторлар, биринчи навбатда, барча ресурсларга эга мустақил давлатлар жалб этилиши мумкин. Аксарият воситачи бўлиб давлат ёки ҳукумат раҳбарлари иштирок этса, айрим ҳолларда бу вазифани алоҳида дипломатлар ҳам ўз зиммасига олади. Аслида низоларни бартараф этишда ҳар ким ҳам медиатор бўлиши мумкин. Бироқ минтақавий низоларни кўйидагилар ўз мавқеига кўра расмий медиатор сифатида тан олинган: давлатлароро ҳалқаро ташкилотлар (бунга БМТ мисол бўла олади); давлатнинг маҳсус тузилган комиссиялари; кенг кўламда фаолият юритаётган ҳалқаро жамомат ташкилотлари (“Қизил ярим ой” жамияти каби). Булардан ташқари, норасмий медиаторлар ҳам бор. Ўрни келганда маълумоти ва тажрибасидан келиб чиқиб, улар ёрдамидан ҳам фойдаланилади. Булар — диний ташкилот вакиллари, диний раҳнамолар, ҳалқаро даражада тан олинган собиқ сиёсий раҳбарлар, маданият ва санъат арбоблари ва бошқалар.

Минтақавий мажаролар доирасида медиаторликнинг воситачи, ёрдамчи ва кузатувчи турлари мавжуд. Мажароларнинг бартараф этилиши медиаторнинг обрўйи ва ролига боялиқ ҳолда кўйидагиларни таъминлашиб мумкин:

— низоларни қарама-қарши томонлар ихтиёрисиз тугатади, уларни тарқатиб юборади, уларга санкция кўллади, ҳақ ва ноҳақни аниқлаш эса

ҳамамлик судьяси ва арбитрлар томонидан амалга оширилади;

— томонларга мажаро юзасидан якуний қарор қабул қилишда медаторликнинг ёрдамчи ва воситачи турлари кўмак беради;

— муносабатларни нормалаштиришга, томонлар ўртасида мулоқот ташкил қилишга ҳам воситачи ҳамда ёрдамчи кўмаклашади;

— медиация натижасида эришилган якуний келишувнинг бажарилишини арбитр, воситачи ва кузатувчи назорат қиласди.

2008 йили Грузия — Жанубий Осетия ва Абхазия мажароси бўйича музокараларда ҳозир Европа Иттифоқига раҳбарлик қилаётган Франция Республикаси Президенти Николя Саркози воситачи сифатида иштирок этди. У сиёсий етакчи ва медиатор сифатида қарама-қарши томонларга мавжуд низоларни бартараф этиш бўйича қўйидаги б тамойилни таклиф қиласди:

- 1) куч ишлатишдан воз кечиш;
- 2) ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тутагиши;
- 3) нотинч ҳудудларга гуманитар ёрдам эркин киритилишига рухсат бериш;

4) Грузия ҳарбий кучларини ўзларининг дислокация бўйича муқаддам жойлашган ўрнига қайтариш;

5) Россия ҳарбийларини жанговор ҳаракатлар бошланишидан олдинги жойига қайтариш;

6) Абхазия ва Жанубий Осетияда баркарорлик ва хавфзисликни таъминлашиб юзасидан ҳалқаро кафолат бериш (Кургинян С. Кавказский кризис и наше будущее. Общественно-политический и научный журнал "Россия XXI", 2008, №5).

Н.Саркозининг медиаторлик фаолияти туфайли қалтис вазият қарама-қарши томонлар ҳамда низога алоқадор бошқа субъектлар ўртасида муҳокама қилингани, мажаро тўлиқ бартараф этилмаган бўлса-да, лекин кескинлик бир мунча юмшатилиб, қайд этилган тамойилларнинг аксарияти бажарилгани ва ҳарбий куч ишлатишга чек қўйилганини кузатиш мумкин.

1997 йил Ислом Каримов Афғонистонга чегародеш б мамлакат ҳамда АҚШ ва Россия иштирокида мулоқот гурухини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу ташаббус амалда ўз ифодасини топди ва Афғонистон бўйича “6+2” гурухи — ХХР, Эрон, Покистон, Тожикистон, Узбекистон, Россия (куза-

тұвчи сифатида Бирлашған Миллатлар Ташкилоти) + Бирлашған фронт ва "Толибон" ҳаракатининг би-ринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йорқда, иккінчи учрашуви эса 1999 йил 19-20 іюлда Тошкентде бўлиб ўтди.

Тошкент учрашуvida сўзга чиқкан БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича маҳсус вакили Л.Брахими Ўзбекистоннинг афғон мажаросини бартараф этишдаги ҳаракатларини юқори баҳолади.

Бундан ташқари 2008 йил 2-4 апрель кунлари НАТОнинг Бухарестда бўлиб ўтган саммитида Ислом Каримов 1997-2001 йилларда самарали фаолият кўрсатган "6+2" мулокот гурухини, НАТО ташкилотини ҳам жалб этиб, "6+3" гурухига айлантириш ташаббусини илгари сурди. Мутахассислар фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу ташаббуси Афғонистондаги вазиятни

синчковлик билан ўрганиб, пухта ва атрофлича баҳо бергани натижасидир.

Хулоса қилиб айтганда, медиаторлик ҳар хил миқёсдаги низоларни тинч йўл билан бартараф этиши омили сифатида доимо мавжуд бўлиб келган. Ривожланиш натижасида медиаторлик соҳасида ўзига хос институциял тузилмалар ташкил топиб, бундай воситачилик яхлит фаолият турни сифатида шаклланиб бормокда. Медиаторлик омили келгусида янада ривожланиб, амалиётда кенг кўпланилади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этиш тамойилига оғишмай риоя қилиб, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишига амалий ҳисса қўшаверади.

Феруза Қўлдошева,
тадқиқотчи

Madaniy tafakkur xususiyatlari

Маданийтафаккур муттасил ривожланиб борувчи ҳодисадир. Чунки инсон борлиқни чуқурроқанглани, янги-янги қашфиётлар қўлгани сари маданий тафаккури ҳам юксалиб бораверади. Дарҳақиқат, турли даврларда яратилган ноёб моддий ва маънавий қадриятларга назар ташлар эканмиз, улардан ҳайрат ва ҳаяжонга тушамиз. Қанчадан-қанчада меморлиқ, ҳайкалтарошлиқ, тасвирий санъат асарлари, сўз санъати дурданалари борки, уларни кўрган, ўқиган киши ўзида янгича фикр, янгича туйѓулар пайдо бўлганини ҳис қиласди.

Маданий тафаккурга тамал тоши қўйган Шарқу Фарб мутафаккирлари қарашлари ҳозирда ҳам унинг ривожига ўзига хос тарзда турткি бериб келмоқда. Бинобарин, ҳар бир авлоднинг маданий тафаккури шаклланишида аждодларнинг моддий ва маънавий мероси катта роль ўйнайди. Булар авлодлар қалбида илҳом ва файратни жўштиради. Шу жиҳатдан, мустақиллик даврида барпо этилган ўнлаб, юзлаб кошонаю иншоотлар ҳам ёш насланинг маданий тафаккури қарор топишига ҳисса қўшмоқда, десак хато эмас. Ана шундай кошона ва иншоотлар сирасига Олий Мажлис биноси, Темур ва темурийлар тарихи музейи, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи, Ўзбекистон Давлат консерваторияси биноси, Ҳасти имом мажмусини киритиш мумкин. Миллий маданиятнинг ана шундай обидаларини яратиш билан бирга ёшларда уларга нисбатан фаҳр ва эҳтиром ҳиссини шакллантириш ҳам бу-тунги долзарб вазифалардандир.

Ёшларда маданий тафаккурни шакллантириш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш пухта ўйланган режа асосида давомли иш олиб боришини талаб этади. Ана шу жараёнда фақат саботли, иродали тарбиячигина ижобий натижаларга эришади. Тўғри, тарбиянинг ҳам рангбаранг шакллари мавжуд. Буларга жисмоний, ахлоқий, эстетик, диний, руҳий, экологик ҳамда меҳнат, қасб-хунар тарбиялари киради. Ушбу жараёнлар олий ўқув юртларида, айниқса, юқори мақомга эга. Бу миллий истиқлог foяси фанида ҳам ўз аксини топган. Демак, зикр этилган тарбия турларининг барчасига маданий жиҳатдан ёндашиш зарур.

Ёшларда маданийтафаккури шакллантиришда ҳар бир йигит-қизнинг қизиқишиш ва лаёқати алоҳида эътиборга олинини лозим. Улар билан тарбиявий ишни бошлашдан олдин ақлий-руҳий салоҳиятини аниқлаб олиш мүҳим. Маданий тафаккурни ривожлантириш жараённада тарихийлик ва мантиқийлик усусларидан фойдаланиш ўринлидир. Бу усуслар ёшларнинг билими кенгайишида самарали восита ҳисобланади. Илм орқали тафаккурнинг янги қирралари очилиб боради.

Маданий тафаккур иқтисодий, техникавий, фалсафий, бадиий, эстетик, ахлоқий ва бошқа тафаккур турларидан фарқ қиласди, бироқ у айни чоқда-мазкур соҳаларнинг барчасига тааллуклини уларга бирдек таъсир этиади. Бу тафаккур турлари га маданий жиҳатдан ёндашиш инсон фаолиятини

улуғлайди, билиш жараёнида кишини палапартишиликдан сақладиди, нарса-ҳодисалар моҳиятини англашда теранлилкка ундейди.

Маданий тафаккур бу — атроф-теваракдаги нарса-ҳодисаларга юксак ҳис-туйғу даражасида назар ташлашдир. Нарса-ҳодисаларни тушуниш эса, табиийки, билим ва амалий фаолиятни талаб этади. Маданий тафаккурни шакллантиришда имл асосий ўрин эгалласа-да, у турлича жараёнлар таъсирида шаклланади. Демак, маданий тафаккур шахс дунёқарашининг шаклланишига ялпи таъсир кўрсатади. Дунёқараш эса барча ёшларда бир хил бўлмайди. Чунки дунёқарашнинг ўзи бир неча турдан иборат: фалсафий, илмий, диний, асотирий. Албатта, бу қарашлар ҳам турли жараёнлар таъсирида шаклланади. Ана шу таъсир ҳусусийликдан умумийлик, оддийликдан мураккаблик томон боришни таъминлади. Табиийки, бу жараён маълум вақт ва муайян шароитни талаб этади.

Ёшларда маданий тафаккурни шакллантирувчи омиллар кўп жихатдан фаолият йўналишларига боғлиқ. Йўналишлар эса сон-саноқсиз, жумладан, тасвирий санъатни оладиган бўлсак, бу санъат турининг ўзи ҳам бир қанча йўналишга бўлинади. Мазкур йўналишларни ҳар бир ёш ўзича таҳлил

қилиб, улар моҳиятини тушунишга интилади. Шу интилиш жараёнида эса аста-секин маданий тафаккур куртак ёзди, шакллана боради. Таъкидлаш лозимки, маданий тафаккур ривожланиши учун айрича муҳит, шароит бўлиши шарт ҳам эмас. Кўпроқ утеварак-атрофни синчков кузатиш, вақти-вақти билан саёхатта чиқиш, қисқаси, нарса ва ҳодисаларга кизиқуб боқиш билан шаклланади. Демак, ҳар бир ёш, аввало, ана шу жараёнлар моҳияти ва мазмунини англаб этиши зарур.

Маданий тафаккур шаклланишида муҳим омиллардан яна бири — ёшларнинг фанга бўлган муносабатидир. Ёшлар билимга интилар экан, уни асосан фанларни ўрганиш орқали эгаллаши табиий. Шунинг учун ҳам олий ўкув юртини тугаллаган ёшлар дунёқарashi бошқа тенгдошлари тафаккуридан фарқ қиласди.

Хозирги аҳборот асри, глобаллашув даврида ҳар бир ёш, аввало, ўз касби ва ҳунари доирасида етук маданий тафаккурга эга бўлиши даркор. Ана шунда улар жамият ҳаётига ҳам таъсир кўрсатувчи кучга айланади.

Васила АСРАҚУЛОВА,

Тошкент Ирригация ва мөтиорация институти
камтада ўқитувчиси

Muruvvat – barkamol avlodga fazilat

Баркамол авлодни вояга етказиш ҳозирги даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий вазифасидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу вазифани 1990 йилдан бўён "миллий кадрлар", "малакали мутахассислар", "соғлом авлод" ва, ниҳоят, "баркамол авлод" бирикмалари воситасида изчил кун тартибига қўйиб келмоқда.

Баркамол авлод бу — жисмоний, маънавий ва қасбий жихатдан етук шахс демакдир. Баркамол авлод тушунчаси бугун ана шу маънода талқин этилмоқда. Бундай авлодни вояга етказиша эса маънавий оламга даҳлдор миллий қадриятларнинг ўрни бекиёс. Шу маънода, саховат ҳам ахлоқий қадрият сифатида баркамол авлод тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Муқаддас китобларда ва буюк донишмандлар асарларида талқин этилишича, саховат баркамолликка интилган инсоннинг маънавий оламида ўқтумир бўлиб таркиб топиши керак. Бу таълимотларга кўра, инсон ҳалол меҳнати билан

ҳам бой-бадавлат бўла олади. Лекин бунда икки муаммо юзага келиши мумкин. Биринчиси, бой-бадавлатлилик мезони қай йўсинда белгиланади? Иккинчиси, тўплантган бойлик қандай тасаррӯф қилинади?

Бу саволларга аллома аждодларимиз асарларидан асосли жавобни топиш мумкин. Унга кўра, бойликнинг миқдори, ҳажми ва кўламини белгилаб бўлмайди; факат қайд этиш мумкинки, киши эҳтиёжидан ортича нарсалар мажмую бойлик ҳисобланади (*Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадѓу билга. Т., "Фан", 1971, 610-бет*). Иккинчи саволга жавоб эса қўйидагича: бойликдан фойдаланишда ақл ва ахлоқ мөъёлларига риоя қилиниши керак (*Абу Ҳомид Фаззолий. Кимёу саодат. Т., "Камалак", 1993, 17-бет*). Шу тариқа мурувватнинг маъно ва мезони маълум бўлади. Яъни, одам ўз эҳтиёжидан ортиқ нарсани муҳтоjlарга бера олиши керак, аммо бундай мурувват ва саховатнинг миқдори, ҳажми ва кўлами белгиланмайди. Шу маънода, бадавлат

бўлиш ва бойликни тасарруф қилишда ҳам муайян бир малака керак. Негаки, бу борада оқиллик билан йўл тутилмаса, бойлик инсонни очкўз кимсага айлантириб қўйиши мумкин. Очкўзлик одамни икки иллатга йўлиқтиради: биринчидан, унда саҳоват туйғуси бўлмайди; иккинчидан, у бойликка тўймайди. Хўш, бундай ҳолда нима қўймоқ керак? Ҳадис ҳукмидан келиб чиқиб, ахлоқ файласуфлари бундай хулоса қиласди: "Энг катта бойлик — кўнгил бойлигидир". Шундай экан, ҳам кўнгил бойлигига, ҳам моддий бойликка эга инсон муруватлар бўлади.

Бундай юксак ғоялар ёш авлод онгига чуқур сингрилиши лозим. Чунки бугун вояга етадиган насл эртага мулк эгаси бўлади. Бу мулкдорнинг эса саҳоват ортидан мартабаси юксалади. Шуниси ҳам борки, муруватлилик фақат мулк билан белгиланмайди. Маънавий ёрдам, яъни ширин сўз билан далда бериш, тўғри йўл кўрсатиш, руҳий қўллабкуватлаш ҳам муруватларидир. Ёшларимизнинг бундай олижаноб фазилатларга эга бўлиши бутун ҳам тоят мухим.

Хозирги шароитда саҳоват ва муруват масаласи Президент Ислом Каримов томонидан "маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги" гояси асосида илгари сурилган. Унга кўра, инсон маънавий ва моддий жиҳатдан тўлақонликка эришиши зарур. Давр эҳтиёжи шундай: маънавиятни деб моддиятни ёки моддиятни деб маънавиятни унугиб бўлмайди. Муруват ва саҳоват ана шундай қараш негизини ташкил қиласди.

Юқорида баён этилган фикрлардан куйидаги хулосага келиш мумкин: биринчидан, баркамол авлод тарбиясида ижтимоий-ахлоқий қадриятлардан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга; иккинчидан, муруват ва саҳоват мухим қадриятлардан бўлиб, ўёшлар онгига маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш малакасини ҳосил қиласди; учинчидан, бу-гунги ўёшларни ана шу каби қадриятлар воситасида баркамол авлод қилиб вояга етказиш имкониятлари тоят кенг.

Дилбар ҲОЖИМУҲАММЕДОВА,

Тошкент давлат Педагогика
университети ўқитувчиси

Globallashuv va yoshlar

Глобаллашув жараёнини даврийлик нуқтаси назаридан учга бўлиш мумкин. Биринчи давр — XX аср 50-йилларидан 70-йилларигача бўлиб, глобаллашувнинг асоси яратилди, яъни турли ҳалқаро ташкилотлар — БМТ, ТМК ва бошқалар вужудга келди. Иккинчи давр — ўтган асрнинг 70-йилларидан 91 йилгача бўлиб, коммуникация ютуқлари (компьютер, интернет) глобаллашувни янги босқичга олиб чиқди. Учинчи давр — 1991 йилдан ҳозиргacha бўлган даврда эса глобаллашувга тўсқинлик қилиб келган икки кутбни дунё барҳам топиб, кўп кутбни дунёнинг вужудга келиши давлатлар ва ҳалқарни янада яқинлаштириб, ўзаро тъсирини кучайтиромоқда.

Глобаллашув ўзига хос мураккаб объектив жараён саналади. Унинг барча ижтимоий жабҳаларни қамраб олишдаги тезкорлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, табиий савол түғилади: глобаллашув шароитида ўшларнинг ўрни қандай? Уларнинг муаммолари нималардан иборат?

Ҳозирги кунда Ер шари ахолисининг 18 фоизини ўшлар ташкил этади. Социолог ва иқтисодчи олимлар 16 ёшдан 30 ёшгача, ЮНЕСКО эса 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни ўшлар жумласига кирилатди. Айрим Фарбий Европа давлатларида эса бу кўрсаткич 16 дан 30-33, ҳатто 35 ёшгача ҳам етади

(Тангиев Л. Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси. Сиёсий фан. ном. дис. Т., 2001, 46-бет).

Бугунги кунда дунё ўшларининг муаммолари, жамиятдаги ўрни ва роли турли мамлакатларда турпича. Жумладан, дунёнинг оловли нуқтаси ҳисобланниб келаётган Фаластин, Ироил, Афғонистон, Ироқ ва Африканинг баъзи мамлакатларида ўшлар асосис эътиборни очарчилик ва ўлим хавфидан сақланишга қаратади. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония каби ривожланган мамлакатлар ўшлари эса илм олиш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш ҳаракатида. Бугунги жаҳон молиявий инқирози даврида эса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўшларининг асосий муаммоси ишсизлик бўлиб қолмоқда.

Бутун дунёда ўшлар иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий куч сифатида тобора кўпроқ этироф этилаётган бир пайтда уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартарафа этишга турли давлатлarda турпича ёндашилмоқда. Ҳусусан, Ўзбекистонда ўшлар муаммоларини ҳал этиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасида ўшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Конунга кўра, ўшлар деб 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар тан олинади. 2008 йил маълумотла-

рида Ўзбекистонда 18 ёшгача бўлганлар умумий аҳолининг таҳминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этгани таъкидланган. Ҳозирги кунга келиб, ёшлар сони 13 миллиард 417 минг 656 нафарга етди. Бу кўрсаткич бир қанча Европа мамлакатлари, жумладан, Буюк Британия, Франция, Германия, Россия каби давлатларга нисбатан кескин фарқ қиласди. Ёшлар аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиши бизнинг асосий ютуғимизидр.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшлар қатламини ижтимоий ҳимоялашга, иқтидорли ва ижодкор ёшларни кўллаб-куватлашга, ёш авлодни демократик ислоҳотларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Негаки, биз бунёд этаётган демократик жамиятнинг тақдиди бугунги йигит-қизларнинг жисмоний, маънавий камолотига боғлиқ.

Ўзбекистонда 20 ёшгача бўлган ёшларнинг асосий муаммоси уларнинг касб танлаши, маълумот олиши ва мустақил ҳёёта қадам қўйиши билан алоқадор. Ундан юқори ёшдагилар эса асосан ишга жойлашиш ва жамиятда ўз ўрнини топиш муаммоси билан юзма-юз киласди. Бу долзарб масала ҳисоблангани боис уни ҳал этиш мақсадида мамлакатда кўплаб меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда.

Ҳаётий мақсадни аниқ белгилаб олиб, шу мақсад сари интилиш азалдан ёшларни ривожлантирувчи омил бўлиб келган. Бугунги кунда бу янада мухим аҳамият касб этмоқда. Чунки инсон режали фаолият юритсанга, келажакка кўйилган пойdevor мустаҳкам бўлади. Бугунги ёшларнинг вазифаси жамиятни янгилаш юзасидан ота-оналар бошлаб берган улугвор ишларни якунига етказишдан иборат.

Умуман, ёшларнинг ижтимоий таркиби аҳолининг бошқа гурухларига нисбатан тез ўзгарувчи, динамик ўсуви ва мунтазам шаклланиб борувчи бўлиб, уларни доимо йўналтириб туриш лозим. Шу боисдан ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш жамият ижтимоий тузилмасини, мамлакат тараққиетини таъминлашга қодир юксак профессионал қатлам салоҳиятини оширишга хизмат киласди. Ёшлар жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини фақат ҳозирги кун нуқтаи назаридан шакллантириб қолмасдан, республиканинг келажагини ҳам белгилар экан, мамлакатда жамиятни демократлаштириш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ёшларнинг роли кучайиб бораётгани кувонарли ҳолдир.

Бахтиёрхўжа ШОДМОНОВ,

ЎзМУ аспиранти

Miqdordan sifatga

"Ахборот асири" деб ном олган XXI асрда таълим тизими бутун имкониятини туб ислоҳотлар негизидагина намоён этиши мумкин. Таълим соҳасида истиқболли ислоҳотларни амалга ошириш учун эса юқори ақлий ва касбий маҳоратга эга кадрлар тайёрлаш тизимини вужудга кептириш зарур. Шу жиҳатдан, жаҳон тажрибасига таянган ҳолда давлат таълим муассасаларига рақобатчи бўла оладиган ноҳукумат ёки хусусий таълим тизимини ҳам кенг жорий этиш долзарб масалага айланмоқда. Мутахассислар эътирофича, бундай чора-тадбирлар таълим соҳасида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, соҳада коррупция илдиз отишига йўл қўймаслик имконини беради.

Табиийки, бозор муносабатлари барча жабхада туб ислоҳотларни талаб этади. Бундай муносабатлар буйруқбозлиқдан мутлақо йироқ бўлиб, энг замонавий ҳаёт тарзига эришиш учун чекланмаган имкониятлар яратиш билан бирга инсон омилини фаоллаштириш, илму маърифатни қадрлаш ва уни жамиятга чуқур татбиқ этиш каби талабларни ҳам назарда тутади.

"Постиндустриал жамият" ёки "Ахборий жамият" деб қаралаётган илфор давлатларда олий

таълим тизими ва унда фаолият юритаётган интеллектуал кадрлар мавқеи ниҳоятда юқори. Интеллект — (лотинча intellectus — ақл, идрок, билиш) инсоннинг чигал вазиятларда илгари тўплаган билим ва тажрибаларига таяниб, оқилона асосда хулқ-атвор меъёлларини шакллантириш жараёнини аниқловчи тафаккур тарзи ёки ақлий (рационал) билишdir (*Социологический энциклопедический словарь. М., "Норма", 1988, стр. 106*). Таълилий фалсафа вакили И.Шефлернинг фикрича, "Таълимдаги бебаҳо салоҳият — тафаккур қобилиятини ривожлантиришdir. Ўқитувчи эса ҳақиқат, ақл-идрок ва инсон имкониятларини кенгайтириш каби қадрятларга содиқ киши бўлиши керак" (*Введение в философию образования. М., "Логос", 2000, стр. 148*).

Юртимизда кечётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар олий таълим тизимини ҳам тубдан қайта куриш, уни жаҳондаги замонавий олий таълим стандартларига мослаштириш зарурлигини тақозо этаётir. Таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган мухим ҳужжат — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг

кўп бўғинли таълим соҳаси учун бекиёс аҳамиятга эга бўлиб, унинг замирида давлатимиз ривожи учун юксак малакали мутахассислар етишириб бериш мақсади ётади. Дастурий мақсадлар асосида олий таълимнинг икки босқич — бакалавриат ва магистратурага ажратилиши, олий таълим даргоҳларига талабалар қабулини давлат грантлари ва пуллик шартномалар асосида амалга оширилиши, институт ва университетлар мустақиллигини кучайтириш, талабаларнинг билим олишини индивидуаллаштириш, шундай чора-тадбирлар эвазига ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини кўтариш муҳим масалалардан ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Олий таълим (мөъёрий ҳужжатлар тўплами). Т., "Шарқ", 2001, 37-бет).

XXI асрда янгича ақлий салоҳият ва замонавий илғор тафаккур билан қуролланиб, коммуникация ҳамда ахборот технологияларига асосланган, дунё андозаларига мос таълим тизимини шакллантириш зарурати туғилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимида шаклланган олий ўқув юртлари ва уларда турлийоналишлар бўйича фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар қўрсаткичи Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятининг имкониятлари миқдор жиҳатидан мақсадга мувофиқ эканини кўрсатмоқда. Демак, асосий масала сифат қўрсаткичи ҳам жаҳон стандартлари даражасида баҳоланишига эришишдан иборат.

Дилшода НАЗАРОВА,
ЎЭМУ камта ўқитувчиси

"Har bir kishi – faylasuf"

Фалсафий тафаккур тушунча ва инсон илмий изланишларининг инъикоси сифатида антик даврдан буён мавжуд. Афлотун фалсафий фикрлаш айрим кишиларга хос деб ҳисоблаган, Арасту эса фалсафа мураккаб, алоҳида фикрлаш қобилиягини талаб этади, деган фикрни билдирган. Эпикур шогирдларини фалсафий тафаккурга ўргатиш учун уларга етти йип оғизга тош солиб юришини тавсия этган. Забоннинг осудалиги фалсафий фикрлаш қобилиягини шакллантириди деган қараш ана шундан қолган.

Фалсафа ва фалсафий тафаккур бир-бирига диалектика боғлиқ, аммо улар ўзининг имманент хусусиятлари, усусларига эга интеллектуал изланиш, ижодий фаолиятдир. Фалсафа — илм соҳаси. У инсоннинг борлиқдаги ўрнини, жамият, социум билан алоқаларини, ҳаёт ва ўлим, таракқиёт ва турғунлик, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, аждодлар ва авлодлар муаммоларини ўрганади. Ушбу муаммолар устида бош қотирмайдиган, уларга муносабат билдирилмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Шунингучун "Ҳар бир киши — файласуф" (К.Поппер). Шу билан бирга, фалсафага алоҳида илм соҳаси деб ҳам қаралади. Бундай қараш маҳсус ўқув юртларидагина шакллантириллади. Шу боис фалсафа факультетлари мавжуд. Аммо шуниси қизиқи, фалсафанинг фан, илм соҳаси сифатида шаклланнишида фалсафа факультетини битиргандардан кўра бошқа ижодкорлар, яъни одам ва олам муаммоларини профессионал файласуфлардан ўзгача идрок этувчи илм ва ақл эгаларининг хизмати кўпроқ. Масалан, 1999 йили Минске чоп этилган "Энг янги фалсафа лугати"да жаҳон илм-фанида эътироф этилган 556 файласуф ҳақида маълумот берилган. Уларнинг 518 таси асли-

да бошқа соҳалар вакили, яъни профессионал файласуф эмас. Демак, фалсафанинг инсон ақлу идроки ва тафаккурига хос ижод тури сифатида шаклланниши фалсафанинг бошқа фанлар билан алоқалари ҳамда бошқа соҳалардаги ижодкорларнинг фалсафий тафаккурига боғлиқ. М.Мамардашвили, "Файласуф бўлиш учун фалсафа факультетига эмас, файласуф олдига борадилар" (Мамардашвили М. Как я понимаю философию. М., "Прогресс", 1990, стр.128), деганида профессионал файласуфларни эмас, ўзига хос фалсафий тафаккурга эга, бетакор фикрлари билан одам ва олам муаммоларини идрок этувчи ақл эгаларини назарда тутган.

Фалсафий тафаккур — фикрлаш усули. Ҳар бир инсон, айниқса ижодкор ўзига хос фикрлаш қобилиятига эга, у борлиқ, ҳаёт, муносабатлар, ҳатто ўлимдан ҳам маъно, мантиқ қидиради. Демак, фалсафий тафаккур инсоннинг фикрлаш усулини ифода этади. Тўғри, инсоннинг барча фикрлари ҳам фалсафий моҳият касб этавермайди, одам ва олам ҳақидаги кенг, универсал мушоҳадаларига фалсафийдир.

Фалсафий тафаккур тарихи фалсафа тарихи билан уйғундир. Лекин фалсафий тафаккур файласуфнинг шахс, донишманд, ижодкор, бетакор тафаккур эгаси бўлиб ҳаёт саҳнасига чиқиши билан боғлиқ. Энг қадимги даврлардаги космология, натурфалсафа ва мифларда файласуф йўқ эди, шунинг учун космология, натурфалсафа ва мифлар яратувчи шахси, ижодкори, тафаккур эгаси номаълум изланишлар маҳсулидир. Гомер, Гесиод, Питтак, Фалес, Конфуций, Будда, Сукрот, Аристот, Аристотељи фалсафий мушоҳада юритишга мойил донишмандларнинг ҳаёт саҳнасида пайдо бўлиши билан

фалсафа тафаккурий изланишлар маҳсулига, фалсафий тафаккур эса фикрлаш усулига айланди. Фалсафий тафаккур шахснинг ақпий, илмий, онтологик ва гносеологик изланишлари сифатида айнан ушбу файласуфга хос фикрлаш усулини ифода этади. Фалсафа тарихидан маълумки, Афлотуннинг фикрлаш усули Питтакникидан, Арастунинг фикрлаш усули устози Афлотунникидан, Нагаржуннинг фикрлаш усули Будданиквидан фарқ қиласди. Берунийнинг илмий-фалсафий тафаккури Форобийникига ўхшамайди, Беруний қомусий фикрлашга мойил. Бу билан донишмандлар бири иккинчисидан устун ёки кучиси демоқчи эмасмиз, балки фалсафий тафаккур ижодкор, донишманд шахсининг бетакрорлигини ифода этишини таъкидламоқчимиз. Айнан бетакрор фалсафий тафаккур эгаларигина фалсафанинг илм соҳаси сифатида шаклланишига ва ривожланишига бекёёс хисса кўшган.

Мустақил фалсафий тафаккурнинг йўқлиги илмий изланишларни сийқалаштиради, ҳар қандай фикрни тайёр қолипу таърифларга солиб, хурфиксрикни барбод этади. Мустақил фалсафий тафаккур бўлиши учун муҳит эркин бўлишининг ўзи етарпи эмас, бунинг учун шахс тафаккури, ақлу идроки, руҳи эркин бўлиши лозим. "Тананг ва бойлигинг ҳақида эмас, аввало руҳинг озод бўлиши ҳақида қайғур", деб насиҳат қиласди Сүкрот. Аммо руҳ озодлиги улуғвор, олижаноб мақсадларга даъват этмоғи лозим. Демак, мустақил, бетакрор фалсафий тафаккур инсонни улуғвор, олижаноб мақсадларга ундаши билан эъзозлиди.

Фалсафий тафаккур шахснинг, донишманднинг ўзига хос илмий, ижодий изланиш усули бўлса-да, унда ижтимоий эҳтиёжлар ва қарашлар ҳам ўз ифодасини топмай қолмайди. Антик даврда Конфуций, Будда-дек, ўрта асрларда Август Блаженний ва Яссавийдек зоҳидона ҳаёт кечириш мумкин эди. Аммо Янги даврдан кейин инсонлар, ҳалқлар, давлатлар ўртасидаги интеграция шунчалик кенг тарқадилди, энди зоҳидона ёлғиз умргузаронлик ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Бугун шахснинг, донишманднинг фалсафий тафаккури умуминсоний гносеологик тажрибалардан баҳра олмай, ўрганмай шаклланиши мумкин эмас.

Умуминсоний гносеологик тажрибаларнинг ранг-баранглиги файласуфнинг ўзига хос фикрлаш усулига халақит бермайди, аксинча уни бойитади. Зардўшт таълимоти Ницше фалсафасини умуминсоний ва трансцендентал қарашлар билан бойитди, унда "инсон ўзидан ўзиши керак" деган, аслида Алподам (Сверхчеловек) гоясини шакллантириди. Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушднинг "баҳтиёр ҳаёт", "фаровон ўлка" ҳақидаги утопик ғоялари Янги давр фалсафаси асосчиси Ф.Бэкоини "Янги Атлантида" — озод ва обод орол ҳақида асар ёзишга ундади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қандай умуминсоний гносеологик тажрибалар ўзига таъсир этишини файласуф ҳам билмайди, айнан шу нуктада ижоднинг сирли, мавҳум, бетакрор жарён экани намоён бўлади. Энг мухими, файласуф мавжуд гносеологик тажрибаларни қалби, шахсий ҳаётини позицияси, ақлу идрок таҳлилидан ўтказди ва шу тариқа ўзига хос, бетакрор фикр, ғоя, дунёқараш — фалсафий тафаккур яратади.

Фалсафий тафаккурнинг шаклланишида миллый менталитет ва ижтимоий муҳит мухим ўрин эгаллайди. Фалсафада умуминсоний ғоялар, парадигмалар ўз изини қолдирса-да, улар аввало миллый менталитет ва ижтимоий муҳит таъсирида юзага келади. Айниқса, миллый фалсафа шаклланётганда миллый анъаналарга таянган фалсафий тафаккурни кўллаб-кувватлайди, унга таянади. Демак, фалсафий тафаккурсиз миллый фалсафа йўқ. Файласуфнинг мустақил фикрлаш қобилияти, миллый ҳаётдаги ўзгаришларни илғаб, уларни қалби, руҳи ва замон эҳтиёжлари элағидан ўтказа олиш салоҳияти — фалсафий тафаккури миллый фалсафани яратишга хисса кўшади. Фалсафа, ижод, илм-фан тарихи кўрсатадики, ҳар бир инсон фалсафий фикрлашга мойил бўлса-да, мустақил изланиш, бетакрор концепциялар, ғоялар яратиш баъзи ақр эгаларигигина наисиб этади. Шундай фалсафий тафаккур эгалари бор ҳалқ, миллyat умрбокийлигига, буюклигига ишонса бўлади.

Отабек ОРТИҚОВ,

ЎЭРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
тадқиқотчisi

Bebaho qadriyat

Инсонни ўраб турган борлик — табиат ҳам, жамият ҳам унинг саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бироқ инсоннинг нотўри хатти-харакати оқибатида улар саломатлика таҳдид соювчи омилга айланади. Шундай экан, табиий ва ижтимоий борликда амал қилувчи паритет (томонларнинг тенглиги) қонуннинг тансиҳатликда намо-

ён бўлишини ҳам тўғри англашда тиббий маданият мухим аҳамиятга эга.

Тиббий-маънавий қадриятлар, билим-қарашлар ҳамда амалий-тажрибавий салоҳиятни ўзида музжассам этадиган тиббий маданият саломатликни муҳофаза қилиш институционал тузилмасининг шаклланиши, фаолият юритиши ва жамият

тараққиётiga мутаносиб ривожланишини таъминловчи, уни ҳаракатга келтирувчи ўзига хос ижтимоий механизмдир. Бу икки тизим табиий ва ижтимоий борлиқдаги ўзаро алоқадор барча мураккаб тизимлар каби изоморф мутаносиблик қонунияти асосида ривожланади.

Маълумки, кишилик жамиятидаги ўзгаришлар бевосита инсон маънавиятига боғлиқ. Маънавий салоҳият давр рухини англаш, унга монанд фаолият юритиш, иш натижаларини сарҳисоб қилиш мезонидир. Демократик жамиятта хос маънавий юксалиш жараёнида инсоннинг қадр-киммати, ҳуқук ва эркинликларига эътибор кучайиши саломатликнинг юксак ижтимоий-маданий қадриятга, тиббий маданиятнинг эса зарур ижтимоий муҳофаза воситасига айланисига таъсир кўрсатади.

Инсон вуҷудида сихатни таъминловчи ноёб муҳофаза тизими мужассам. Аммо бу тизим маънавий салоҳият негизида шаклланган тиббий маданият билан муштараклик каеб этсагина бехато ишлайди. Бутун Ер юзида экологик мувозанат бузилган ҳозирги даврда соғлиқни муҳофаза қилиш масаласига ёндашувни ҳам тубдан ўзгартириш тақозо этилмоқда. Анъанага кўра, саломатлик муҳофазаси хасталикка чалинган беморга тиббий ёрдам кўрсатиши, тиббий маданият эса ана шу фаолиятини юксак савиядаги ташкил этишини англатади. Профилактик тиббиёт устуворликка эришган ҳозирги даврда эса бу тушунча инсонга бевосита тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга соғлом ҳаёт гарови бўлган тиббий ва ижтимоий муҳитни асрараш, киши саломатилигини таъминловчи барча шароитни яратишни ҳам назарда тутади. Ҳозирги давр воқелиги соғлиқни сақлашни кенг кўламли ижтимоий-муҳофазавий фаолиятга айлантироқда. Албатта, бундай муҳофазавий тизим жамиятнинг бутун моддий ва маънавий салоҳияти билан таъминланамоги лозим. Тиббий-маданий тизим саломатлик муҳофазаси юксак савиядаги бўлишига замин ҳозирлайди ва тиббий амалиёт жараёнида ўзи ҳам такомиллашиб боради. Бугунги кунда тизимнинг тиббий-аксиологик, интеллектуал-

когнитив ва функционал таркибий қисмларида катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу жараёнларда тиббий-аксиологик қадриятлар алоҳида ўрин эгаллайди. Биоэтикага таалуқи ғояларга эътибор кучайиши билан соғлиқни сақлаш институционал тизимида янги тузилмаларнинг пайдо бўлиши ҳам буни тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилги қошидаги этика комитети ана шундай янги тузималарданданди.

Қадимда саломатликни сақлаш ва касаллиқдан фориг бўлиш ҳар бир кишининг ўзигагина боғлиқ экани сабабли ахолининг тиббий муҳофазаси асосан индивидуал қасбий фаолият доираси билан чекланган. Европада 542 йили бошланган ва Юстиан ўлати деб ном олган 1-пандемия оқибатида 100 миллион киши қирилиб кетган. Бу ўша даврдаги аҳоли сонига кўра жуда катта йўқотиш, том маънода оммавий фожиа эди. Тариҳдан аёнки, бундай пандемиялар кейин ҳам содир бўлиб турган ва натижада ижтимоий онгда туб ўзгариш рўй берган, ана шундай хавф-хатарлар саломатликни ижтимоий қадрият сифатида эъзозлашга, уни асрараш лаёқатига эга бўлган ижтимоий тузилма яратишга туртки бўлган. Кўп асрлар давомида шаклланган соғлиқни сақлаш тузилмаси XX асрга кепиб мукамал муҳофаза тизимига айланди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиши тиббий маданиятнинг ҳам янги тараққиёт босқичига кўтарилишига замин яратди. Жўмладан, тиббий фаолият доирасида ахлоқ меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатлар ҳуқуқий норма сифатида қонулларда акс эттирилиши, тиббий-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонун меъёрларининг яратилиши тиббий маданиятнинг аҳамиятини янада оширмоқда. Ахолининг кам таъминланган қисмига тиббий ёрдам кўрсатиша оид ҳуқуқий меъёрлар қонулларда акс эттирилгани тиббий-маънавий қадриятларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Анвар МУҲИДДИНОВ,
педагогика фанлари номзоди

Istiqbolli odimlar

Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикасидан кейинги йирик минтақаси бўлган Навоий вилояти 1982 йил 20 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармонига биноан ташкил топди. Фармонга асосан илгари Бухоро ва Самарқанд вилоятлари таркибида бўлган учта шаҳар ва саккизта туман янги вилоят ҳудудини ташкил этди. Бу тарихий воқеа кўп жиҳатдан Қизилкум

бағридаги бебаҳо табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида бунёд этилган Навоий кон-металлургия комбинати фаолияти билан боғлиқ. 1958 йил 3 сентябрда асос солинган мазкур комбинат ишчилари учун манзилгоҳ сифатида қад ростлаган Навоий шаҳри кейинчалик вилоят марказига айланди. Собиқ Иттифоқ даврида Навоий шаҳри ва вилояти Марказга минерал хомаше етказиб берувчи база

сифатида ривожлантирилди. Шунга кўра, бу ердаги барча кон ва саноат корхоналари тўғридан-тўғри Иттифоқ вазирликларига бўйсунар, бутун бойлик ва маҳсулотлар республика раҳбариятининг розилиги ва назоратисиз Марказга ташиб кетилар эди.

Навоий вилояти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 6 сентябрдаги фармонига асосан мәъмурлий бирлиг сифатида тугатилиб, унинг худудлари Самарқанд вилояти таркибида кўшиб юборилди. 1989 йил 16 майда эса яна мазкур олий ќокимиюти органи фармонига кўра, аввал Навоий вилояти таркибида бўлган баъзи туманлар Бухоро вилоятига олиб берилди. Бу совет тузумининг сўнгги йилларида айrim раҳбарларнинг Марказга яхши кўриниш ниятида узоқни кўзламай олиб борган сиёсатининг салбий оқибати эди.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгач, 2002 йил 31 майда Навоий вилояти қайта тикланди. Бироқ истиқололинг дастлабки йилларида мамлакатнинг бошқа худудлари каби Навоий вилояти учун ҳам иқтисодий ва ижтимоий ривожланниш ўта мураккаб кечди. Биринчидан, вилоят аҳолиси кўп миллиатли бўлиб, уларнинг яқдиллиги, аҳиллигини таъминлаш ҳал қўйувчи аҳамият қасб этар эди. Иккинчидан, худуддаги ерости бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш табиатга ялпи таъсир кўрсатиш хусусиятига эга эди. Бинобарин, кимё ва бошқа заҳарли корхоналар боис юз берадиган экологик муаммоларни барта-раф этиши зарур бўлди. Учинчидан, вилоятдаги аксарият корхоналарга хомаше бошқа ўлкалардан ташиб келтирилар эди. Иттифоқнинг парчаланиши йиллар давомида шаклланган иқтисодий алоқалар узишлишига сабаб бўлди. Оқибатда, вилоятдаги баъзи корхоналар кам қувват билан ишлай бошлади, айримлари эса бутунлай тўхтаб қолди. Масалан, 1994 йил 48 та саноат корхонасидан 14 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш 70,9 миллион сўмга камайди. Тўртнчидан, қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик учун кенг имкониятлар мавжудлиги боис бу соҳани ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш талаб этиларди. Бешинчидан, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашдек долзарб вазифа турарди. Олтинчидан, маориф ва соглиқни сақлаш тизимини қайта куриш ижтимоий соҳадаги кечкитириб бўлмас муаммола айланган эди.

Ўтиш даврида навоийликлар вазминлик ва ўюшкоқлик билан меҳнат қилди, вилоятнинг оёқга туриб олишида шижоат ва фидойлик намунаси ни кўрсатди. Ваҳоланки, вилоятнинг демографик салоҳияти учна юқори эмас. Ҳозир худуддаги аҳоли сони 845,2 минг кишини (1.07.2009) ташкил этиб, бу кўрсаткич йил сайн кўтарилиб бормоқда. Нуғуснинг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, Қизилтепа ва Хатирчи туманларида ўсиш суръати бирмунча юқори. Вилоят аҳолиси ёш таркиби бўйича таҳлил қилинса, жами аҳолининг 6,8

фоизини катта ёшлилар, 60,6 фоизини ўрта ёшлилар, 32,6 фоизини ўсмирлар ва болалар ташкил этади.

Вилоятда саноатнинг жадал ривож топлиши шаҳар аҳолиси кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда олтита шаҳар ва саккизта шаҳарча мавжуд бўлиб, уларда жами аҳолининг 39,5 фоизи яшайди. Кўриниб турибдики, умумий урбанизация кўрсаткичи вилоядта анча юқори.

Вилоят аҳолининг ўртача зичлиги бўйича республикада охирги ўринда туради — бир квадрат километр майдонга ўртача 7,4 киши тўғри келади (республикада бу кўрсаткич 58 кишига тенг). Қолаверса, аҳолининг зичлиги худудлар бўйича бир хил эмас. Хатирчи ва Кармана туманларида бир квадрат километр майдонга 102-114 киши тўғри келса, Учкудуқ ва Томди туманларида шунча майдонга бир киши тўғри келади, холос.

Ҳар бир қишлоқ туманига ўртача 13,9 минг квадрат километр ер тўғри келади (республикада бу кўрсаткич 2,7 минг квадрат километр). Биргина Учкудуқ туманининг майдони 46,6 минг квадрат километр ёки мамлакат худудининг деярли ўндан бир қисмига тенг. Қишлоқ туманлари майдонининг катталиги худуд қишлоқ хўжалиги ва аҳоли жойлашуви учун кулаги шароитга эга эмаслигидан дарак беради.

Вилоятдаги Хатирчи, Навбаҳор, Қизилтепа, Кармана туманлари сурғома дәхқончилик минтақаси бўлиб, ушбу худудлар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишишига ихтисослашган. Томди, Конимех, Нурота ва Учкудуқ эса чўлда ташкил топган туманлар бўлганинга сабаб улар хўжалигига асосан қоракўчлилик етакчилик қиласиди. Вилоятда қишлоқ хўжалиги, айниқса, сурғома дәхқончилик бир қадар суст ривожланган. Шу боис агросоҳа маҳсулотининг 63,8 фоизи чорвачиликка тўғри келади.

Вилоятнинг ялпи худудига нисбатан унинг иқтисодий фаол қисми, яъни экин майдонлари жуда кам — 100 минг гектардан сал кўпроқни ташкил этади, холос. Уларда ғалла, пахта, сабзавот ва чорва учун ем-хашак етиширилади. Боғдорчилик ва узумчилик Хатирчи ва Нурота туманларида бир қадар ривожланган. Чорва ҳайвонлари сони жиҳатидан ушбу худуд Ўзбекистонда Бухоро вилоятидан кейин иккинчи ўринда туради. Навоийликлар бир йилда 500 минг дона қоракўл тери етишириб, Марказий Осиё мамлакатлари орасида ҳам олдинги ўринни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги фармонига асосан "Навоий" эркин индустрисал иқтисодий зонаси ташкил этилди. 2010 йил мазкур зонада 180 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдоридаги 17 та лойиҳани амалга оширишга киришилди ва бугун кенг истиқболли бунёдкорлик ишлари янада авж олмоқда. Жанубий Корея, Сингапур, Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирлиги каби мамлакатларнинг йирик компаниялари билан

ҳамкорлиқда LCD мониторлари, компьютерлар, ҳар хил дисплейлар, тежамкор энергиялы өрттигичлар, автомобиллар үчүн әхтиёт қысмалар, тибиет асбоблари ва дори-дармандлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юрита бошлады. Кейинги иккى-үч йил ичидә бундай лойихалар сони 50 тага етиши күзде тутилмоқда. Эркин индустрисал-иқтисодий зонага жалб қылышадын инвестициялар ҳажми 5,5 миллиард АҚШ доллардан ошади. Шу лойихалар бүйича қад ростлайдын корхоналар 7,5-8 миллиард АҚШ

доллари ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқариш ва 5 миллиард АҚШ доллары ҳажмида экспортта маҳсулот жүннаты имконига эга бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, "Навоий" эркин индустрисал-иқтисодий худудининг ташкил этилиши яқин келажакда Ўзбекистон ҳалқ хўжалигининг юқори суръатдаги ўсишига катта ҳисса кўшади.

Умид НАРЗУЛЛАЕВ,
НафДПИ аспиранти

Tarixiy xotira – o'zlikni anglash asosi

Тарих — ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисаларнинг оддигина баёни эмас, Ватаннинг шонли кечимиши, жамият тараққиёти қонунлари ҳақида билим берадиган тарбия мактабидир. Шунинг учун барча замонларда бошқа миллатни қарам қўлимоқчи бўлган босқинчилар аввало тарихий хотирини, тарихий меросни, миллый маданият ва анъаналарни йўқ қилишга ҳаракат қилган.

Миллый ўзликни англаш ижтимоий ҳодиса сифатида миллатнинг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланиб, муайян имкониятлар ва эҳтиёжлар тақозоси билан янада ривожланиб, такомиллашиб борадиган жараён хисобланади. Шу маънода, миллат тарихи унинг бугунги кунида акс этади, миллатнинг ўзлигини англаши ўз тарихини ўрганиши билан боғлиқ равишда кечади. Зоро, ягона миллатга мансуб кишилар характеристери, руҳиятидаги ўхшашликлар кўп жиҳатдан улар тарихининг умумийлиги билан изоҳланади. Айнан шу ҳолат уларни бошқа этник жамоа вакилларидан ажратиб туради. Кишилик тарихи инсон онги ва тафаккури, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари йиғиндиндан иборат. Шунга кўра, инсоннинг ақт-идрохи, тафаккур даражаси, ижтимоий тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатлари жамиятнинг менталитетини белгилайди. Президентимиз, "Ўзликни англаш тарихи билишдан бошланади. Испотталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур" (Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажагимизни ўз кўлнимиз билан қурамиз. Т., "Ўзбекистон", 1999, 7-жилд, 134-бет) дер экан, бунёдкорлик йўлидан бораётган ҳалқимизни ўзлигини англашга давлат этади. Ўзликни англаш эса инсоннинг ўз тарихига, ўтмишига муносабатдан бошланishiни таъкидлайди.

Ҳақиқатан, ҳаққоний тарихи билмасдан, уни фалсафий мушоҳада қиласдан ўзликни англаш ҳам, юксак маънавиятга эришиш ҳам мумкин эмас.

Зоро, ўзликни англаш инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий тараққиётдаги роли, ўзининг ички имкониятлари ва салоҳиятини англаб олиши билдирил экан, бунинг учун миллатнинг узоқ ўтмишда нималарга эришганини билиши тақозо қилинади. Демак, тарихий хотира, тарихни идрок этиш инсон билим доирасинигина кенгайтириб қолмай, ўзлигини янада теранроқ англашига, маданий савиаси янада юксалишига кўмаклашади.

Тарихий хотираси мустаҳкам, маданий меросига, қадрияларига, анъаналарига ҳурмати юксак бўлган ахил, ҳамжиҳат ҳалқларда миллый ўзликни англаш туйғуси ҳам чуқур илдиз отади ва барқарор бўлади. Бинобарин, миллый бирдамлик миллый ўзликни англаш асосида юзага чиқади. Миллый ўзликни англаш туйғуси заиф бўлган миллат аҳлиниң маълум умум-миллый мақсад йўлида жисплашиши, бирлашиши ҳам қийин кечади. Бундай ҳолларда, миллатнинг ажралиша, бўлинниша мояиллиги кучаяди, гурӯхбозлик, маҳаллийчilik каби иллатлар авж олади. Миллый ўзликни англаш туйғусининг заифлиги эса миллат вакиллари тарихи ва тақдири муштарак бўлган этник бирлика мансуб эканини англай олмаслигидан келиб чиқади. Демак, айтиш мумкини, миллый ўзликни англаш, миллый ҳамжиҳатлик, бирдамлик тарихий хотирага ҳам таянади.

Ўз тарихий хотирасини сақлаб қола олмайдиган, уни кейинги авлодга етказолмайдиган миллатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Чунки хотира миллат келажаги учун пойдевор бўлган ўтмишдан, ҳаётй тажрибадан сабоқ берувчи қўйматли манба хисобланади. Миллатнинг тарихий хотираси мустаҳкам, уни авлоддан-авлодга ўтказишга салоҳияти кучли бўлса, унинг фоясида миллый руҳият ҳам мустаҳкам бўлади ва у ўзлигини асрар яшайди.

Истиқлол йилларида ҳалқимизнинг ҳаққоний тарихини тиклаш йўлида салмоқли ишлар амал-

га оширилди, тарихни англаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарили. Президент Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" аса-рида кўп минг йиллик тарихимизга холисона баҳо бериш, ўтмишимизнинг ҳар бир даврини аниқ маълумотлар асосида тадқиқ қилиш орқали тарихий онгни шакллантириш зарурлиги ҳақида илгари сурилган фоялар бу борада қилинажак ишларга дастуруламал бўлиб хизмат этмоқда.

Дарҳақиқат, тарихий хотира миллатга руҳий маънавий куч-күвват баҳш этадиган мангу маёдидир. Тарихий хотирани тиклаш кўп минг йиллик ўтмишимизни бус-бутун идрок этишга, унинг асл моҳиятини тушуниб етишга ва шу асосда ўзлигимизни англашга ёрдам беради.

Зафар ҲАЙИТОВ,

фалсафа фанлари номзоди

Shaharlashuv va hunarmandchilik rivoji

XIX аср ўрталарида иқтисодий эҳтиёж боис Туркистоннинг йирик шаҳар ва қишлоқларида кучайган ихтисослашиб жараёни хунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларини жонлантириб юборди. Бу вақтда ўлқада жадаллашган урбанизация тъсири Кўкон хонлигидаги ҳам яққол сезила бошлади. Хонлик худудларида ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётida, турмуш тарзида муайян ўзгаришлар рўй берди. Ҳунарманд-тўқувчилар янги маҳсулотлар яратиш, тоҷирлар эса қўшни мамлакатлар билан савдо-сотиқ муносабатларини кучайтириш орқали даромад ортириш ҳаракатига тушди. Бу даврда хонлиқда ип ва ним шойи газмолларнинг турлари анча кўпайган. Водий тўқувчилари айниқса пахта ва ипакдан мато тўқишига фоят уста бўлган. Энг қиммат мато шойи бўлиб, уни асосан бой қатлам харид қилган. Тўқувчи хунармандлар бўз ёки карбоз (бўялмаган оддий ип газлами), босма (гул солинган қизил бўй), олача (бўялган ипдан тўқилган олачипор ип газлами), йўл-йўл ним шойи ва бошқа газламалар тўқишини кенг йўлга қўйган. Бу матолар арzonлиги боис аҳолининг асосий қатламини ташкил қилган камбағаллар ҳам уларни сотиб олишга курби етган.

Ҳунармандлар меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида чарх, чириқ каби асбоб-ускуналар ясаган. Хотин-қизлар пахтани чириридан ўтказиб чигитдан ажратган, кейин эса тола чархда йигирилиб, калава қилинган. Шундан сўнг калаваларга ранг берилган. Тури ранларга бўялган ипплардан олача, қалами, байроқ олача тўқилган. Бўз тўқиладиган ип бўялмаган. Намангандан Андикон ҳунармандлари бўздан ташқари қалами, олача каби матолар тўқиган. Кўконда ишлаб чиқарилган матолар Тошкент матоларига ниобатан сифатли бўлган (Бабаевов X. Народные движения в Кокандском

ханстве в их социально-экономические и политические предпосылки. (XVIII-XIX вв.). Т., "Фан", 1990, стр. 15). Шуну алоҳида таъқидлаш лозимки. Туркистанда пахта ва ипак мўл бўлишига қарамай, ўлқада бирорта мануфактура ёки тўқимачилик фабрикаси мавжуд бўлмаган, ҳунармандлар ҳамма ишни уйда, асосан қўлда бажарган. Улар тайёрлаган тўқимачилик маҳсулотларига талаб катта бўлган. Бу даврда Шарқ мамлакатларига хонликдан асосан тайёр маҳсулотлар чиқарилган.

Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари — Хўжанд, Андикон, Намангандан Марғилонда ипак матолар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилган. Марғилонда тўқилган турли шойи матолар, хусусан, атлас бутун Шарқда машҳур бўлган. Ипак матоларга талабнинг ортиши туфайли водийда шойи газлами тўқиидиган устахоналар кўпайиб борган. Марғилонда 120 та, Хўжандда 97 та, Кўконда эса 40 тагача тўқимачилик устахонаси бўлган (Губаэва С. Население Ферганской долины в конце XIX — начале XX в. Т., "Фан", 1991, стр. 18). Андикон ва Ўшда ҳунармандчиликнинг бу тури бирмунча суст бўлган. Шунга қарамай, атлас, шойи, дорайи, оқ шойи, жужунча, нимшойилардан — адрес, беқасам, банорас, гул босилган чойшаблар ва шунга ўхшаш матолар тўқилган. Бу Кўкон хонлигидаги ички савдони ривожлантириш учун нисбатан қулай шароит мавжуд бўлганини кўрсатади.

Ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши шаҳарларда карвонсарой, дўкон, чойхона ва бошқа маший хизмат кўрсатиш тармоқларининг кўпайишига шароит яратган. Масалан, биргина Кўкон шаҳрида асосан бухоролик савдогарлар банд қилган 10 та карвонсарой бўлган. Улар ўзларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва қўшни давлатлардан олиб келинган товар билан савдо қилган.

Водий аҳолиси дончиплик, боғдорчилик, шунингдек, ипак ва пахтадан тайёрланган тўқимачилик

маҳсулотлари билан ном қозонган. Бу ерда тайёрланган маҳсулотларга нафақат Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига, балки кўчманчи халқлар ва Русиядага ҳам талаб катта бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кўлон хонлигига кенг тармоқ отган, бироқ советлар чеклаб, ҳатто тўхтатиб кўйган хунармандлик, касаначилик, савдо-сотиқ ва тадбиркорликка бугунги кунда мамлакати-

мизда катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги шароитда, юртимизда ички ва ташки савдонинг барқарор фаолият кўрсатишида ўтмишда ортирилган бой тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш аҳамиятлидир.

Муяссар КАРИМОВА,

Тошкент давлат Лёдиатрия институти
катта ўқитувчи

Komillikkha orifona da'vat

Хожа Аҳори Валий ҳаёти темурийлар хукмронлиги даврига тўғри келди. Ўша вақтда таҳт учун кураш авжига чиқсан ва бундан халқ қаттиқ азият чекарди. Айниқса, солиқ тури ва миқдори кундан кун ортиб борар, оддий халқ бундайдан тақотларни тўлашга ожис эди. Ана шундай шароитда Хожа Аҳор сultonларга мурожат этиб, халқ мушкулини осон қилишга интилди. Ул зот таҳт во-рислари ўртасидаги нифоқларни бартараф этиб, тинчлик-осоишишталикни сақлаб қолди. Раият ман-фаатини ўз фароғатидан устун кўйган Хожа Аҳор подшоҳлар инъомини қашшоқлар, мұхтожлар ва етим-есирларга тарқатган. Ўзи эса ҳалол меҳнат қилиб, шунинг мевасини истеъмол қилган, шогирдларига ҳам ўз юкинни бировга юклама, дея уқтирган. Зеро, тасаввубнинг у киши танлаган Накшбандия йўли ана шуни талаб этар эди.

Хожа ҳазратларининг халифаси Мавлоно қози ибн Бурхониддин "Силсилат-ул орифин ва тазкират ус-садиқийн" асарида пирнинг маънавий ва моддий жиҳатдан нақадар фаний экани, бойлигини мискин-фақиrlар билан бирга баҳам кўргани, билимидан эса фақат эзгулик йўлида фойдалангани ҳақида маълумот беради.

Хожа ҳазратлари "Фоғил кўнгил — ўлимнинг сабабчиси" деган ақидага таяниб, мусулмон киши дунё молидан ўзини тийши зарур, деб уқтирган. Зеро, моддиятга берилиб маънавиятдан маҳрум бўлиш ғафлатда қолишнинг айни ўзидир. Ул зот мазкур ҳикматни янада рашванроқ қилиб, куйдагича тушунтиради: "Ҳар биримиз яшаш шарафига мусассар эканимиз, демак, кўлимиздаги ҳунар ва қалбимиздаги билимимиздан халқга фойда етиши лозим". У вақтлар ҳунар эгаллаш ва билим олишининг асосий йўли сұхбат бўлган. Шунга кўра, Хожа Аҳор шогирдларига сұхбатнинг фойдаси чексизлигини, катталар сұхбатини канда қилмаслик баробарида дўстлар билан ҳам кўпроқ ҳамсуҳбат бўлиш зарурлигини уқтирган. Бундай фикрларни ул зотнинг ҳаёти ва таълимоти ҳақидаги "Фикрот ул-Орифин" ("Орифлар сўзларидан парчалар"), "Воридот" ("Кўнгилдан

ўтувчи ўйлар"), "Волидия" ("Отага бағишилов") каби рисолаларда ҳам кўриш мумкин. Бу асарларда Хожа Аҳорнинг эзгу ният, орифона сўз ва хайрли ишлари баён етилган.

Абдураҳмон Жомий Хожа Аҳор кўплаб масжи-ду мадраса курдиргани ва талай маърифий ишларга ҳомийлии қўлганини ёд этиб, бундай ёзади:

Ҳазорон мазраа дар зери кишиш аст,
Ки зоди рафтани роҳи биҳишиш аст.

Яъни, мингларча ерларга экин экилдики, уларнинг ҳосили жаннатга борувчиларнинг йўл озиғидир.

Хожа Аҳори Валий XV асрда яшаб икод этган бўлса-да, панду ўйтлари ҳозир ҳам бизга раҳнамо. Чунки ул зот ҳаёт мазмуни ва моҳиятини, савоб ва гуноҳ амалларни батағисл тушунтириб берган. Кўғина подшоҳлар пири бўлган Хожа ҳазратлари миллат йўлини ёритувчи чароф эди.

Хожа Аҳор пир мартабасига эришган бўлса-да, ўзини мусулмон ҳожатини чиқарувчи оддий киши деб билган, шунингдек, халқни ҳам табақаларга бўлиб, бирига яхши-ю, бирига ёмон муносабатда бўлмаган. Ҳар бир инсон ўзига яраша обрў ва истак эгасидир, уларга бирдек қараш зарур, деб таъкидлаган. Суҳбатида яхшилиги ёмонликни, адолату ҳақсизликни ҳар доим ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берган. Тингловчининг кўнглига тез этиб бориш ва унинг тасаввурни кенгайтириш учун ҳаётий мисолларга мурожаат этган.

Хожа Аҳор талқинича, инсон мудом ҳақиқатга, камолотга талпинади. Бунга эришиш учун эса имон ва эътиқод, билим ва меҳнат, ирова ва сабр керак бўлади. Инсон ахлоқидаги энг мухим жиҳат — эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалдир. Булар инсон маънавияти нақадар юксак эканини кўзгудаги акс мисол кўроатиб беради.

Нилуфар АЗИЗОВА,

Самарқанд давлат Чет тиллар
институтининг аспиранти

“ТАФАККУР”ГА МАКТУБЛАР

Хурматли бош мұхабаррір!

“Тафаккур”да босилаётган аксарият мақолалар мүштариілар диктатини ўзига тортмоқда. Мисолларми? Қайбірини көлтирай — бир-биридан мағмундор мақолалар күп, ахир. Зұхриддин Асомиддиновнинг “Саркаш саволлар” (2009 йыл 1-сон) мақоласини олинг. Шу хилдаги чиқышилар ҳам тафаккурни өзгөртті, әмбеттегі қызығынан да өзгөртті.

Журнала чөп этилган яна бир мақоланы ўқиб еса мархұм дұстим, шарқшынан олим Асомиддин Үрінбоев ёди хаёлімін чүлеаб олди. Бу үрінде мен Михли Сағаров үлгісі тарихнаның Абдураззок Самарқандийнинг “Матлау сағдайын ва мажмаи баҳрайн” асарыға бағылап єзған “Муаррихнинг бөкүй сүзі” (2009 йыл 3-сон) мақоласини назарда тутыпман. Ахир қозирғы ўзбек китобхонига Абдураззок Самарқандий ва унинг ўлmas асари — “Матлау сағдайын ва мажмаи баҳрайн”ни илк бор танитған худди шу олим дұстимиз ёди-да. Муаллифдан хүрсанд бўлганим, у мақолада Асомиддин Үрінбоев номини айріча ҳурмат билан тизга олган...

Асомиддин Үрінбоев ижодий фаолияты давомида Абдураззок Самарқандий асарларини таржима қилиб нашр этитириши, тадқиқ қилиб элга танитши баробарида Хожа Аҳорори Валий, Ҳазрат Алишер Навоий каби зотларнинг форсий ёзишилари билан ҳам шугуулланди. 80 ёши құтталған түйін арафасыда чин дүнәёра күчган дұстимиз чирогини бүгун турмыши ўртоғи — шарқшынан олма Лариса Енифанова ўқиб ўтирибди.

Ана шундай ўйлар оғыннан мен Асомиддин Үрінбоевнинг инсон ва олим сифатидаги тақдирiga бағылаб салмоқдор бир мақола өзөн анықтап көздейсінін орзу қылдым, сиз бүнга нима дейсиз?

Самимий салом ва әхтиром ила
Андижон давлат университети фахрий профессори

Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ

Хурматли таҳрірият!

“Тафаккур”да өзөн құланаётгандың түрли мавзудаги мақолалар қаторида яна янги саҳифаларни ҳам күришни истар әдик. Бизнингча, журнал фалсафанинг үмумназарий масалалари, онтология ва гносеология жуаммаларига күпроқ өткізор қарата ажыра бүләрди. Негаки, ҳар қандай фалсафий дүнекараши онтология ва гносеология пойдевори үстігінде қуриллади. Биз ҳам миilliй дағлатчиликни мустаҳкамлашнинг гоявий асоси сифатида миilliй гояни күрар эканым, ү ҳам ўзининг онтологик ва гносеологик тағамминига ега бўлиши зарурлигини англамоғимиз даркор. Уибы мактуб орқали юртдоши файласуғларга мурожаат этиб, улардан мазкур масалага оид фикр-мулоҳазаларини “Тафаккур” орқали ўртоқлашишини сўраб қоламиз...

...Матъумки, бугунги кунда биз — талабалар учун бирламчи манбаны топиш ныжоятда мушкүл. Шуни инобатта олаб, журнала дүнекараши тафаккурининг үлгісінде олардың асарларидан таржималар өзөн этиб борилса, биз учун илм қасрларининг яна бир әшиғи очилар әди...

...“Нима дейсиз, замондо?” руқнида юртимизнинг фидойи зиёллілари билан шу күннинг долзарб мактубий жуаммалары хүсусида өзөн құланаётгандың сұрбатлар ҳам биз — талабалар дүнекарашиниң кенгайтиришида мұхым манба ҳисобланади. Бироқ мазкур руқи кейинги вакітда асоси мақсадидан бир оз узоклайғандек, назаримизда. Биз унинг аввали мәжбүр тиқланышини истардик...

...Сўнгги саҳифаларни банд этәётгандың сийқа мазмундаги ихчам мақолалар журнал мавқеига пүтүр етказаётпир. (Айримлари бундан мустасно, албатта). Улар үрнига ҳам салмоқдор таҳлилий мақолалар берилса, нур үстігина нур бўларди...

ЎзМУ фалсафа факультети талабалари —

**Хуршидбек ТОШОВ, Абдумүмин ТУРСУНОВ, Зилола РИЗАЕВА
ва бошқалар**

SUMMARY

Sirojiddin Berdiqulov, senior teacher, Academy of the Internal Affairs Ministry in his article “Democratic Renovation and Political Parties” shares his views on such crucial matters as the role of political parties in building a new society and a state and increasing their role and influence and improving their programs, and winning the favor of the electorate. The political parties have the rights and influence in all levels of the executive. They become an initiative and influential power in developing the whole country as well as the regions through the Prime-minister and hakims (governors).

In his article “A Hopeful World” Qo’chqor Honazarov notes that he witnesses a peculiar “re-armament” process humanity goes through and participates in it. The rank of lazy, unconcerned and indifferent people who think that an eternal epoch without war could start would increase. Meanwhile, sabre-rattling, roar of warplanes and tanks will give place to dialogues at interstate, interregional, international summits, conferences and meetings. It would be better to consider the change of the situation in this way as an unavoidable necessity because it fits the spirit of the epoch and universal track of progress. It means that the power of word, idea, logic and argument has turned into a leading and effective way of settling international, inter-regional and interstate conflicts and each nation must think of it in the 21st century.

The article “Philosophy as Wisdom” by Shahnoza Qahhrova proves that the article “Is Philosophy a Discipline?” by H.Yoldoshev published in Volume 1 2010, Tafakkur, triggered discussions and disputes amongst scientists. It has been considered that according to the positivism movement founded by French philosopher A.Comte philosophy would be engaged in researching phenomena but not their basic causes and essence. This way of scientific thinking has developed rapidly and natural sciences based on it made great

gains and sci-tech discoveries have lead to creating comforts in daily life and ultimately it penetrated into human and sociological disciplines too. Accordingly a trend to subordinate philosophy to meet demands other disciplines do and to turn it into a new discipline came into being and this process had been developing till the end of 20th century.

“T

he Shadow” short story by Zulfiya Qurolboy-qizi tells about Samandar who loves a woman longing for love and thinks how to make her happy. After his friend dies Samandar gets touched in his attempts to gain the heart of his widow and brings himself to the grave as if he was Behroz which will not leave readers indifferent.

“T

he Master of the Life” written on the occasion of the 150th anniversary of Anton Chekhov by well-known Uzbek scientist Ibrohim Haqqul tells us about how the Russian writer found insides he sought in the world but never let know to anybody about this finding. Difficulties, unhappiness and bad luck he experienced show that he was a man of patience and that person who had a strong will and could face everything without fair. Everyone has to find his way and follow it in this world; each heart has to be illuminated by a beam it radiates – then life gets richer, beautiful and full of pleasure. They were a dream and an ideal A. Chekhov had been striving for.

Z

iyoda Gafforova in her article “Interpretation of Hadiths in Na’ts” (a poetic genre in which the Prophet is eulogized) notes that one needs to get a full knowledge of all works by Alisher Navai where Muhammad the Prophet had been depicted before to begin to research his na’t ghazals. The main purpose of depicting the Prophet Alisher Navai had pursued in his ghazals was to strive for perfection and get rid of evils and acquire virtues and call for living with good will, true word and worthy action.



х/ 6160.

Нәшр күрсөткічи: 869/870
Бағоси келишилгән нарядда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 4/2010

